

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 9/92+93

АЗИЗХОН МУХАМАДҚОДИРОВИЧ РАСУЛОВ

Худоёрхон: сиёсий портретига чизгилар

5А 120301 – Ўзбекистон тарихи

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди.

“Тарих” кафедраси мудири,

т.ф.н С.Мирсоатова

“ ____ ” _____ 2016 й.

Илмий раҳбар:

т.ф.н. Р. Арслонзода

“ ____ ” _____ 2016 й.

Фарғона – 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Факултет: Магистратура

Кафедра: Тарих

Ўқув йили: 2014-2016

Магистрант: А.М. Расулов

Илмий раҳбар: т.ф.н. Р.А. Арслонзода

Мутахассислиги: 5А 120301-

Ўзбекистон тарихи

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИГА АННОТАЦИЯ

Таянч сўзлар: хонлик, беклик, ўрда, кўчманчи, қўзғолон, кипчоқлар қирғини, руслар қўшини, “мархуми мерос”, мингбоши, парвоначи, парчабоф.

Тадқиқот объекти: Қўқон хонлигини 1845-1858, 1862-1863, 1865-1875 йилларда бошқарган Худоёрхоннинг сиёсий фаолияти.

Ишнинг мақсади: Ушбу мавзунини ўрганиш ва ёритишдан мақсад маҳаллий ва рус тарихчилари асарлари, шу билан бирга совет даврида яратилган асарларни мустақиллик даврида нашр этилган асарлар билан солиштириш орқали Худоёрхоннинг ҳукмронлик даври ва шахс сифатидаги фаолиятига холисона баҳо бериш.

Тадқиқот методлари: объективлик, қиёсий таҳлил, тарихийлик, манбаларга танқидий ёндашув.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Худоёрхоннинг ҳукмдор ва шахс сифатидаги фаолияти ва унинг Қўқон хонлиги тарихида тутган ўрни махсус ўрганилди.

Амалий аҳамияти: илмий ишда илк бор Қўқон хони Худоёрхоннинг фаолияти объектив равишда махсус ўрганилди, унинг натижалари Худоёрхон даврининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида ҳозиргача тўпланган маълумотларни бойитади.

Қўлланилиш (фойдаланиш) соҳаси: диссертацияда келтирилган материаллар ва хулосалардан Қўқон хонлари тарихига доир илмий асарлар ёзишда, олий ўқув юртларида Қўқон хонлиги тарихига оид махсус курслардан маърузалар, семинарлар ўтишда, ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар ёзишда фойдаланиш мумкин.

Илмий раҳбар:

Магистрант:

т.ф.н. Р.А. Арслонзода

А.М. Расулов

REPUBLIC OF UZBEKISTAN
MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION
FERGHANA STATE UNIVERSITY

Faculty: Department of Master's degree. **Student of Master's degree:**
A.M. Rasulov
Department: History **Adviser:** R.A. Arslonzoda
Academic year: 2014-2016 **Speciality:** 5A 120301- History of
Uzbekistan

ANNOTATION

thesis of *Rasulov Azizxon Mukhamadqodirovich* on the scientific degree competition of Master of historical sciences on speciality 5A 120301 – History of Uzbekistan on subject “Political portrait of Xudayarkhan”.

Key words: Khanate, provilce, lorde, nomad, rebellion, destruction, of kipchaqs, russian force, the deceased legasu, mingbashi, parvonachi, parchabof.

Object of the inquiry: Political activity of Xudayarkhan, which ruled Kokand Khanate in 1845-1858, 1862-1863, 1865-1875.

Aim of the inquiry: The aim of stadying this theme is objectively point to Xudayarkhan's sovereignty and personal quality souces local and Russian historians, also compere sources of soriet period with Independence years.

Method of the inquiry: objective analysis, comparative analysis, historical,eritical approach to the sources.

The achieved results and their novelty: there was specially studied post of Xudayarkhan in Kokand Khanate and his activity as property sovereign and person.

Practical value: in this scientific work for the first time specially studied objectively khan of Kokand Khanate Xudayarkhan Its resedts enrich political, social-economical and cultural life aboed just at present facts of the period of Xudayarkhan.

Sphere of usage: results, basic deducations and statements of the dissertation can be used for generalizing works, text books and manuals, providing lectures, seminars of special courses on history of Kokand Khanate.

Adviser: R.A. Arslonzoda

Student of Master's degree: A.M. Rasulov

М У Н Д А Р И Ж А

	Кириш	5-10
I боб.	Худоёрхон - Қўқон хонлиги хукмдори	11-41
1.	Худоёрхоннинг ҳокимият тепасига келиши. Биринчи хукмронлик даври	11-23
2.	Худоёрхоннинг иккинчи ва учинчи хукмронлик даври ...	24-34
3.	Қўқон хонлигида 1875 йилги воқеалар. Худоёрхоннинг тахтдан ағдарилиши	35-41
II боб.	Худоёрхоннинг дарбадарлик йиллари	42-67
1.	Худоёрхоннинг Қўқондан Тошкентга сафари	42-49
2.	Худоёрхон: мусофирлик йиллари	50-59
3.	Худоёрхон хукмдор ва шахс сифатида	60-67
III боб.	Худоёрхон даврида Қўқон хонлигидаги ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаёт	68-90
1.	Хўжалик ҳаёти: зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо ...	68-79
2.	Худоёрхон ва Қўқон хонлигидаги маданий ҳаёт	80-90
	Хулоса	91-95
	Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати	96-99

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Ватанимиз ўтмишини янги концептуал-методологик асосда ўрганиш, халқимизнинг мафкуравий қолиплардан холи бўлган объектив тарихини яратиш муҳим илмий ва сиёсий аҳамиятга молик вазифага айланди. Тарихни ўрганиш эса тарихий манбаларни тадқиқ этиш билан боғлиқдир. Тарихий манбаларнинг катта қисмини қўлёзма асарлар ташкил этиб, уларнинг тадқиқ этилиши юртимиз тарихини ҳаққоний акс эттиришга имкон беради. Тарих илмининг ривожланиши кўп жиҳатдан ёзма манбаларнинг ўрганилиши ва уларнинг илмий муомалага киритилиши билан боғлиқдир.

Ҳозирги даврда тарих фанига қўйилаётган талаблар ўтмишни синчиклаб ўрганиш, бу борада мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларнинг ечими учун тўғри усулларни танлашни тақозо этади. Тарихни ўрганишга муносабатнинг турли сиёсий тузумлар таъсирида ўзгариб туриши бугунги кун тадқиқотчилари олдида уни холисона таҳлил этиш ва объектив илмий хулосалар чиқариш каби масъулиятли вазифани кўяди.

Юртимиз давлатчилигининг муҳим босқичларидан бири бўлган хонликлар даврини ўрганиш ҳам ҳозирги давр тадқиқотчиларининг диққати марказида турибди. Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “XIX асрдаги чоризм истилоси кўпгина сабаблар билан бир қаторда авваламбор ўша пайтда мавжуд бўлган сиёсий бошбошдоқлик, ҳукмрон кучларнинг узоқни кўролмаслиги, маънавий заифлиги оқибатида рўй берганини тарихий мисоллар исботлаб турибди. Бу аччиқ ҳақиқат барчамизга, айниқса, бугун ҳаётга катта умид ва ишонч билан кириб келаётган ёшларимизга доимо сабоқ бўлиши лозим”¹, деб ёзади. Шу нуқтаи назардан қараганда, биз ўтмишга холисона баҳо бериб, ундан тегишли хулосаларни чиқаришимиз керак.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 52.

Совет даврида, турли сиёсий ва мафкуравий сабабларга кўра, ўзбек давлатчилигининг муҳим бўғинларидан бири бўлган Қўқон хонлиги тарихини тадқиқ этишга етарли эътибор берилмади. Ҳозирги кунда эса олимлар, айниқса ёш тадқиқотчилар хонлик тарихини ўрганишга астойдил бел боғладилар. Бу эса Қўқон хонлиги тарихини атрофлича ўрганишни талаб қилади.

Қўқон хонларининг сиёсий фаолиятини ўрганиш, хонлик тарихини ўрганишда ғоят муҳим ҳисобланади. Жумладан, Худоёрхоннинг ҳукмдорлик даврини ўрганиш Қўқон хонлигини таназзулга олиб келган сабабларни аниқлашда асосий омил бўлади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Худоёрхоннинг сиёсий фаолиятини ёритишда В. Наливкиннинг хизматлари катта. Унинг “Краткая история Кокандского ханства” асарида² Қўқон хонлиги тарихи билан бир қаторда, Худоёрхон даври ҳақида ҳам қимматли маълумотлар жамланган. Бундан ташқари Қўқон хонлигида Худоёрхон давридаги вазият ҳақида шўро мафкураси ҳукмрон бўлган даврда тарихчи Р.Набиев “Қўқон хонлиги тарихидан” (“Из истории Кокандского ханства”) асарини ёзди.³

Қўқон хонлиги тарихи қаторида Худоёрхон даврини ўрганиш ҳам мустақиллик йилларида амалга оширила бошланди. Бу борада таниқли олимлар Ҳ.Бобобеков, Ш.Воҳидов, Ш.Юсуповларнинг хизматлари катта. Улар Қўқон хонлиги тарихини ўзида мужассам этган маҳаллий тарихнависларнинг асарларини ўрганиш ва уларни нашр этиш борасида кўп ишлар қилди. Бундай ишларнинг натижасида Ҳ.Бобобековнинг “Қўқон тарихи”, Ш.Воҳидовнинг “Қўқон хонлигида тарихнавислик”, Ш.Юсуповнинг “Худоёрхон ва Фурқат” номли монографиялари эълон қилди.⁴ Ушбу тадқиқотларда Қўқон хони Худоёрхоннинг сийсий

² Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казань. 1886.

³ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т.: Фан. 1973.

⁴ Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. Т.: Фан. 1996; Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. Т.: Академнашр. 2010; Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. Т.: Шарқ. 1995.

фаолияти, шу билан бирга, ҳукмдорлик давридан кейинги ҳаёти ҳам ўрганилган.

Қўқон хонлиги ҳақида бир талай маълумотларни ўзида мужассамлаштирган “Туркестанский сборник”да ҳам Худоёрхон ҳукмронлигининг сўнгги йиллари ҳақидаги воқеалар баён этилган.⁵

1999 йилда Д.Сангирова “Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг “Тарихи Азизий” асари муҳим тарихий манба” мавзусидаги номзодлик диссертатсиясида⁶ ушбу асарнинг Қўқон хонлиги тарихини ўрганишдаги аҳамиятини кўрсатиб берган.

2010 йилда Б.М.Бобожонов томонидан нашр этилган “Қўқон хонлиги: ҳокимият, сиёсат, дин” номли монографияда⁷ Қўқон хонлиги ҳукмдорлари қаторида Худоёрхон даври ҳам тадқиқ этилган ва бу даврнинг ўзига хос айрим жиҳатлари ёритилган.

Қўқон хонлиги тарихи бўйича ёқланган бир қатор номзодлик диссертатсияларини ёзишда ҳам Худоёрхон даврига мурожаат этилган.⁸

Қўқон хонлигининг Россия билан дипломатик алоқалари тарихини ўз диссертатсиясида ақс эттирган Х.Г.Гуломов Худоёрхон даврида хонликнинг Россия билан олиб борган сиёсатини ҳам ёритган.⁹

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Қўқон хони Худоёрхон фаолиятига доир маълумотлар илмий тадқиқотларда кенг қўлланилмоқда. Аммо шу кунга қадар Худоёрхоннинг ҳукмдор ва шахс

⁵ Очерки Коканда // Туркестанский сборник. Т., 458.

⁶ Сангирова Д. Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг “Тарихи Азизий” асари муҳим манба. Тар. фан. номз... дисс. автореф. Т., 1999.

⁷ Бабаджанов Б. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио – Т.: Yangi nashr. 2010.

⁸ Ишқувватов В. XX асрнинг II ярми тарихшунослигида Қўқон Россия дипломатик муносабатлари. Тарих фанлари номзоди... дисс. – Т., 2003.; Илҳомов З. Аликули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий тарихида тутган ўрни. Тарих фанлари номзоди... дисс. – Т., 2004.; Турсунов Б.Я. Қўқон хонлигида ҳарбий иш ва кўшин: ҳолати, бошқаруви, аъналари. Тарих фанлари номзоди... дисс.- Т., 2006.; Маҳмудов Ш.Ю. Қўқон хонлигининг маъмурий бошқарув тизими (1709- 1876) : Тарих фанлари номзоди... дисс. – Т., 2007.; Мадраҳимов З.Ш. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари. Тарих фанлари номзоди... дисс. – Т., 2009.; Худайкулов Т.Д. XIX асрда Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти. Тарих фанлари номзоди... дисс. – Т., 2010.

⁹ Гуломов Х.Г. История дипломатических отношений государств Средней Азии с Россией. Автореф. диссертации. д-ра ист. наук. Т.: 2006.

сифатидаги фаолияти махсус ўрганилмаган. Мавзунинг долзарблиги ҳамда унинг ўрганилмаганлиги уни ушбу диссертация мавзуси сифатида танланишига олиб келди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Мазкур ишнинг асосий мақсади маҳаллий тарихнавислар ва рус муаллифлари томонидан яратилган асарлар асосида Қўқон хони Худоёрхоннинг фаолиятига холисона баҳо беришдир.

Тадқиқот учун танлаб олинган мавзуни ўрганишда ишнинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Худоёрхоннинг илк маротаба ҳокимиятга келиши ва ҳукмдорлик даврини ўрганиш;

- Худоёрхоннинг ҳокимиятдан кетиши сабабларини қиёсий таҳлил қилиш;

- Худоёрхон давридаги маданий ҳаёт, зироатчилик, ҳунармандчилик ва савдо соҳаларида амалга оширилган ишларни яхлит ўрганиш. Шу билан бирга Худоёрхон шахси ва фаолиятини ўрганиш Қўқон хонлиги тарихи билан боғлиқ воқеаларни ҳаққоний ёритишда муҳим эканлигини кўрсатиб беришдир.

Диссертациянинг назарий-методологик асослари. Мавзуни ўрганишда Президент И.А.Каримовнинг асарлари, айниқса, унинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” ва “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида хонликлар даври ҳақида билдирилган фикрлар, миллий истиқлол ғояси муҳим методологик аҳамиятга эга бўлди. Мавзу тарихийлик, объективлик, қиёсий таҳлил каби илмий тамойиллар асосида ўрганилди.

Манбалар тавсифи. Мазкур ишни ёритишда Қўқон тарихнавислик мактаби намояндалари томонидан яратилган асарлар, совет даври ва мустақиллик йилларида яратилган асарлар манба бўлиб хизмат қилди. Жумладан, Мирзоолим Мушрифнинг “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин”, Мирзо Олим Маҳдум ҳожининг “Тарихи Туркистон”, Аваз

Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг “Тарихи жаҳоннамои”, Муҳаммад Юнус Тоибнинг “Тарихи Алимқули Амирлашкар”, Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг “Тарихи Азизий”, Ибратнинг “Фарғона тарихи”, Худоёрхонзоданинг “Анжум ат-таворих”, В.Наливкиннинг “Краткая история Кокандского ханства”, Р.Набиевнинг “Из истории Кокандского ханства” асарлари, шу билан бирга, А.Хасанов, Ҳ.Бобобеков, Б.Бабаджанов, Ш.Воҳидов, Ш.Юсуповларнинг асарларидан фойдаланилди. Қўқон хонлиги тарихига оид илмий тадқиқотлар ҳам мавзуни ўрганишга жалб этилди.

Ишнинг илмий янгилиги. Мазкур ишда илк мартаба Қўқон хони Худоёрхоннинг шахси ва сиёсий фаолияти махсус ўрганилган. Шунингдек, мавзуни ёритишда ҳам маҳаллий, ҳам рус манбалари, шу билан бирга мустақиллик йилларида яратилган асарлардан кенг фойдаланилган. Худоёрхон фаолиятининг хонлик тарихидаги ўрни яхлит тарзда ўрганилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда келтирилган материаллар ва хулосалардан Қўқон хонлиги тарихига доир илмий асарлар ёзишда, олий ўқув юртлирида Қўқон хонлиги тарихига оид махсус курслардан маърузалар, семинарлар ўтишда, ўқув қўлланмалари яратишда, илмий мақолалар ёзишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг апробацияси. Диссертациянинг тузилиши, йўналиши ва мазмуни Фарғона Давлат университетининг тарих кафедрасида муҳокама қилинган. Диссертация мавзуси бўйича илмий маърузалар тайёрланиб, 2015-йилда Фарғона Давлат университетида бўлиб ўтган “Илм – заковатимиз сенга, она-Ватан” мавзусидаги ва “Актуальные проблемы многоязычия в Республике Узбекистан” мавзусидаги республика илмий – амалий анжуманларида баён этилган.

Тадқиқотнинг хронологик чегаралари XIX аср ўрталаридан то охирларигача бўлган даврни қамраб олади. Жумладан, Худоёрхоннинг 1845-1858, 1862-1863, 1865-1875 йиллардаги ҳукмронлиги ва вафотига қадар бўлган даврни ўз ичига олади.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши. Мазкур диссертация кириш, учта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. Худоёрхон - Қўқон хонлиги ҳукмдори

1.1. Худоёрхоннинг ҳокимият тепасига келиши. Биринчи ҳукмронлик даври

Қўқон хони Абдураҳимбий¹⁰ (1721-1733) нинг набираси Шералихон ибн Ҳожибек 1842 йилнинг кузида Талас¹¹ қирғизларининг ёрдамида Қўқон хонлиги тахтига эга бўлиб олади. Қипчоқлар жамоаси Шералихонни кўғирчоқ хон қилиб, ўзлари мамлакатни бошқара бошлайдилар. Шералихон ҳукмронлигининг сўнгги йили (1844) да қирғиз жамоаларининг Ўш вилоятини талаб кетишларига барҳам бериш учун қипчоқлар раҳбари Муслмонқул шошилини тарзда Қўқон лашкари ва қипчоқ жамоаси билан пойтахтни ташлаб Ўшга кетади.¹² Ушбу вазиятдан фойдаланган айрим амирлар Шералихонга суиқасд уюштирадilar ва Олимхоннинг ўғли Муродхонни тахтга чиқарадилар.

Бу хабарни эшитган Муслмонқул Ўшдан тезлик билан Қўқонга келиб, 11 кун ҳукмронлик қилган Муродхонни қатл этади ва Шералихоннинг ўғли **Худоёрни хон деб эълон қилади.** 14 ёшли Худоёрхонга 12 ёшли қизини никоҳ қилиб бериб хонга қайнота бўлгач, оталиқ унвонини ҳам олган. Шу тариқа, Қўқонда ҳокимият қипчоқ бийлари қўлига ўтганлигини кўрамыз.

Худоёрхоннинг отаси Шералихон амакиваччаси Олимхон даврида пойтахтдан кетган ва Талас водийсида яшаган. Шу ерда у иккита қирғиз хотинидан саккиз нафар фарзанд кўрган. Биринчи хотини Сўнадан Малла, Сўфи, Офтоб, Моҳлар; иккинчи хотини Жарқиндан Саримсоқ, Худоёр, Султонмурод ва Норчучук исмли фарзандлари бўлган. Катта ўғли Саримсоқ бўлсада, севимли ўғли Худоёрхон бўлган.¹³

Худоёрхон 1831 йилда Таласда тўғилган ва болалиги шу ерда ўтган. Унинг болалик йилларига оид маълумотлар озлиги боис бу давр ҳақида

¹⁰ Сулотонов Ф, Бозорбоев Ф. Ўзбекистон ҳукмдорлари. Т., 2007. Б. 7.

¹¹ Талас водийси – Қирғизистоннинг шимолий-ғарбий қисмига тўғри келади.

¹² Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. Т., 2010. Б. 688.

¹³ Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Т., 2014. Б. 315.

тўлиқ ва аниқ бирор фикр билдириш биз учун мушкуллик тўғдирди. Шунинг учун ҳам Худоёрхоннинг болалик йилларига оид кам маълумотлар билан чекландик. Отаси Шералихон Қўқон тахтига келганида Худоёрхон 11 ёшда бўлган. Шералихон катта ўғли Саримсоқни Тошкентга, Худоёрхонни эса Андижонга ҳоким этиб тайинлаган.

Шералихонни тахтдан олиб, ўлдирилишига фаол қўл урган руҳонийлар - Зокирхўжа шайх ул-ислом, домла Холмуҳаммад раис, домла Хўжамқули аълам, Сулаймонхўжа, шаҳар ва заминдор ашрофларидан Раҳматилла додхоҳ, Сотиболди додхоҳ, Охун додхоҳ, Муҳаммадкарим халифа, Мулла халифа ва бошқаларни Мусулмонқул ўлдиради.¹⁴ Ёш Худоёрхон қайнотаси Мусулмонқул ва қипчоқлар таъсирида қолиб, давлат бошқарувидан бутунлай четлатилган эди. «Шундай замон бўлдики, - деб ёзади тарихчи Аваз Муҳаммад, - ҳар ким ўзича ҳукм суларди. Хон унвони маъносиз бўлди. Мусулмонқул ва қипчоқнинг бошқа ашрофлари ўлкани ўзаро бўлиб олдилар».

Мусулмонқул мингбошилиқ лавозимига эга бўлгач қипчоқлар ўз авлодлари билан гуруҳ-гуруҳ бўлиб Қўқонга кириб яшай бошлайдилар. Шаҳардаги аҳолини ҳайдаб чиқариб, ер, мол-мулкларига эга бўлиб олишади. Манбаларда хабар берилишича, Мусулмонқул ҳатто эски Ўрда ерини ҳам ўз қабиладошларига бўлиб берган. Қўқонда ҳокимиятни қўлга киритгач, Мусулмонқул Хўжандни Турдибой қипчоққа беради, Тошкентни ҳам ўз тасарруфига ўтказиш учун Саримсоқхонни алдаб, Қўқонга олиб келади ва Балиқчига ҳоким этиб қўяди. Унинг ёнига Худойберди додхоҳни ботурбоши этиб тайинлайди, аммо тез орада уни ҳам ўлдиради.¹⁵ Мусулмонқул Тошкент ҳокимлигини аввал Мулла Холбекка, уч ойдан сўнг эса Азиз парвоначига тақдим этади. Кировучи эса Нормуҳаммад қипчоққа берилади. Мулла Холбек ҳокимиятдан айрилиб, Қўқонга қайтади. Шундай қилиб, қипчоқлар ўртасига низо тушади. Туркистон ҳокими Қаноатшоҳ эса

¹⁴ Мирзо Олим Махдум хожи. Тарихи Туркистон. Т., 2009. Б. 112.

¹⁵ Мирзо Олим Махдум хожи. Ўша асар. Б. 114

Худоёрхон ҳокимиятини тан олмайди ва Азиз парвоначига эътироз билдиради. Азиз парвоначи Қаноатшоҳга қарши чиқиб, Туркистонни етти ой давомида камалга олади ва шаҳарни сувга бостириб қўлга олади. Қаноатшоҳ Бухоро амирлигига чиқиб кетиш шарти билан омон қолдирилади.¹⁶

1846 - йили Мусулмонқул бошқа қипчоқ зодагонларининг маслаҳати билан Ўратепага юриш бошлайди. Шаҳарни камал этиб, унинг атрофини талон-тарож қилади. Қайтишда Худоёрхон ва Мусулмонқул ораларида адоват пайдо булади. Хон Мулла Холбек қўшбегини мингбоши этиб, Мусулмонқулни Қураманинг Облиқига¹⁷ сургун қилади. Тошкентга қайтгач, Азиз парвоначи Мусулмонқулнинг мингбошилиқдан тушганини эшитиб, бунга қарши чиқади. Энди қипчоқлар ўртасида ўзаро урушлар бошланади. Бироз ўтмай Облиққа сургун қилинган Мусулмонқул Азиз парвоначи ёрдамида иккинчи марта мингбошилиқ мансабига кўтарилади.¹⁸ Мулла Холбек қипчоқ Мусулмонқулнинг ўрнига вазир бўлганида қипчоқ ашрофларининг талабларини қондира олмаган эди. Шунинг учун ҳам қипчоқлар кенгаши унинг вазирлигига қарши чиқади. Бу низолардан фойдаланиб, Норбўтахоннинг невараси Пошшоҳўжа кўзғолон кўтариб, хон бўлмоқчи бўлади. Бундан хабар топган қипчоқлар Урганжий деган жойда унинг тарафдорлари Муҳаммад Диёр кўрбоши Офтобачи билан тўқнашиб қолади. Суиқасдчилар тарафдорлари мағлуб бўлиб, баъзилари Тошкентга қочади, қолганлари қипчоқлар қўлига тушиб ўлдирилади.¹⁹

Азиз парвоначи ҳам ўз ҳомийси Мусулмонқулнинг вазирликдан тушганини эшитиб, Қўқонга қаршилиқ кўрсатади. Шунда қипчоқлар Тошкентга юриш қилади. Аммо шаҳарни ололмай, юриш қийинчиликларидан қайтишга мажбур бўлади. Қайтишда Тилав қишлоғида

¹⁶ Мирзо Олим Махдум хожи. Тарихи Туркистон. Б. 116.

¹⁷ Облиқ, Обирлиқ – Ангрен шаҳрининг жанубий-ғарбида, Охангарон дарёсининг чар қирғоғида жойлашган. www.shosh.uz/uz.

¹⁸ Мусулмонқул 1847 йилда иккинчи мартаба мингбошилиқ мансабига кўтарилган.

¹⁹ Мирзо Олим Махдум хожи. Ўша асар. Б. 14.

(Қурама яқинларида) кенгаш қилиб, Мусулмонқулни қайта мингбошилик лавозимига кўтариш учун тил бириктиради. Оқота қишлоғида Мусулмонқул Худоёрхон билан учрашиб, қайта, учинчи марта (1848) мингбоши этиб тайинланади. Бундай натижалардан норози бўлган кипчоқларнинг бошқа гуруҳи Мулла Каримқул дастурхончи, Хотамқули рисолачи, Муҳаммадназар Кўрўғли, унинг ўғли Холмуҳаммад додхоҳ, Нормуҳаммад додхоҳ ўз қўшини билан Азиз парвоначига қарши уруш қилиб, Тошкентни олишади. Нормуҳаммад қўшбеги Тошкентга ҳоким бўлади. Шаҳар Азиз парвоначининг уч йиллик зулмидан озод бўлади. Уларнинг 1847 йили кўтарган кўзғолонларидан кипчоқларнинг шу гуруҳи фойдаланган эди. Кўзғолон тафсилотининг шоҳиди бўлган, ўша кунлари Тошкентнинг Жанггоҳ маҳалласида яшаган Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий шундай ёзиб қолдирган: «Азиз парвоначи кипчоқлар қамалидан озод бўлиб, хазинаси бўшаб қолганини билгач, ўз яқинлари маслахати билан вилоят аҳолисига «музофот пули» деган солиқ солади. Тошкентнинг ҳар кўча ва маҳаллаларига солиқ пули белгиланади. Бу хабар Азиз парвоначи зулмидан азоб чекаётган шаҳарликларга етиб боради ва улар Муҳаммадюсуфбой парчабоф²⁰ бошчилигида кўзғолон кўтардилар. Азиз парвоначи кўзғолончиларга қарши тўп ва қуроллар билан чиқади. Кўзғолончилар Жанггоҳ, Парчабоф ва Мисгар маҳаллаларида йиғилиб турарди. Жангда Азиз парвоначининг ботурбошиси Раҳимбек ибн Қозоқ яраланади. Бешёғоч маҳалласидан ҳам мингга яқин кишилар топган нарсалари билан қуролланиб, Парчабоф маҳалласига келади. Азиз парвоначи ўз Ўрдасида паноҳ топади. Шу пайт Шодмонхўжа парвоначи Қурамадан Нормуҳаммад қўшбеги билан етиб келади. У Тошкентнинг ўн икки дарвозасини ёпиб, халқ ёрдамида Ўрдани қамал қилди. Нормуҳаммад қўшбеги ҳам етиб келади ва Бешёғоч дарвозаси олдида тўхтади. Азиз парвоначи лашкарининг сарбозлари қамалнинг икки ҳафтасидан кейин уни

²⁰ Парчабоф – зар ип билан тўқувчи, парча – зар ип аралаштириб тўқилган қалин ипак мато, кимхобнинг бир тури. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-том. Т., 2007. Б. 230.

ташлаб кета бошлайди. Шу ҳолатда Азиз парвоначи таслим бўлганидан сўнг, уни оила аъзолари билан Қўқонга жўнатишади. Нормухаммад кўшбеги Тошкентга ҳоким бўлади».²¹

1848-1849 йилларда қирғизлар ҳам бу ўзаро урушларга қўшилган ва қипчоқлар билан Балиқчи атрофида жанг қилиб, мағлуб бўлишади. Қирғизлар билан бўлган тўқнашув қипчоқларни бирлаштирмаган. Мусулмонқулга қарши бўлган қипчоқлар ўз бошлиқлари Мулло Холбек, Мухаммад Ёр додхоҳ, Жумабой додхоҳ, Раҳимқули додхоҳлар билан Қўқон-Андижон воҳасига кетадилар. Тўрт ойлардан сўнг Қўқонга қарши қилган юришлари ҳам натижасиз тугаган. Уларнинг бошлиқлари эса Мусулмонқул томонидан қатл этилган. Тошкент мулки Нормухаммад кўшбеги ҳокимлиги даврида ҳам, Мусулмонқул мингбоши бўлган замонда ҳам мустақиллигини сақлаб қолган. Мусулмонқул ва қипчоқлар ҳокимиятидан норози бўлган хонликнинг кўп табақа ва халқлари тошкентликлар билан тил бириктириб, мингбошига қарши чиқади. Мусулмонқул Тошкентга келиб, уни қамал қилади. Шаҳарни ололмай, Хўжандга келади ва бу ерни Бухоро амири қўшинидан ҳимоя қилиб, амир Насруллони қайтишга мажбур этади. У Бухоро қўшини ўртасида варақалар тарқатиб, уларни қўрқитади. Жигдалик қишлоғида ҳарбий машварат ўтказиб, амир Насруллога махсус мактуб юборади. Унга қипчоқлар томонидан мағлуб бўлиш, оқибатларини тушунтириб, «бир кўчманчи халқ» устидан ғалаба қозонишнинг ўзи шармандалик эканини айтади.²²

Мусулмонқулнинг дипломатик санъати катта тўқнашувнинг олдини олган, амир Насрулло Бухорога қайтади. Мусулмонқул Бухоро қўшинларини қувиб, Ўратепа мулкини талон-тарож эта бошлайди. Икки марта қўшин тортганидан сўнг Ўратепа таслим бўлади. Манбаларга қараганда, хон ҳар йили беш мартагача Ўратепага қарши юриш ташкил

²¹ Мирзо Олим Махдум хожи. Тарихи Туркистон. Т., 2009. Б. 15.

²² Мирзо Олим Махдум хожи. Ўша асар. Б. 16.

килар экан. Хатто болалар Қўқонда «Ўратепага юриш» номли ўйинни ўйлаб топган.²³

1848 йили Ўратепа Қўқонга тобе бўлди ва Исобек ўрнига унинг амакиваччаси Али Шакурбек ҳоким этиб тайинланади. Шу воқеадан сўнг кипчоқлар орасида яна ўзаро низо пайдо бўлган. Мусулмонқул иккинчи марта мансабидан туширилиб, ўрнига Муҳаммад Диёр кипчоқ вазир бўлганда кипчоқларнинг ўзаро олишувидан фойдаланган Али Шакур Қўқон тобелигидан чиқмоқчи бўлиб кўзғолон кўтаради. Худоёрхон Фарғона аҳолисидан кўшин йиғиб, Ўратепага қарши юриш қилади. 1848 йил ақраб ойида Муғ қалъаси ҳужум билан олинади. Али Шакурбек асир олиниб, Исобек юз томонидан ўлдирилади.²⁴ Шундан кейин Ўратепа ҳокимлиги Ғофурбек ибн Муҳаммад Раҳимбек атоликқа берилади.

Шу вақтда Мусулмонқул вазирлик мансабини қайта қўлга киритиш учун Қўқонга юриш қилмоқчи бўлади. Муҳаммад Диёр кўшбеги ҳам ўз одамларини йиғиб унга қарши урушга чиқади. Аммо кипчоқ Каримқули дастурхончи, Қулбобо рисолачи ва бошқалар ўртага тушиб, Мусулмонқулни Андижонга, Раҳмонқули додхоҳни Чустга ҳоким қилиб қайтаради. Муҳаммаддиёр мингбошига қарши уюштирилган суиқасдда халифа Эшон Сафо айбланиб, у 1849 йили катл этилади. Мусулмонқул яна ўз қабиладошлари ва сафдошлари билан Қўқонга ҳужум қилиб, Ўрдани босиб олади. Муҳаммаддиёр Ёрмозордан Мулла Холбек ва Чустдан Раҳмонча додхоҳни ёрдамга чақиради.²⁵ Аммо Мусулмонқул учинчи марта мингбошилиқ мансабига ўтириб, уларни вазифаларидан четлаштиради. Кейинроқ Муҳаммаддиёр, мулла Холбек, Раҳмонча додхоҳ, Жумабойлар Дуоб деган мавзегга сургун қилинади. 1844 йил кузида эса Мусулмонқул Қўқонда Нормуҳаммад кўшбегининг тўйида юқорида тилга олинган қабила пешволарини тутиб ўлдиради. Мулла

²³ Мирзо Олим Махдум хожи. Тарихи Туркистон. Т., 2009. Б. 16.

²⁴ Ўша жойда.

²⁵ Ўша асар. Б. 17.

Чўлибек ва Эшбийлар эса Туркистонга сургун қилинади. Энди кипчоқларнинг кўп бошлиқлари Мусулмонқулнинг вазирлигидан норози бўлиб, уни мансабдан туширмоқчи бўлишади. Мусулмонқул ҳам ўзига қаршилиқ кўрсатган қабила ашрофларига қарши чиқа бошлайди. Унинг шундай сиёсатидан ҳавфсираб, мулла Каримқул дастурхончи Чодак орқали Тошкентга кетади. Унинг ортидан юборилган Қулбобо рисолачи қайта пойтахтга бормай, Нормухаммад олдида паноҳ топади. Мусулмонқул Нормухаммад қўшбегини ҳам қаршилиқ кўрсатишда айблаб, Тошкентга қарши юриш қилади. Аммо тошкентликлар уни қайтишга мажбур қилади. Бир неча ойлardan кейин Мусулмонқул яна лашкар йиғиб Тошкентга келди. Шаҳар атрофини унинг лашкарлари талон-тарож қилади. Шаҳрихон ҳокими Холмухаммад додхоҳ кипчоқ Чимкентга юборилган бўлса ҳам, қайтиб тошкентликларга қўшилади. Бундан олдинроқ тошкентликлар ташаббуси билан Худоёрхон ҳам мингбошига қарши чиқмоқчи бўлган. Тошкентда хон олдида яширинча мулла Каримқул ва Қулбобо рисолачи юборилади. Учинчи юришда Мусулмонқул билан Худоёрхон ҳам Тошкентга келади. Мусулмонқул қўшинидан бўлган баъзи бошлиқлар ҳам Нормухаммад қўшбегига хабар бериб, хон билан биргаликда уларга қўшилишларини билдиришади. Шаҳар яқинида содир бўлган жангда Наманган ҳокими ҳам тошкентликларга қўшилади. Эртаси куни бўлган жангда Мусулмонқул мағлуб бўлади. Унинг лашкарбошилари Худоёрхонни олиб, Тошкентга кирадилар. Мусулмонқул Чодак тоғлари орқали қочиб, Учқўрғоннинг Кетмонтепа қишлоғига боради.²⁶ Тошкент лашкарбошилари ва ашрофлари Муҳаммаднийез қўшбеги, Муҳаммадқосим парвоначи - мингбоши, Муҳаммад - Ражаб қўрбоши, Мадёқуб қўшбеги, Муҳаммадйосуф мирзабоши кипчоқлар (аслида Мусулмонқул тарафдорлари)ни йўқ қилиш мақсадида Нормухаммад

²⁶ Мирзо Олим Махдум хожи. Тарихи Туркистон. Т., 2009. Б. 121.

қўшбеги мингбошининг розилигини оладилар.²⁷ Олий хон ҳукуматини Худоёрхонга беришни маслаҳат қилиб, қўшин йиғишади ва Қўқонга келишади. Чорбоғи тўра номли боғга тушиб, Худоёрхон билан ҳам тил бириктириб, Қўқон оқсоқолларининг розилигини олишади.

Шундан сўнг Қўқон шаҳри ва унинг атрофларидаги жойларда кипчоқлар қирғини - қатли оми бошланади. Қипчоқлардан Ўтаббий ва Нормуҳаммад қўшбегилар тирик қоладилар. Биринчисини хон, иккинчисини Тошкент ашрофлари ҳимоя қилганлар.²⁸

Худоёрхон қолган қўшини билан Тошкентга киради ва унинг мустақил хонлик даври бошланади. Шу орада хон йўқлигидан Абдуллобек ибн Пошшоҳўжа фойдаланиб, Қўқонда ҳукуматни қўлга олади. Аммо Тошкентдан Мирзод қўшбеги ва мулло Каримқули дастурхончи етиб бориб, Абдуллобекни ўлдиради. Мирзод қўшбеги ўзини хон деб эълон қилади. Унга қарши Худоёрхон Тошкент лашкари билан етиб келади ва уни қатл эттиради. Қирғиз-кипчоқ қўшини ҳам Билқалама деган мавзеда жам бўлишади. Аваз Муҳаммад Хўқандий маълумотиغا қараганда, Худоёрхон Тошкент, Наманган, Андижон ва Марғилонга одам юбориб, кипчоқлар қирғини ҳақида фармон берган экан. У Тошкентга махсус қўшин юбориб, Муҳаммадниёз понсад, Қосим понсад, Ниёзали понсадлар билан тил бириктириб битим тузади. Улар ҳокимлари Нормуҳаммад қўшбеги олдига келиб, Қўқонга бориб Худоёрхонни табриклар келишни маслаҳат беришади. Тошкент волийси икки понсад²⁹ қўшин билан Қўқонга олиб келинади. 1852 йил 14 ноябрда тошкентликлар Қўқонга кириб келадилар.

Қипчоқлар жамоаси бу қатли ордан хавфсизлашиб, Билқалама мавзеига қочиб боришади. Улар мактубини олган Мусулмонқул ҳам Иккисувга

²⁷ Мирзо Олим Махдум хожи. Тарихи Туркистон. Т., 2009. Б. 120.

²⁸ Ўша асар. Б. 122.

²⁹ Понсад - понсадбоши (форс, понсад — беш юз) — Ўрта Осиё хонликларида қўлланилган ҳарбий унвон. Баъзан «дастабоши» («отряд бошлиғи») деб ҳам юритилган. Понсад 500 кишидан иборат ҳарбий қисмга бошчилик қилган. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т., 2005. Б. 342.

келади ва олти минглик қипчоқ-қирғиз қўшинига бош бўлади. Хонликнинг аксарият шаҳар ва қишлоқларида яшаётган бегуноҳ қипчоқлар асирликка олинади, кўплари бола-чақалари билан қочиб кетишади. Худоёрхон йиғма қўшин билан қипчоқларга қарши бориб, биринчи жангдаёқ мағлуб бўлади, ўзи камалда қолади. Қипчоқ қўшинининг бир қисми Қўқонга келиб, шаҳарга бостириб кирмоқчи бўлади. Шунда шаҳар қозиси Муҳаммад Назар иноқ ва Хоникули саркорлар шаҳар мудофаасини ташкил қилишади. Худоёрхон қўшинида бўлган Сўфибек, Султон Муродбек ҳамда лашкарбоши Хўжа Мўмин, Муҳаммадназар, Сайфуддинлар қочиб кетишади. «Зафарномаи Худоёрхоний» асарида бунинг сабаби кўйидагича изоҳланади: хон Мусулмонкулдан озод бўлиб, тахтга ўтиргач, юқорида зикр қилинган кишиларга мансаб ва вазифаларни бериб, баъзиларини алоҳида мулкларга ҳоким этиб тайинлайди. Уларнинг ҳар бири «ўз мулк»ларига қочиб кетмоқчи бўлишади. Фақат акаси Маллабек берган мадади натижасида, Худоёрхон мағлубиятдан ва қамоқдан озод бўлиб, қипчоқлардан устун келади. Қипчоқлар Наманган ва Тўрақўрғонга хужум қилмоқчи бўладилар, аммо мағлуб бўлиб орқага қайтадилар. Иккинчи жангда ҳам хон ғалаба қозонади ва қипчоқлар ўзаро маслаҳатлашиб Мусулмонкулни тутиб хонга беришади. Худоёрхон уни Йўлчибек додхоҳ ҳимоясида Қўқонга юборади ва қатл эттиради.

Мирзоолим Мушрифнинг ўзининг “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин” асарида қипчоқлар қирғинини “қон дарё бўлиб оқти, гўё қиёмат бўлди” деб тарифлайди.³⁰ Хон қўшинларига қипчоқлар Билқиллама тарафдан отланиб, учга бўлиниб хужум қилганлар. Мусулмонкул бошлиқ қипчоқлар қўшини мағлубиятга учратилгач, хон давлатини ўзи бошқаришга муяссар бўлади.

Худоёрхон энг кучли бўлган қипчоқ ижтимоий илдизига қаттиқ зарба беради, уларнинг мол-мулкларини мусодара қилиб, ўтроқ аҳоли

³⁰ Мирзоолим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. Т., 1995. Б. 52.

ишончини қозониш учун бу мулк ярим баҳосида сотилади. Шу билан Қўқон хонлигида бирмунча осойишталик таъминланган. Аммо ўн йил давом этган ихтилоф ва урушлар деҳқон аҳлига катта зарар етказган эди. Шаҳар ашрофлари ва мулкдорлар сиёсий ҳокимият ва давлат бошқарувидан четлатилган эди.³¹

Аркини давлат маслаҳати билан жаноби хон – деб ёзади Мирзоолим Мушриф юқорида номи келтирилган асарида, - ўз акаси Маллабекка Тошкандни беради. Маллабек Тошканд ва Дашти қипчоқ ҳукмдорига айланади. Шу ерда уни кўр Қўлдош ва Ниёзалибий хонга қарши муҳолифатга ундайди. Уларга Ўратепа ҳокими Рустамбек ҳам қўшилиб фитна бошлайди. Ўратепага хон фармони билан Муҳаммад Қосим мингбоши лашкар тортиб қамал қилади.³² Акасининг муҳолифатини тушуниб еткан Худоёрхон Хўжандга келади. Маллабек хон хузурига музокара учун кўр Қўлдошни юборади. Аммо Худоёрхон элчини ўлдириб, Хўжанддан Тошкент томон йўл олади. Хон Кировучидан Маллабек номига Мавлоно Муҳаммад-Ражаб мунший орқали хат ёзиб юборади ва уни қаршилиқдан тўхтатмоқчи бўлади. Аммо Маллабек Қўқон ашрофлари, ҳарбий бошлиқлар ва укаси Худоёрхонга итоат этмайди.³³

Юқорида таъкидланганидек, Худоёрхон Тошкент уруши давомида Ўратепага қарши Қосим мингбошини юборган эди. Аммо Тошкент қамалидан олдин хон Қосим мингбошини қайта чақиради ва биргаликда Маллабекка қарши чиқишади. Маллабек урушларда мағлуб бўлиб, 1853 йили баъзи лашкарбошилари билан Бухорога қочади. Худоёрхон Шодмонхўжа парвоначини Тошкент вилоятига ҳоким этиб, Қўқонга қайтади.

Тарихчи Мирзоолим Мушриф хонликда мазкур воқеалар содир бўлаётган вақтда руслар Оқмасжидни босиб олганликларини ҳам ёзиб

³¹ Мирзо Олим Маҳдум хожи. Тарихи Туркистон. Т., 2009. Б. 19.

³² Мирзоолим Мушриф. Ансоби ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. Т., 1995. Б. 55

³³ Мирзо Олим Маҳдум хожи. Ўша асар, ўша бет

қолдирган.³⁴ 1853 йили Оқмасжид граф Перовский томонидан босиб олинади. Қалъа ҳокими Тўрақул (Абду Вали) ва қалъа ҳимоячилари ҳалок бўлишади. Манбаларнинг хабар беришича, қамал давомида 30 нафар, ҳужум вақтида эса 212 нафар қўқонлик ҳалок бўлган, шулардан 4 нафар аёл, 2 нафар бола 217 нафар яраланганлар билан бирга руслар томонидан асир олинган.³⁵

Воқеалардан хабар топган Худоёрхон Шодмонхўжа додхоҳ, Муҳаммадкарим шайх ва Саримсоқ додхоҳ бошчилигида Оқмасжид устига қўшин юборади. Лашкарбошилар 1853 йил ёзда Тошкент, Қурама ҳамда Қўқон қўшини билан русларга қарши чиқмоқчи бўлиб, Туркистонга келади. Кейинроқ Оқмасжид олдидаги урушда мағлуб бўлиб, қайта Туркистонга, у ердан Тошкентга қайтишади. Худоёрхон Қўқон лашкарбошиларини қўрқоқлик ва жангдан қочишда айблади. Қўқонга қайтган Шодмонхўжа, Саримсоқ додхоҳ ва Муҳаммад Карим шайхларга Ўрда майдонида аёллар кийими кийдириб қўйилади. Улар таҳқир қилиниб, сўнг ўз қўшинларига юборилади.³⁶ Шундан сўнг Оқмасжидга Муҳаммад Қосим мингбоши бошчилигида қўшин юборилади. Руслар билан бўлган биринчи тўқнашувдаёқ хонлик аскарлари чекинишга мажбур бўлган. Бир неча уламолар Муҳаммад Қосим мингбоши устидан тухмат қилиб, унинг ўрнига Муҳаммад Ниёзбекни мингбоши қиладилар. Оқмасжид руслар қўлига ўтади. Худоёрхон эса айш-ишратга берилиб, шикор қилмоққа ружу қўяди. Ўғли Насриддинбекнинг тўйини қиш аввалидан то баҳоргача нишонлайди. Халойиққа ош-нон, эҳсон бериб томошалар кўрсатади. Андижон ҳокими Сўфибек тўй қилиб хонни тақлиф этади. Шу боисдан Худоёрхон бир муддат катта туй тантана билан Андижонда бўлиб қайтади.³⁷

³⁴ Мирзоолим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. Т., 1995. Б. 55.

³⁵ Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон. Т., 2009. Б. 20.

³⁶ Мирзо Олим Махдум ҳожи. Ўша асар. Б. 125.

³⁷ Мирзоолим Мушриф. Ўша асар. Б. 56.

Мирзоолим Мушриф асарида “хон (Худоёрхон) Валихон тўра Хожакалонга мухлис эдилар” - деб ёзади. Шу сабабли уни шикорда ҳамроҳ қилур эдилар. Шундай ҳамроҳликдаги бир овда Худоёрхон Валихон тўрага ўз акасининг мусофирликда ғурбат чекиши, ўзининг эса фароғатда юриши тўғри эмаслигини, акаси Маллахонни қайтариш масаласида мастлаҳатлашади. Шунда Валихон тўра “Бу масалада хон акаларининг феълидан хабардордирлар. Икки қўчқорни боши бир қозонда қайнамас” – деб жавоб беради.³⁸ Шунга қарамадан Валихон тўра вафот этганидан кейин Худоёрхон акаси Маллахонни саройга қайтаради.

Бу хоннинг катта хатоси бўлган деб айтиш мумкин. Чунки Маллахоннинг Қўқонга қайтиши янги фитналарнинг бошланишига сабаб бўлган. Бу орада Ўратепа ҳокими Рустамбек хонликка қарши ҳаракат бошлайди. Хонлик қўшинлари Худоёрхон бошчилигида қалъани қамал қиладилар. Шаҳар қамалга бардош беради. Чекинишдан кейин хонлик қўшинлари Оқсув воҳасида мағлубиятга учратилади. Муҳаммад Солиҳнинг хабар беришича, Худоёрхоннинг бу ердаги йўқотиши 12 минг кишини ташкил этган эди. Ўратепаликларга асирга тушган қўқонликлар кейинчалик ҳар бири 250 тилла тангадан товон эвазига қайтарилади.³⁹

Худоёрхоннинг Ўратепадаги мағлубияти амир Насруллога қўл келади. У Ўратепани қўлга киритиб, Хўжандни қамал қилади. Худоёрхон пойтахтни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўра бошлайди. Бундай вазият хоннинг акаси Маллабекка қўл келаган. Худоёрхондан норози бўлган амирлар, айниқса қирғиз ва қипчоқлар Маллабекни қувватлайдилар. Маллабек ёрдам сўраб Қорасувдаги йирик қирғиз феодалларидан бири Олимбий ибн Ҳасанбийга мурожаат қилади. У Маллабекка розилик беради. Жиддий ёрдамни қўлга киритган Маллабек Қўқонга юриш қилади. Йўлда унга хонликнинг шарқий ҳудудларидаги амирлар ҳам қўшиладилар. Ёрмозорда ўша даврнинг юқори даражадаги амалдорлари томонидан

³⁸ Мирзоолим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавокин. Т., 1995. Б. 57.

³⁹ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т., 1973. С. 54.

Маллабек хон деб эълон қилинади. Мазкур воқеалар эса Худоёрхонни биринчи мартаба тахтдан мосуво бўлиши билан якунланган.

Худоёрхоннинг биринчи ҳукмронлик йилларида бўлиб ўтган воқеалар шуни кўрсатадики, Худоёрхон мураккаб тарихий шароитда ҳокимият тепасига келган шахс, у ҳали ҳукмдорлик салоҳияти йетарли бўлмаган 14 ёшида тахтга ўтказилган, унинг ёш эканлигидан фойдаланиб, биринчи ҳукмронлик даврида маҳаллий зодагонларнинг ҳокимият учун ўзаро ички сиёсий курашлари давом этган. Бу хонлик аҳолиси турмушига ўзининг салбий тасирини кўрсатган.

1.2. Худоёрхоннинг иккинчи ва учинчи ҳукмронлик даври

Маллахон ўлдирилгач, тахтга Шералихон набираларидан бири Саримсоқбекнинг ўғли Шохмурод ўтқазилади. Бу воқелик хонлик ичида ва ташқарисида ҳам норозиликка сабаб бўлган. Тошкентнинг юқори даражадаги амалдорлари ва руҳонийлари бу пайтда Туркистонда турган Қаноатшоҳ билан бирга янги хонга қарши бўладилар.⁴⁰

Шохмурод вазиятни ўнглаш мақсадида Тошкентга юриш бошлайди ва шаҳарни қамал қилади. Шохмуродга ёрдам бериш мақсадида Туркистон ва Авлиёота ҳокимлари келишади, лекин улар ҳам шаҳарни таслим қила олмайдилар. “Тарихи жаҳонномаи” асарида бу воқеа қуйидагича изоҳланади: “биринчидан, шаҳар мудофаасига Қаноатшоҳ бошчилик қилаётган бўлиб, у шаҳарни мудофаа қилишни яхши ташкиллаган эди; иккинчидан, Мулла Солиҳ бошчилигидаги шаҳар руҳонийлари Шохмуродни Маллахоннинг қотили сифатида шаҳар аҳолисини мудофаага ташвиқ эта оладилар”. Ниҳоят, Худоёрхоннинг илтимоси билан Бухородан йўлга чиққан амир Музаффарнинг қўшинлари Шохмуродни шаҳар камалини тўхтатиб, Қўқонга қайтишга мажбур қилади.

Тошкентдан Худоёрхон, Ўратепадан амир Музаффар йўлга чиқадилар ва Оқтепа (Сирдарёнинг чап қирғоғида) бирлашадилар, Хўжандни жангсиз қўлга киритадилар.

Шундай қилиб, 1862 йилнинг ўрталарида Худоёрхон **иккинчи марта Қўқон хонлиги тахтига қайтиб келади**. Фақат Фарғонанинг шарқий худудларида ҳокимиятини ўрнатишга тўла муваффақ бўла олмайди.⁴¹

Амир Музаффар Худоёрхонга берган ёрдами туфайли Қўқон хонлиги номигагина бўлса-да Бухорога тобе бўлишини истар эди. Шу мақсадда у Азиз бин Ризо Марғинонийни Қўқонга элчи сифатида жўнатади. У 1862 йилда махсус ёрлик билан хон ҳузурига келган. Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг фикрларига ишонадиган бўлсак, Худоёрхон амирга

⁴⁰ Бобобеков Х. Қўқон тарихи. Т., 1996. Б.35.

⁴¹ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т., 1973. С. 61.

тобелигини тан олади. Шунга қарамасдан, Бухоро ва Қўқон ўртасидаги муносабатлари кескинлигича қолган.

Худоёрхоннинг энг катта душманлари бўлган қипчоқ ва қирғизлар Алимқул (собик лашкарбоши) ва Шодмонхўжа (собик мингбоши) бошчилигида Худоёрхонга қарши курашни давом эттирадилар. Уларнинг кучлари асосан Қувада жойлашган бўлиб, дастлабки жангларда Худоёрхон кўшинлари мағлубиятга учраган.

Асакада ўша давр хужжатларига кўра, қалъа деворларини қурган хунарманднинг ўғли бўлган Ҳайит Муҳаммад қипчоқлардан йигирма минг кишини тўплаб, ўзини Муҳаммадалихоннинг ўғли деб эълон қилади. Шундай қилиб, хонликда сохта хонлар пайдо бўлган.⁴²

Шу вақтда Худоёрхонга Эшонхон ўзининг кўп сонли муридлари билан ёрдамга келади. Ўзаро қонли урушлар уч ой давом этади. Қипчоқ, қирғиз ва шахрихонликлар жанг майдонини тўсатдан тарк этиб, химоясиз қолган пойтахтни босиб оладилар. Лекин Худоёрхон қийинчилик билан бўлса-да пойтахтни қайтариб олади.

Бир неча қонли жанглардан кейин қипчоқ ва қирғизлар ўрдани вайрон этадилар ва **Асакага** чекинадилар. Улар йўлда дуч келган аҳоли манзилгоҳларини вайрон қиладилар. Қипчоқ ва қирғизлар кейинчалик хонликнинг шимолий ҳудудлари бўлган Наманган, Тўрақўрғон ва Косонда ҳам бир неча маротаба босқинчилик ишларини амалга оширганлар.

Кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли Худоёрхон ҳукмронлигидан шу қадар норози эдиларки, тошкентликлар хонни шаҳарга таклиф этганларида Чиноз яқинида қорақалпоқлар хонни шаҳарга киришига тўсқинлик қиладилар. Худоёрхонга бунга қарши қорақалпоқлардан бўлган баҳодирбоши Дўстмуҳаммадни жўнатади. У аҳолининг ёрдами билан Худоёрхон буйруғини бажаради.

⁴² Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т., 1973. С. 62.

Хон хонадони аъзоларининг деярли барчаси ҳар доим хонлик тахтини эгаллашга ҳаракат қилганлар. Бир пайтлар Мадалихоннинг ўғли Қаландарбек Хоразмга асирликка жўнатилган эди. Амир Насрулло уни озод қилиб, Бухорога келтирган эди. Қўзғолон кўтарган қипчоқ ва қирғиз бийлари ўзлари хон деб тан олган Шоҳруҳхон атрофида тўплана бошлайдилар. Лекин Шоҳруҳхоннинг хонлик тахтига ўтиришга ҳеч қандай юридик асоси бўлмаганлиги сабабли, исёнчилар Мадалихон ўғли Қаландарбекни хонлик тахтига муносиб деб топадилар ва унга элчи жўнатилади. Қаландарбекка савдогар қиёфаси кийдирилиб, Туркистон орқали Тошкентга олиб келмоқчи бўладилар. Лекин Худоёрхон тарафдорлари буни ўз вақтида пайқаб, уларни элчилари билан биргаликда Туркистонда қатл этадилар.

Тўхтовсиз давом этаётган курашлар тинч халқни бездирган эди. Нафақат ўтроқ аҳоли, балки кўчманчилар ҳам ҳокимият учун курашни тўхтатишни талаб қила бошлаганлар. Шундан кейин ҳокимият учун кураш марказида бўлган қипчоқларнинг қуйи табақалари урушни тўхтатиб, тинч ҳаётга қайта бошлайдилар.

Лекин қипчоқ ва қирғиз бийлари қаршиликни давом эттирганлар. Қаландарбек қатл этилгандан сўнг исёнчилар Маллабекнинг 10 ёшли ўғли Султон Саидбекни хон деб эълон қиладилар. Худоёрхоннинг яқинлари унга қарши чиқиб, Султон Саидбек томонга ўтадилар. Исёнчилар Андижон шаҳрини ишғол қиладилар. Улар уч ой ичида 40 минг кўнгилли жангчи тўплашга муваффақ бўладилар. Кўнгиллилар асосан ўшлик, аравонлик ва олойлик қипчоқ, қирғизлардан иборат бўлган. Исёнчилар Андижон атрофидаги ҳудудлар: Балиқчи, Қува, Асака, Шаҳрихон, Ўш, Пойтуғ ва бошқа шаҳар-қишлоқлар аҳолисидан қўшимча солиқни куч билан оладилар. Кўп ойлик курашлардан сўнг исёнчилар Марғилонни забт этишга муваффақ бўладилар ва Қўқонга қараб ҳаракат бошлайдилар.

Жанг бўлаётган ҳудудлар олов ичида қолган, экин майдонлари пайҳон қилинган, кўплаб гуноҳсиз одамлар ўлдирилган эди. Қипчоқларнинг

Марғилонни олмасларидан олдинги ҳолатида ҳам Худоёрхонга қарши бўлган эдилар. Масалан, хонлик қўмондони этиб тайинланган Мирза Аҳмадга қарши кенг халқ оммаси норози бўлган эди. Мирза Аҳмад Марғилонга келгач, Алимкули каби норозиликларга қарши кичик-кичик отрядларни жўнатади. Қипчоқлар бу ерларни ўзларига тезроқ бўйсундириш мақсадида ва тинч аҳоли қаршилигини пасайтириш учун сув йўллари бузган ва экин майдонларини пайхон қилган эдилар. Натижада жойларда қимматчилик бошланади. Масалан, 4 боғ беда 1 танга, бир чакса⁴³ гурунч 4 танга, бир чакса ун 2-2,5 танга эди. Ўша даврга нисбатан отлар бозорларда ниҳоятда қиммат нархда сотилган эди. Халқ оммаси бу кийинчиликлардан шунчалик тўйган эдики, бутун халқ қўзғолонга чиққан эди. Шаҳарнинг Қози-гузар маҳалласида кушбеги ўз қўшини билан исённи бостирмоқчи бўлган пайтда халқни кўриб фикридан қайтади ва қўзғолон тўхтатилса, исёнчилар талабларини бажаришга ваъда бериб, ўз қўшини билан Қўқонга қайтади.

Бу пайтда хонликнинг деярли барча ерида халқ оммасининг кенг қаршилиқ ҳаракатлари бошланган эди. Масалан, бутун кўчманчилар Худоёрхонга қарши қўзғалган эдилар. 1863 йилнинг бошида жонис қабиласи бошлиғи Мўминбек Чуйбаков Чимкентни босиб олади. Натижада Тошкент ва Қўқоннинг Авлиёота ва Марка билан алоқаси узилади. Баъзи қирғиз уруғлари 300 та овулдан иборат бўлган, Худоёрхоннинг онаси мансуб бўлган сора уруғига хужум қиладилар. Бунинг натижасида Катта Ўрда ва Қўқон хонлиги ўртасидаги савдо муносабатлари ва карвон катновлари бутунлай тўхтаган.⁴⁴

Бутун халқ оммасининг кенг норозилиги ва ички сиёсий курашлар Қўқон хонлигини янада заифлашишига олиб келган. Натижада Худоёрхон амир Музаффардан ёрдам сўрашга мажбур бўлади. Амир Музаффар Хўжандни эгаллайди ва 20 минг кишилиқ қўшинни Қўқонга жўнатади.

⁴³ Чакса – 1 чакса 4.60кг га тенг. slayd.arxiv.uz/index.php.

⁴⁴ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т., 1973. С. 65.

Лекин бу етарли бўлмай, амир Музаффарнинг шахсан ўзи Қўқонга келишга мажбур бўлади. У Худоёрхон билан бирлашиб, Қувада жойлашиб олган исёнчиларга қарши юриш бошлайди. Тарихчилар Мулла Ниёз Муҳаммад ва Мирзо Олимларнинг ёзиб қолдиришича, кўзғолончилар Ўзганга қараб чекинадилар ва Қора Ғулжада истехком қурадилар.

Исёнчиларни куч билан ололмаслигини билган икки ҳукмдор улар билан тинчлик музокараларини бошлайдилар. Узоқ давом этган музокаралар натижасида исёнчилар ўзларига қарши кучни иккига бўлишга муваффақ бўладилар. Худоёрхон қўшинлари билан Хўжандга чекинади. Исёнчилар Бухоро амирига тезда Фарғона водийсини тарк этиш талабини кўядилар. Воқеаларнинг бундай ривожидида исёнчилар талабини бажаришни маъқул кўрган саркардалар муҳим рол ўйнаган эди.

Худоёрхон ўзининг иттифоқчисига ишонмаса-да, ҳокимиятининг кучсизлиги амирга суянишга мажбур этган эди. Қўқонда амир ўзини бу ернинг мутлақ ҳукмдори сифатида тутган, давлат юқори лавозимларига ўз одамларини қўйган. Масалан, Андижон ҳокимлигига Хўжакалонни қўйган эди. Исёнчилар энди музокараларни Худоёрхон билан эмас, Бухоро амири билан юрита бошлайдилар. Худоёрхон мустақил хон сифатида ўз фаолиятини деярли тўхтатган эди. В.Наливкин маълумотига кўра, Қўқон хонлиги Бухоро амирлиги билан қўшилиши халққа эълон қилинади.⁴⁵

1863 йил бошида амир Музаффар исёнчилар талабини бажариб, Худоёрхон билан Бухорога қайтади ва 14 ёшли Шоҳмуродни хон деб эълон қилади. Амир қайтишида Қўқоннинг машҳур уламоларини, машҳур хунарманд ва санъат усталарини, шу билан биргаликда Қўқонда яшаётган бухоролик савдогарларни Бухорога мажбуран олиб кетган. Бундан ташқари, бухороликлар хонлик ҳарбий аслаҳалари ва хазинанинг бутун бойлигини ҳам олиб кетганлар.

⁴⁵ Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казань. 1886. С.199.

Шу билан биргаликда, бухороликларнинг Фарғонага юриш харажатлари ҳам хароб бўлган аҳоли зиммасига юклатилади. Натижада халқ оммасининг норозилиги ортиб кетади. Қўқонликлар ва шаҳар атрофи аҳолиси Бухоро отрядларига ҳужум қила бошлайдилар. Бухоро амирлиги қўшинларига қаршилик ортади. Тез орада Шохмуродхон қипчоқлар томонидан қатл этилади.⁴⁶

Икки йил давом этган қирғинбарот урушлар хонлик иқтисодини бутунлай вайрон қилади. Яна ҳокимият қипчоқ ва қирғиз бийлари қўлига ўтади. Анархия шунчалик авж оладики, хонлик хонадонига мансуб шахслар ҳокимиятни бошқаришни йўлга қўя олмайдиган даражага етади.⁴⁷

Шундай қилиб, хонлик тахтига иккинчи марта қайтиб келган Худоёрхон узоқ вақт ҳукмронлик қила олмаган. Бунга Худоёрхоннинг ўша даврда хонликда мавжуд вазиятдан чиқиш учун ислохотлар ўтказмаганлиги, халқ оммаси талабларининг бир қисмини бажариш ўрнига Бухоро амиридан ёрдам сўраши, халқ оммасининг қипчоқ ва қирғизлар ҳокимиятдан азият чекканлиги, бунга қарши эса ҳеч қандай тадбирлар амалга оширилмаганлиги сабаб бўлган.

1863 йил июл оyi Марғилонда Султон Саид Қўқон хони деб эълон қилинади. Алимқули бошчилигидаги Марғилон руҳонийлар янги хонни тан оладилар. Алимқули “амирул умаро” унвонини олади. Алимқули ҳокимият тепасига келгач, қипчоқлар фойдасига кўплаб шахсларни лавозимидан четлаштиради. Тошкент ҳокимлигига қирғизларнинг Хўжа уруғидан 67 ёшли Шодмонхўжа, у Алимқули томонидан қатл этилгач, ўрнига Нормухаммад, Кировчига Ёкуббек, Туркистонга қўқонлик Мирза Давлат тайинланади.⁴⁸

1864 йилда Тошкент беклигига қарашли бўлган Марка қалъаси руслар томонидан босиб олинади. Бир неча кундан кейин Авлиёота ҳам руслар

⁴⁶ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т., 1973. С. 66.

⁴⁷ Набиев Р. Ўша асар. С. 67.

⁴⁸ Ўша жойда.

кўлига ўтади.⁴⁹ 1864 йилнинг ёз ва кузида бирин-кетин Олмаота, Туркистон, Чимкент ҳам босиб олинади.⁵⁰

1865 йил баҳор ва ёзида эса рус қўшинлари Тошкентни камал қилиб, уни босиб оладилар. Султон Саидхон Тошкентдан пойтахтга қайтиб олти ой давомида душманга қарши курашга қаттиқ тайёргарлик кўрган.

Тошкент мудофаачиларига бошчилик қилган Алимқул 1865 йил 22-май куни ярадор бўлади. Тошкент ҳимоячилари эса жанг майдонини тарк этадилар.⁵¹ Қипчоқ ва қирғиз жангчилари эса олдинроқ жанг майдонини тарк этиб, Қурамага чекинган эдилар. Тошкентликлар Бухоро амиридан ёрдам сўрайдилар. Бухоро амири эса ёрдам учун тошкентликларнинг юқори лавозимдаги 10 дан ортиқ шахсларини гаровга беришни талаб қилган. Улар ичида Султон Саидхон ҳам бўлган эди. Кейинчалик Султон Саидхон Бухоро амирига таслим бўлишга рози бўлади. Лекин энди кеч бўлган эди. Бухоро қўшинлари етиб келгунча 1865 йил 29-июнда Тошкент руслар томонидан босиб олинади.

Омон қолган қипчоқ ва қирғизлар Сирдарё бўйида тўпланиб, Шодибекнинг ўн икки ёшли ўғли Худойқулибекни хон деб эълон қиладилар ва пойтахтни эгаллайдилар. Кейинчалик Худойқулибек Белбоғчи деб ҳам аталган.⁵² Мингбоши лавозимига Муҳаммадбек тайинланади. Бу воқеага қипчоқлардан ташқари қўқонлик бир қанча саркардалар ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлар. Лекин қипчоқларга қарши аҳолининг норозилиги янги хонни 14 кунлик ҳукмдорликдан сўнг мамлакатни ташлаб чиқиб кетишга мажбур қилган.⁵³

⁴⁹ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т., 1973. С. 67.

⁵⁰ Ўша асар. С. 68.

⁵¹ Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казань. 1886. С. 202.

⁵² Бобобеков Х. Қўқон тарихи. Т., 1996. Б. 36.

⁵³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., 2000. Б. 262.

Халқ хон ўрдасига ҳужум қилиб, уни талайдилар. Бунга ўша даврда янги хоннинг юз минг тилла миқдорида аҳолига ҳарбий солиқ солганлиги сабаб бўлган.⁵⁴

Худойқулибекнинг пойтахтни ташлаб кетганлиги, мамлакатда рўй берган парокандаликдан фойдаланиб, Худоёрхон тахтни **учинчи марта** эгаллашга ҳаракат қилган. Бу вақтда у Бухорода бўлиб, йиллик фойданинг $\frac{1}{4}$ қисмини бериш шарти билан амирдан тахтни эгаллашда ёрдам беришини сўрайди. Амир Музаффар қўшини билан Жиззахга келади, Худоёрхон эса унинг буйруғи билан Хўжандга юриш бошлайди. Амир Музаффар эса ўз қўшини билан Қўқон томон ҳаракатланади ва 1865 йил 15-июлда шаҳарни жангсиз эгаллайди.

Амир Музаффарнинг қипчоқ ва қирғизларга қарши жўнатган қўшини Мода қалъасигача уларни таъқиб қиладилар. Шундан кейин амир Музаффар Худоёрхон бошчилигидаги қўшинни қипчоқ ва қирғизларга қарши жўнатади. Жангда қипчоқ-қирғиз қўшини енгилади ва 3-4 минг атрофидаги қирғизлар Қошғарга, Ёқуббек ҳузурига ўтиб кетадилар, қолганлари бўлса Худоёрхонга таслим бўладилар.

Лекин амир Музаффар бутун Фарғонани бўйсундира олмайди. Худоёрхонни тахтга ўтқазгач, хонлик ҳарбий аслаҳалари, хазинани, шу билан биргаликда 300 нафар хотин-қизни олиб Бухорога қайтади.⁵⁵ Маълумотларга қараганда, амир Музаффар Қўқонда ҳеч қандай қимматбаҳо ашё қолдирмайди.

Хонликдаги оғир сиёсий вазият Худоёрхонни яна амир Музаффарга русларга қарши биргаликда курашиш ҳақида мурожаат қилишга мажбур қиладди. Амир Музаффар Жиззах ва Хўжанд йўналишида Сирдарё бўйидаги русларга қарши йўлга чиқади. Худоёрхон амирга элчи сифатида косонлик Баҳодирхон тўрани қимматбаҳо совғалар билан жўнатади. Худоёрхоннинг ўзи эса Қўқондан қўшини билан йўлга чиқади. Амир

⁵⁴ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т., 1973. С. 69.

⁵⁵ Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казань. 1886. С. 204.

Музаффар Худоёрхонни сўзсиз бўйсунганини тахмин қилиб, унга қўшини билан Жиззахга келишини буюради. Лекин бу пайтда хонликда авж олган ўзаро курашлар ва шу билан бирга руслардан мағлубиятга учраса ҳокимиятни бутунлай қўлдан кетишини истамаган Худоёрхон иккиланади. **Бунинг устига, кейинчалик Санкт-Петербурда Қўқон элчиси бўлиб ишлаган Мирза Ҳаким парвоначи маслаҳатига кўра,** русларга қарши курашиш ақлсиз иш эканлиги, Бухоро амирига 10 000 кишилиқ қўшин жўнатиш билан чекланиш кераклиги ҳақидаги маслаҳати билан ўзининг дастлабки қарорига қарши боради.

Шундан кейинги руслар билан муносабатларда Худоёрхон фақат ён берган. Ҳатто генерал-майор Романовскийга ёзган хатида “...менинг битта тилагим бор, у ҳам бўлса оқ пошшо мени ҳақиқий дўсти деб билсин” деган фикрни айтган эди. Ҳатто К.П фон Кауфман Туркистон генерал-губернатори этиб тайинланганда, юборилган элчиси орқали Қўқон хонлиги ҳеч қачон русларга қарши урушга тайёргарлик кўрмайди, деб айтган эди. Руслар олдидаги кўркув унинг амирга берган ваъдасига тўсқинлик қилади.

Худоёрхон учинчи марта амир Музаффар ёрдами билан ҳокимиятга қайтиб келган бўлса-да русларга қарши курашда унга ёрдам бермайди. Оренбург генерал-губернатори Крижановский Романовскийга “Худоёрхонни шахс сифатида Россияга вассалликка бўйсундиришга, агар қаршилиқ қиладиган бўлса, уни тугатишни“ маслаҳат берган эди.⁵⁶

Бу воқеа Бухоро ва Қўқон ўртасидаги алоқаларни бутунлай узиб юборади. Бухоро уламолари қўқонликларни русларга қарши курашда ёрдам бермаганликлари учун диндан қайтган деб эълон қиладилар.

Худоёрхон Кауфман билан савдо шартномасини тузади. Бу шартнома 1867 йилнинг охирида тузилган бўлиб, у хонликда ўзаро курашларни тўхтатишга ва савдо ишларини ривожлантиришга мўлжалланган эди.⁵⁷

⁵⁶ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т., 1973. С. 70, Бабаджанов Б.М. Кокандское ханства: власть, политика, религия. Токио-Ташкент. 2010. С. 283.

⁵⁷ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т., 1973. С. 71.

Шартнома “Тинчлик ва савдо шартномаси” деб номланган. Унга кўра, рус савдогарлари хонлик ҳудудида ҳоҳлаган ерида савдо нуқталари очишлари, мусулмон савдогарлари каби 2,5 фоиз миқдорида бож тўлашлари ҳақида келишиб олинган. Шу билан бирга рус савдогарларининг хавфсизлиги кафолати Қўқон хони зиммасига юклатилган эди.⁵⁸ Лекин бу билан ҳам хонликдаги ўзаро курашлар тўхтамаган. Қипчоқ ва қирғизларнинг бир қисми Худоёрхонга бўйсунитишни истамай, амир Музаффарга мурожаат қилиб, Султон Саидни қайтариб беришни илтимос қилишга ҳаракат қилганлар.⁵⁹

Шундай қилиб, катта йўқотишлар эвазига бўлсада хонликда қисман тинчлик ўрнатилади. Ҳатто Худоёрхон мустақил ташқи сиёсат олиб боришдан воз кечади. Кауфман бундай розилик учун Худоёрхонни **I даражали Степан ордени** билан мукофотлаган.⁶⁰

Лекин бу тинчлик узоқ давом этмайди. Хонлик ичидаги норозиликлар кундан-кун кучайиб боради. Бундай тартибсизликларнинг бош сабаби катта ҳудудини йўқотган хонлик солиқ тизимининг бузилганлиги, яъни хазинанинг етарли даражада тўлмаганлиги эди. Иккинчи сабаби эса Худоёрхон даврида турли ўйин-кулги, кўнгилочар машғулотларнинг кўплиги натижасида хазинага катта зарар етишида эди. Хазинани тўлдириш учун аҳолини мажбурлаш йўли билан солиқ олинар эди. Худоёрхон ва унинг атрофидагилар солиқларнинг бундай миқдорда кўпайиши сабаби сифатида Россияга тўланадиган товонни кўрсатар эдилар. Худоёрхон, айниқса қирғизлардан закот олиш изчиллигини таъминлаш мақсадида солиқ тўлашни истамаган одамларни яқка тартибда қатл этишни йўлга қўяди. Лекин қирғизлар қаршиликни давом эттирганлар. Ҳатто бу курашда Худоёрхон сиёсатидан норози бўлган ва Қошғардан қайтиб келган қўқонликлар ҳам фаол рол ўйнаганлар.

⁵⁸ Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент. 2010. С. 284.

⁵⁹ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т., 1973. С. 72.

⁶⁰ Бабаджанов Б.М. кўрсат. асар. С.284.

Бундай шароитда хонлик сарф-харажатларини камайтириш мақсадида Худоёрхон армияни қисқартиришга ҳаракат қилган. Қўқон хонлиги армияси у пайтда яхши ихтисослашмаган, сифати паст қуроллар билан қуролланган, аскарларга жуда кам маош тўланадиган ҳолатда эди.⁶¹ Тарихчи Муҳаммад Азизи Марғилонийнинг маълумотига қараганда, ўша даврда хонлик армияси сони тахминан 25 минг кишини ташкил этар эди. Аскарлар асосан ўқ отар қуроллар билан қуролланган, уларга ҳарбий ишни Туркия, Афғонистондан таклиф этилган ва қочоқ рус мутахассислари ўргатар эдилар. Хонлик армияси асосан хонлик тахтини қўриқлаш ва давлат сиёсатини амалга оширишга ёрдам берувчи, Худоёрхон сиёсатидан норози бўлувчиларни бостириш билан шуғулланувчи ташкилот даражасида эди. Хонлик армияси Андижон гарнизони билан биргаликда қўзғолонларни бостириш ва асирга олинганларни қатл этиш билан шуғулланар эди.

Лекин шунга қарамасдан қирғизларнинг доимий норозилик чиқишлари ҳеч ҳам тўхтамаган. Масалан, қирғизларнинг Мундуз қабиласи 1873 йил баҳорида Маъмурбий бошчилигида қўзғолон кўтардилар.⁶² Қўзғолоннинг асосий сабаби закотнинг оширилиши эди. Маъмурбий кўп жойларни қўлга олади. Лекин Худоёрхоннинг кичик укаси Султон Муродбек бошчилигида жўнатган қипчоқлардан иборат қўшин бу қўзғолонни бостиради.

Хулоса қилиб айтганда, Худоёрхоннинг иккинчи маротаба тахтни эгаллаши ва оз фурсатда ундан маҳрум бўлганлиги, сийсий ҳукмдор сифатидаги лаёқати йетишмаслигини кўрсатади.

⁶¹ Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент. 2010. С. 285.

⁶² Бабаджанов Б.М. ўша асар. С. 286.

1.3. Қўқон хонлигида 1875 йилги воқеалар. Худоёрхоннинг тахтдан ағдарилиши

1873 йилда Худоёрхон тоғларда ўсадиган ёввойи мевали дарахтларни ўраб олиб, бож солган эди. Бу боғларни йиғиб олиш учун Ўшга ишончли одамларини юборади.⁶³ Халқ бунга норози бўлиб солиқчиларни ҳайдаб юборади. Худоёрхон солиқдан норози бўлган ўшликларга қарши Абдурахмон Офтобачи бошчилигида қўшин жўнатади. Қўзғолончилар қочиб тоғларга чиқиб кетадилар. Мазкур халқ ҳаракатини бостириш учун Абдурахмон Офтобачи улар билан музокара олиб боради. Бунинг натижасида қўзғолончилар Худоёрхонга 40 та одамни вакил қилиб юборишга қарор қиладилар. Абдурахмон Офтобачи қўзғолоннинг жиддийлигини тушуниб, Худоёрхонга мактуб юбориб, қандай бўлса ҳам қўзғолончилар вакиллари тирик қолдириш ва имконияти борича уларнинг талабаларини қондиришни сўрайди. Лекин Худоёрхон шунга қарамасдан вакиллари ўлимга буюради.⁶⁴

Ана шундан кейин қирғизларнинг қаршилиги кучайиб, сохта Пўлатхонни қўзғолонга даъват этадилар ва шу тариқа Пўлатхон қўзғолони кучайиб кетади.

Қирғизлар қўзғолони кундан-кунга кучайиб боради. Қирғизлар хонликнинг барча еридаги қаршилиқни қўллаб бошладилар. Шу билан биргаликда Худоёрхонга қарши Абудархамон Офтобачининг ҳам қаршилиги кучайиб боради. Абдурахмон Офтобачи ўша Худоёрхонга ёзган хатидан кейин Лайлакда яшовчи чапқунлик уруғига мансуб қирғизлар ҳам Худоёрхонга қарши қўзғолон кўтарадилар. Улар Абдулкаримбек авлодларидан бири Саримсоқбекнинг ўғлини хон этиб кўтарадилар. Худоёрхон уларга қарши 7 понсоддан иборат қўшин жўнатади ва қўзғолонни бостиради. Лекин қирғизлар бу билан тўхтамай, Худоёрхоннинг ўлдирилган акаси Сўфибекнинг ўғли Назарбийни хон деб

⁶³ Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. Т., 1996. Б.37.

⁶⁴ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т., 1973. С. 78, Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. Т., 1996. Б. 38.

эълон қиладилар ва кўзғолонни давом эттирадилар. Лекин бу кўзғолон ҳам бостирилади.⁶⁵

Шу даврда Ўзгандда ҳам Худоёрхонга қарши кўзғолон бошланади. Бу кўзғолонга ўзбек, тожик ва қирғизлар уруғлари бошлиқлари ҳам қўшиладилар. Қаршилик шу қадар кучли эдики, турк, ўзбек, қирғиз ва тожиклар бир ерга тўпланадилар ва Пўлатхонни хон деб эълон қиладилар. Худди шу даврда Ўзгандда турган Абдурахмон Офтобачи ва Мулла Исо Авлиёлар ҳам кўзғолончилар томонига ўтади. “Таснифи ғариб” асари муаллифи маълумотича, Абдурахмон Офтобачи ва Мулла Исо авлиёлар Пўлатхонга мактуб йўллаб, ўзларига бош вазирлик ва девонбеги лавозимларини сўрайдилар.⁶⁶

Абдурахмон Офтобачи ва Мулла Исо авлиёлар кўзғолон кўтарган қирғизлар ва воқеалар ривожидан норози бўлган Насриддинбек кучларини бирлаштириш мақсадида уларни бир ерга тўплашга ҳаракат қилган. Ҳатто улар Марғилондан Султон Муродекни ҳам таклиф қиладилар. Унинг хонлик тахтига қизиқишини пасайтириш мақсадида Абдурахмон Офтобачи унга қизларидан бирини никоҳлаб беради.

Худоёрхон кўзғолончиларга қарши тура олмайди. Чунки ҳатто унинг атрофидаги энг ишончли шахслари ҳам бирин-кетин кўзғолончилар томонига ўта бошлайдилар. Масалан, қорақалпоқлардан бўлган бош вазири Зулфиқорбек, хон хонадони бошлиқларидан бири Маҳмудхўжа, йирик ҳарбий саркардалардан бири, турк қабиласидан бўлган Холназар ва бошқалар шулар жумласидандир.

1875 йилнинг июл ойида воқеалар шу қадар ривожланадики, кўзғолончилар хонга қарши аёвсиз кураш бошлайдилар. Натижада, Худоёрхоннинг пойтахтда қолиши ҳам хатарли бўлиб қолади. Шунинг учун хон бутун ўзи энг ишонган одамларини олиб, қочишга мажбур бўлади. Ҳатто Худоёрхоннинг ўғиллари Насриддинбек ва Султон

⁶⁵ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т., 1973. С. 83.

⁶⁶ Набиев Р. Ўша асар. С. 84.

Муродбеклар ҳам қўзғолончилар томонига ўтади. Дастлабки даврда буни ўткинчи деб ҳисоблаган Худоёрхон воқеаларнинг бундай ривожини хонлик тахтини бутунлай қўлдан кетганлигини, энди ҳеч қачон хонлик тахтига ўтира олмаслигини ҳатто хаёл ҳам қила олмас эди.⁶⁷

Худоёрхон Туркистон генерал-губернаторидан кўмак сўраб, рус қўшинларини Қўқон хонлигига юбориб, қўзғолонни бостиришни илтимос қилади: «...Мен ўзимни ва Қўқон хонлигини Олий ҳазратлари салтанатининг қудратли ҳимоясига топшираман ва сизга дўстона илтимос қилиб сўрайманки, буйруқ бериб рус қўшинини тўплар билан Қўқон шахрига тезда юбориб, исёнчиларнинг мақсадларини барбод этсангиз».⁶⁸

Қўқон хонлигини бутунлай босиб олиш учун баҳона қидириб юрган Туркистон генерал-губернатори К. П. фон-Кауфманга бу баҳона бўлади. Чунки Буюк Британиянинг расмий вакили бўлган Ҳиндистон вице-кироли Форсайт махфий равишда 1873 йили Тошкентга келиб, Туркистон генерал-губернатори билан учрашиб, чор Россияси Қўқон хонлигини бутунлай босиб олишига розилик берган эди. Буни эътиборга олган ҳолда, Пўлатхон қўзғолонини бостириш баҳонасида, Қўқон хонлигини босиб олиш учун, Худоёрхоннинг расмий ёзма мурожаатини рукач қилиб, тиш-тирноғигача замонавий қурооллар билан қуроолланган рус қўшини юборилади.

Қўзғолонда Қўқон хонлигида яшовчи кенг омма қатнашади. Худоёрхон Тошкентга қочишга мажбур бўлади.⁶⁹ Абдурахмон Офтобачининг ёрдамида Насриддинбек хон қилиб кўтарилади.

Насриддинбекнинг тахтга ўтирганини билган Пўлатхон унга қарши чиқади. Хонликда икки ҳокимиятчилик пайдо бўлади. Мамлакатда фуқаролар уруши хавфи туғилади. Бунинг олдини олиш ва ҳаммани бир байроқ остида бирлаштириш мақсадида Абдурахмон Офтобачи ғазовот

⁶⁷ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т., 1973. С. 84.

⁶⁸ Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Т., 2014. Б. 341.

⁶⁹ Худоёрхоннинг Қўқондан чиқиб кетиши ҳақидаги маълумотлар II бобда тўлиқроқ ёритилган (А.Р).

эълон қилиб, Қўқон хонлигининг эски чегарасини тиклаш мақсадида босқинчиларга қарши курашни бошлаб юборади.

Натижада қўзғолончилар Фарғона водийсидан ғарбда жойлашган ҳозирги Сўғд ва Тошкент вилоятларига ҳарбий юришлар қиладилар.

1875 йил август ойининг бошларида Абдурахмон Офтобачи ўз қўшинлари билан Хўжанд чегарасига етиб келади ва шу билан ўзининг Россияга нисбатан душманлик кайфиятда эканлигини намоёт қилади. Ўша давр матбуотининг ёзишича, энг катта хужум Хўжанд шаҳрига қаратилган эди. Шаҳар кўп сонли Қўқон лашкари томонидан қуршаб олинади. Қўқонликлар шаҳар атрофидаги боғларга келиб жойлашадилар. Ўратепадан келган бир неча рота ҳисобидан кучайтирилган Хўжанд гарнизони қалъадан чиқиб, душманга зарба беради ва уни чегарагача қувиб боради. Руслар Қўқонга юриш қилиб, осиеликларни манманликлари учун жазолаш, тезкор ва қатъий ҳаракатлар орқали Ўрта Осиёда Россиянинг шарафини ҳимоя қилиш истагини билдирадилар.⁷⁰

7 августда Облик волости бошқарувчиси қўқонликларнинг катта гуруҳи чегарадан ўтиб келаётганлига ҳақида хабар беради. Дарҳол Тошкентдан эрталаб соат 5.00 да генерал-лейтенант Головачёв казакларнинг тўртта юзлиги ва артилерия дивизиони билан Тилов сари ҳаракат бошлайди. Бу ерга бир кун олдин 4-мунтазам батальоннинг иккита ротаси юборилган эди. Уч соатдан сўнг Тошкентдан 2-мунтазам батальон ҳам чиқиб, Қанжиғали қишлоғида генерал Головачёв отрядига келиб қўшилади.⁷¹

Туркистон генерел-губернаторлиги чегарасидан ўтган қўқонлик қўзғолончилар Қурама уезди ҳудудига кириб, тўртта дастага бўлинадилар ва Паркент, Тилов ҳамда Хўжанд сари ҳаракат қиладилар. Улар 9 августда Хўжанд йўлидаги Жонбўлоқ станциясини ёқиб юборган эдилар, шу билан Облик қишлоғи қўзғолончилар қўлига ўтади. Бундан ташқари Маҳрам

⁷⁰ Туркестанский сборник. Т. 152. С. 4

⁷¹ Ўша манба. 148. С. 54.

яқинига Насриддинхон ўз қўшинларини тўплайди. Қўқон шаҳри ҳам мудофаага тайёргарлик кўра бошлайди. Генерал Головачёв қўшинлари эса қўзғолончилар дасталарини Сирдарёга томон чекинишга мажбур қилиб боради.

Рус қўшинлари Сирдарёнинг ўнг соҳилига ўтгач, бу ерда Абдурахмон Офтобачи ва Пўлатхон бошчилигидаги ғазовот яна авжига чиқади. Шундан кейин Фарғонада қонли жанглар бошланиб кетади. Бир томондан бу кураш аҳолининг хон ҳокимиятига мойил эмаслигини кўрсатса, иккинчи томондан қўзғолончиларнинг руслар билан кураш олиб боришга қодир бўлмаганлигини намоён қилган. Бунинг оқибатида Абдурахмон Офтобачи ўзининг асосий шериклари билан русларга таслим бўлишга мажбур бўлади.⁷²

Маҳрам қалъаси остонасида қўзғолончилар рус қўшинлари томонидан мағлубиятга учрайдилар. Жангдан сўнг К. П. Кауфман Россия императори номига қуйидаги телеграммани жўнатади: «Хўжанддан бошланган юришдан сўнг бизнинг қўшинларимиз 7 мингга яқин душман кавалериясига дуч келди. Уларда фальконетлар ҳам бор эди. Сиз император Олий ҳазратларининг флигель-адъютанти полковник Скобелев қўмондонлигида саккизта юзлик отрядлар, тўртта отлик тўплар ва ракета батареяси билан душманга қарши жанг қилди. Биз томондан талафот бўлмади. Йигирма иккинчи август куни эса худо ёрдамида бизнинг курулларимиз, менинг шахсий бошчилигимдаги қўшинлар 30 мингга яқин қўқонликлар тўдаси устидан тўлиқ ғалаба қозонди. Душман Маҳрам қалъасига туташган ҳимояга мослашган жойни эгаллаган эди. Бу жой атрофи чуқурлик бўлиб, сув билан тўлдирилганди ва артиллерия билан мудофааланган эди. Бу жойни генерал-лейтенант Головачёв бир қисм пиёда ва артиллерия билан ҳужум қилиб, жанг билан эгаллади. Кавалерия бошлиғи, Сиз Олий ҳазратларининг флигель-адъютантингиз полковник

⁷² Туркестанский сборник. Т. 424. С. 87.

Скобелев қўқонликлар мағлубиятини ниҳоясига етказди, уларни отликларимиз ўн беш вёрст (чақирим) масофагача қувиб, Сирдарёга сиқиб қўйди, уларнинг кўпчилиги чоғиб ташланди ва дарёга чўктирилди... Душманлар томонидан ҳалок бўлганларнинг сонини аниқлаб бўлмади, жуда кўп киши қирилди. Биз томондан эса бир штабс зобити (Хорошхин), беш оддий солдат ва бир йигит ҳалок бўлди, бир штабс зобит (Скобелев) ва етти кичик унвондагилар ярадор бўлди...».⁷³

Чор босқинчи қўшинлари Қўқон, Марғилон, Ўш ва бошқа ерларни жангсиз эгаллайдилар. 1875 йил 22 сентябрда Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман ва Насриддинбек битимга имзо чекадилар. Бунга мувофиқ Сирдарёнинг ўнг соҳили Наманган шаҳри билан бирга бутунлай Туркистон генерал-губернаторлиги тасарруфига ўтади.⁷⁴ К. П. Кауфман Қўқон хонлиги аҳолисига жуда катта миқдорда ҳарбий товон солади. Қўзғолонда Қўқон хонлиги аҳолисининг катта қисми қатнашади. Қўзғолон бошлиқлари Абдурахмон Офтобачи ва Пўлатхон эдилар.

1875 йил сентябрь ойи охирида Андижонда қўзғолон бошланади. Чор қўшинлари қўзғолонни бостиришда қатнашадилар. 1875 йил 2 октябрда генерал-майор Троицкий қўмондонлигидаги қўшинлар Андижон шаҳри остоналарига келиб ҳужум қилади ва эрталаб соат 8 да шаҳарга киради. Соат 9 ларда улар жанг билан ўрдани эгаллайдилар. Аммо бир соатдан кейин шаҳардан чиқиб кетишга ҳаракат қиладилар. Босқинчиларнинг чекиниш жараёнлари ҳам жанглар билан бўлади. Соат 2 ларда барча рус қўшинлари шаҳардан чиқиб, белгиланган жойда тўпланишади. Соат 4 да Троицкийнинг буйруғига биноан, Андижон шаҳри тўпга тутилади.

Шаҳарга тўплардан ва милтиқлардан икки соат давомида ўқлар отилади. Бу ҳужумда рус қўшинлари 2821 кишидан иборат эди. Расмий маълумотларга қараганда, Андижон шаҳрига ҳужум қилинганда рус

⁷³ Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Т., 2014. Б. 342.

⁷⁴ Туркестанский сборник. Т. 424. С. 86.

кўшинларидан 7 киши ҳалок бўлади, 4 обер-офицер яраланади, 1 киши контузия бўлади. Булардан ташқари кичик лавозимдагилардан 49 киши ярадор бўлади, русларга хизмат қилаётган қирғиз ва қозоқ йигитларидан 5 таси жароҳатланади.⁷⁵

Сиёсий майдонга яна Пўлатхон чиқади. Қўзғолон бутун Қўқон хонлигига ёйилади. Насриддинбек Тошкентга қочади. Пўлатхон (сохта Пўлатхон - А.Р) расман Қўқон хони деб эълон қилинади ва тахтга ўтқазилади. Пўлатхон халқ озодлик курашини давом эттиради. Бунда Қўқон хонлигининг деярли барча аҳолиси қатнашади. Қўзғолонга Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли аҳолининг бир қисми ҳам қўшилади. Рус кўшинлари оғир жанглар билан уларни енгади. Қўқон хонлигини бутунлай босиб олиш мақсадида асосий ҳужум Андижонга йўналтирилади. Генерал Скобелев йўл-йўлакай қишлоқларга бемисл ўт қўйиб, вайрон қилади. 1876 йил 8 январда у шаҳар остонасига етиб келади, шаҳар артиллериядан тинимсиз ўққа тутилади, сўнгра пиёда зарбдор рус аскарлари ҳужумга ташланадилар. Қўзғолончилар ҳам мардона курашадилар. Қўзғолончилардан 20 минг бегуноҳ андижонликлар ўлдирилади. Кўплаб кишилар майиб-мажруҳ бўладилар. Руслар ҳам қатта талафот кўрганлигини генерал Куропаткин тан олишга мажбур бўлган эди. Бу босқичда айрим йирик ер эгалари қўзғолонга нисбатан сотқинлик қилиб душман томонга ўтиб кетадилар. Натижада рус кўшинлари қўзғолончиларни енгадилар ва Пўлатхон асирга олинади. У 1876 йил 1 мартда Марғилон шаҳрида дорга осилади. Чор кўшинлари Қўқон хонлигини босиб олиб, хонликни расман бекор қиладилар ва ўрнига Фарғона вилоятини таъсис этадилар.

⁷⁵ Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Т., 2014. Б. 343.

II боб. Худоёрхоннинг дарбадарлик йиллари

2.1. Худоёрхоннинг Қўқондан Тошкентга сафари

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб чор Россияси Ўрта Осиё шаҳарларини бирин-кетин босиб олиб, империя худудини кенгайтира бошлади. Хусусан, 1866 йилда Хўжанд, Ўратепа ва Жиззах тобе этилди. Бу худудлар маъмурий жиҳатдан бирлаштирилди ва мустамлакага айлантирилди. 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил этилиши ва унга генерел-адъютант фон К.П.Кауфманнинг губернатор этиб тайинланганлиги мазкур худуддаги уч мустақил давлат – Қўқон, Хива хонликлари ва Бухоро амирлигининг кейинги тарихида дахшатли воқеаларга сабаб бўлганлигини тарихий манбалар орқали билиб олишимиз мумкин.

Жумладан, Қўқон хонлигида давлат чегараларининг қисқариб қолганлиги солиқларнинг меъёридан ошишига, бу эса ўз навбатида аҳоли турмушининг ёмонлашувига, халқ норозилигига сабаб бўлди. Бу жараёнга чор Россияси ҳукумати доим аралашиб турган. Масалан, 1874 йил 31 май куни фон Кауфман Худоёрхонга ёзган мактубида: “Агар ўз фуқароларингизни бошқариш усуллари ўзгартирмас экансиз, у ҳолда тақдирингиз ёмон тугашини олдиндан айтиб ўтмоқчиман”, деб ёзади.⁷⁶

Тахт учун курашлар, ўзаро ўрушлар, солиқларнинг кўпайиб кетиши эса нафақат меҳнаткашларни, балки бошқа табақаларнинг ҳам аҳволини оғирлаштириб юборади.⁷⁷ Бунинг натижасида хонликда тез-тез қўзғолонлар бўлиб туради. Олдинги бобда таъкидлаганимиздек, мана шундай қўзғолонлардан энг каттаси 1873 йили бошланиб кетди ва бу “Пўлатхон қўзғолони” номи билан тарихга кирди.⁷⁸

Хонликда сохта Пўлатхон (хақиқий Пўлатхон Қўқон хони Муродхоннинг ўғли бу вақтда Бухорода яшар эди) пайдо бўлиб,

⁷⁶ Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фуркат. Т., 1995. Б. 10.

⁷⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., 2005. Б. 262.

⁷⁸ Бобобеков Ҳ. Худоёрхон // Турон тарихи. Т., 2005. 3-сон

Худоёрхоннинг барча яқинларини ўзига оғдириб, унга қарши исён кўтаради. Бу исён бошида хоннинг ишончли кишиси бўлган Абдурахмон офтобачи турган эди. Шу сабабдан ҳам

“Бир неча аркони давлат бўлди бу ишга сабаб,

Фитнабоши Абдурахмон авлиё бўлди, дариг”

– деб ёзади Мирзоолим Мушриф ўзининг “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин” асарида.⁷⁹

Шуни таъкидлаш жоизки Худоёрхон ўзи ишонган кишилари, фарзандларининг юз ўтирганидан ва сохта Пўлатхонни ўз оталаридан ҳам устун қўйганликларидан каттиқ ранжийди. Ҳар томонлама яккаланиб, каттиқ исканжага олинган Худоёрхон 1875 йил 24 июл куни тахтни ташлаб Қўқондан Хўжандга қочишга мажбур бўлаган.⁸⁰

Мана шундан сўнг Худоёрхоннинг дарбадарлик йиллари бошланади, деб айтишимиз мумкин.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, 1875 йил июнь ойида Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман Қошғарга Еттисув вилояти ва Гўлжа туманларини кўриқдан ўтказиш ва тафтиш қилиш мақсадида флигель-адъютант Скобелевни юборган. Скобелев маршрути Қўқон орқали бўлгани учун у билан бирга Қўқонга, Худоёрхон ҳузурига дипломатик қисм бўйича махсус вазифалар амалдори Вейнберг ва Қўқоннинг Россиядаги вакили Мирза Ҳаким Парвоначи юборилади. Улар кўзғолон авжига чиққан вақтда Қўқоннинг Шаҳид Мозор қишлоғи ёнида Худоёрхон билан учрашишга мувафақ бўладилар.⁸¹

Худоёрхон дипломатик миссия билан Қўқонга ташриф буюрган рус элчиси ва полковник Скобелевлар билан бирга 22 июлда йўлга чиқади. Уларга рус савдогарларининг Қўқондаги ишончли вакиллари ҳам келиб қўшиладилар. Хон Маҳрам ва Хўжанд йўлларига чиқадиган Катта

⁷⁹ Мирзоолим Мушриф. Ансоб ус-салотин таворих ул-хавоқин. Т., 1995. Б. 89.

⁸⁰ Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фуркат. Т., 1995. Б. 11.

⁸¹ Ақром ўғли А. Худоёрхон қаерда ўлган? // Туркистон. 1992. 14 апрел.

Ғозиёғлиқ дарвозасидан чиқсак кўзғолончилар бизнинг мақсадимиздан воқиф бўлиб, йўлни тўсиб қўйишлари мумкин, деган фикрга бориб, ўз ихтиёридаги лашкарларга (68 та замбарак, 4 минг пиёда ва 2 минг отлик аскарлар) Мўймуборак дарвозасидан чиқиб, ундан 8 вёрст⁸² масофада позиция эгаллашни буюради. Сўнгра ўзи ўша дарвоза орқали лашкар хузурига келади. Хон келгандан сўнг, отлик аскарлар уни ташлаб, Қўқонга қараб кетиб қоладилар. Уларнинг ортидан тўпчилар ҳам эргашадилар. Улар замбаракларни ташлаб, отларга миниб, шаҳарга қараб йўл оладилар. Сўнгра навбат пиёда аскарларга келади. Пиёдалар ҳам йўлга отланиб, боғлар ичида тарқалиб кетадилар. Бундай хиёнатни кўриб Худоёрхон аравалар ва оила аъзоларига Хўжанд сари ҳаракат қилишини буюради, ўзи ҳам улар билан бирга йўлга тушади.⁸³

Бу орада отлик аскарларнинг бир гуруҳи Қўқондан қайтиб келиб, хон ва унинг ҳамроҳларини таъқиб эта бошлайди. Улар Маҳрамгача қочоқларнинг орқасидан ўқ узиб, уларни қувиб борадилар. Полковник Скобелевнинг буйруғига биноан казаклар вақти-вақти билан отдан тушиб, отлик душманнинг сиқувини тўхтатишга муваффақ бўладилар. Маҳрамдан кейин таъқиб этиш тўхтатилади, чунки Хўжанд уезди бошлиғи барон Нольде 20 нафар мерганни отларга миндириб, Исписор қишлоғи чегараларига ёрдамга юборган эди.⁸⁴

Исҳоқхон Жунайдуллохожа ўғли Ибрат “Фарғона тарихи” асарининг “Хикоя”сида хон Қўқондан чиқиб Маҳрам қалъасига борганлигини, у билан бирга Мулла Маъруф додхох ва қозоқ аскарлари бирга кетганлигини, хон туни билан ўхламаганлигини ва ҳатто бир сўз ҳам демаганлигини ёзади.

Маҳрам ўрдасида ўтган бу вақтда хон эҳтимол ўтган умрини сарҳисоб қилиб, ундаги савоб ва гуноҳларини, амалга ошира олмаган

⁸² Вёрст – узунлик ўлчови бўлиб, 1 вёрст 1.0668 км га тенг бўлган.

⁸³ Туркестанский сборник. Т. 148. С. 54.

⁸⁴ Ўша жойда.

ишларини бирма-бир эслаган, ёки келажакда нима қилиши зарур эканлигини уйлаган бўлса ажаб эмас. Ҳар ҳолда хоннинг бу тахлит аҳволидан пушаймонда эканлигини тахмин қилишимиз мумкин.

Шундай қилиб, хон Маҳрам қалъасидан чиқиб, Хўжанд шаҳридан 12 чақирим ўзоқликда жойлашган Исфисор қишлоғида яна бир тунни ўтказганидан сўнг, 24 июль куни Хўжандга кириб келади.⁸⁵

Хоннинг Қўқондан Хўжандга “сафари” чоғида хазинасига ҳам катта талофат етган. Бу хусусда Мирзоолим Мушриф ўзининг юқорида номи келтирилган асарига *“Аробалар ҳар жойда сингон эрди ва бир неча беандишалар талаб олиб қочқон эрдилар. Неча жойда шул тариқа аробалардин ажнос ва пул олиб, тароҷ қилиб қайтдилар.”* – деб ёзганлигидан билиб олиш мумкин. Тож тахтидан айрилган хон бу уқубатларни ҳам бошидан ўтказди. Тушкунликка тушган хон бу ҳали тақдиридаги ҳаммаси эмаслигини билмаган бўлса керак.

Худоёрхоннинг ўша кунлардаги фожиали аҳволи ҳақида “Туркестанские ведомости” куйидагича ёзган эди: “Хон чошгоҳдан кейин Хўжандга келди ва уезд бошлиғининг уйига жойлашди. Бу ерда уни фахрий қоровул ва ҳарбий мусиқа кутиб турарди. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси хонни анча хайрихоҳлик билан кутиб олди. Хон кўчаларга одамлар унчалик кўп тўпланишини хоҳламаган, шунинг учун тайёрлаб кўйилган уйга хонни бозор ўртаси билан эмас, балки шаҳар четидаги айланма йўл билан олиб борилди.”⁸⁶

Афтидан Хўжандда рус амалдорларининг хонга мулозаматлари ва меҳрибончиликлари сохта бўлиб, бундан у анча ранжийди. Хўжандда ўтган бир неча кун давомида у барон Нолденнинг уйида ва кейинроқ Камолхон тўра ҳовлисида яшайди ва Қўқонда бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиб туради.

⁸⁵ Акром ўғли А. Худоёрхон қаерда ўлган? // Туркистон. 1992. 14 апрел.

⁸⁶ Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. Т., 1995. Б. 11.

Бу пайтда кўзғолон авжига чиқиб, энди у кофирларга қарши ғазоват байроғи остида олиб борилиши Россияни хонликка нисбатан қатъий чоралар кўришга мажбур этади. Воқеаларнинг бундай кескин тус олишини кутмаган Туркистон маъмурияти Худоёрхонни Қўқон хонлиги чегараларига жуда яқин бўлган Хўжандда қолдириш қанчалик хавfli эканлигини тушунар, бинобарин шу пайтда кўзғолончилардан 50 минг киши Маҳрам қалъасида тўпланган, уларнинг бир қисми Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли Хўжанд ва Қурама уездларига киришга улгурган эди. Худоёрхон Хўжанддан рус аскарлари ёрдамида Қўқонга қайтиб бориб ўз тахтини яна тиклашига умид боғлар, шунинг учун ўғли Насриддиннинг ўз ўрнига ўтирганини осойишталик билан қабул қилган, икки маротаба тахтдан қувилиб, яна ўз ўрнини эгаллашга мувафақ бўлгани учун учинчи марта ҳам хонлик шоҳсупасига ўтиришига, бунда Кауфман ёрдам беришига ишонар эди. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Азиз Марғилоний ўзининг Тарихи Азизий асарида “Худоёрхон агарда чор Россияси лашкар берса, қайтиб келиб давлат бошқарувини ўз кўлимга олишим эҳтимоли бор, деб ўйлади” – деб ёзган.⁸⁷

Хўжандда ўн кун чамаси яшаб, Қўқонда тахт ўз ўғли Насриддинбек томонидан эгаллаб олинганидан сўнг, хонни Туркистон генерал - губернатори август ойи бошларида Тошкентга чақиради.⁸⁸ Айни шу масалада генерал-губернатор ҳарбий вазир Милютинга 1875 йил 19 августда йўллаган мактубида шундай дейилган: “Худоёрхонни Хўжанддан Тошкентга юборилишига сабаб, биз уни ўз қуроли кучимиз ёрдамида қайтадан тахтга тикламоқчимиз деган ишонч пайдо бўлмаслигидадир”.⁸⁹ Хўжанд ҳокими маҳрамлар ва қулларнинг қуроли аслаҳаларини олиб қўяди. Бир неча кундан кейин эса хон Тошкентга жўнаб кетади.⁹⁰

⁸⁷ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Т., 1999. Б. 21.

⁸⁸ Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фуркат. Т., 1995. Б. 12.

⁸⁹ Ақром ўғли А. Худоёрхон қаерда ўлган? // Туркистон. 1992. 14 апрел.

⁹⁰ Мирзоолим Мушриф. Ансоб ус-салотин таворих ул-хавокин. Т., 1995. Б. 88.

Хўжандда қуролсизлантирилган Худоёрхон ўз вақтида рус императоридан катта ваъдаларни олган эди, фон Кауфманнинг ёрдамига ишонган эди. Шунинг учун ҳам 1875 йил 8 августда Худоёрхон Тошкентга Қўқон хонлиги тахтини қайта эгаллашда ҳарбий ёрдам олиш умидида келади.

“Туркестанский сборник” саҳифаларида ёритилишича, Қўқон хонлигининг собиқ ҳукмдори Худоёрхон 500 кишидан иборат ҳамроҳлари ва ҳарами (унинг хотинлари орасида 1 нафар италиялик аёл ҳам бўлган) билан бирга Тошкентга етиб келган. Шаҳардан 8 км масофада жойлашган Қўйлиқда уни йиғма юзлик аскарлари кутиб олиб, Тошкентдаги қароргоҳгача кузатиб келдилар. Хон араваларининг фақат ярми Тошкентга етиб келади; 20 тача арава йўлда қўқонликлар томонидан тортиб олинган. Миш-мишларга қараганда хон ўзининг 5 миллионга яқин бойликларини йўқотган. У ўзи билан олиб келган чамаси 4 миллионлик бойлик асосан қимматбаҳо буюмлар, хитой кумуш қуймалари ва рус кредит билетларидан иборат бўлган.

Худоёрхон оила аъзолари ичида энг суюкли бўлган ўғли Ўрмонбекни ҳам Тошкентга олиб келган. У ўзининг хушфеъллиги билан қўқонликлар орасида машҳур эди. Бунинг сабаби кўп қўқонликлар Ўрмонбек шарофати билан ўлим жазосидан сақланиб қолган эдилар. Худоёрхоннинг ғазабига йўлиққан одам Ўрмонбекка мурожаат қиларди. Бундай ҳолларда Ўрмонбек отасининг ҳузурига келиб, остонада қўлини кўксига қўйиб, отаси унга эътибор бергунга қадар жим турар эди. Ниҳоят, отаси унга эътибор қаратиб, унга нима кераклигини сўрарди. Шунда Ўрмонбек унга ўзининг илтимосини айтарди: “Сизнинг содиқ қулингиз илтимос қилади – фалончининг бир қошиқ қонидан кечинг. У одам Сиз ўйлаган даражада айбдор эмас”. Кўп ҳолларда хоннинг ғазабига учраган кишига мусодара қилинган мол-мулки қайтариб берилар ёки ўлимга маҳкум қилинганларга шафқат қилинар эди.

“Биржевые новости” газетасининг 1875 йил 245-сонида босилган ушбу мақоланинг сўнгида Худоёрхон Тошкентга келганидан кейин уни генерал-губернатор фон Кауфман қабул қилганлигини, эртасига эса генерал-губернатор хон хузурига ташриф буюрганлиги ҳақида хабар берилади.

Худоёрхон ўз яқинлари билан Тошкентдаги Ариха бозори боғига жойлашади. Бу ерда одамларга “томоша” бўлган хонни Головачёв боғига кўчирадилар. Худоёрхон Тошкентда беш кун бўлиб, шунинг тўртинчи кунда унинг олдида генерал-губернатор фон Кауфман келган.⁹¹

Дабдабани хуш кўрадиган Кауфман хонни тантана билан қабул қилишга тайёргарлик кўрган. Ўз навбатида Худоёрхон ҳам бу учрашувга жиддий тайёрланади. Чунки унинг қисмати ҳал бўлиши керак эди. Жисмонан эзилган ва кучли маънавий тушкунликка тушган Худоёрхон генерал билан бўлган учрашувда сўзидан адашиб, маълум бир нарса таклиф эта олмайди. Қўшни давлатлар билан бўладиган сиёсий муносабатларда керак бўлганда мустақил иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган Кауфман учрашувга қадар Худоёрхоннинг қисматини белгилаб бўлган эди.⁹²

Бу учрашувда генерал-губернатор Худоёрхонга қолган умрини рус подшолиги паноҳида, тинчликда ўтказишни таклиф қилади.⁹³ Шу йўл билан Қўқон хонлиги тахтига даъво қилмасликни, Қўқондаги вазият нотинч эканлигини тушунтирмоқчи бўлади. Қисқаси хонга ёрдам беришни хоҳламайди. Шунинг учун ҳам фон Кауфман хонлик тақдирини Худоёрхон хали тахтда эканлигидаёқ ҳал қилиб бўлган деб, тахмин қилишимиз асослидир.

Бу таклифни қатъий рад қилган Худоёрхон тахт умидида шахсан рус подшоси билан кўришиш мақсадида Петербургга отланади. Ўз севимли

⁹¹ Ибрат. Фарғона тарихи. Т., 1991. Б. 317.

⁹² Ақром ўғли А. Худоёрхон қаерда ўлган? // Туркистон. 1992. 14 апрел.

⁹³ Мирзоолим Мушриф. Ансоби ус-салотин... Б. 88.

рафикаси Оғача ойимни, валиахдликка мўлжаллаган фарзанди Ўрмонбекни ва кенжа ўғли Фансуруллобекни ёнига олиб, 1875 йил 12 август куни узок сафарга отланган Худоёрхон бошқа бирор жойга эмас, подшоҳ хузурига, Петербургга йўл олганлиги ўша давр газеталаридаги бир неча материалда ўз ифодасини топган.⁹⁴

Худоёрхоннинг бу тахлика сарсонгарчилиги нафақат ўз атрофидагиларнинг, балки халқнинг ҳам афсус надоматига сабаб бўлган. Жумладан, ўз таъбири билан саодатпеша хоннинг нон-тузини тотган Мирзоолим Мушриф қуйидаги мисралар билан бошланган афсуснома битган:

Фарғона элидин кетти ул давлати хон, афсус,

Раоёу бароё халқидин чун кетти жон, афсус.⁹⁵

Шундай қилиб, Худоёрхоннинг кейинги дарбадарлик йиллари ўз юртидан ўзоқда, тутқунликда ўтади.

⁹⁴ Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фуркат. Т., 1995. Б. 13.

⁹⁵ Мирзоолим Мушриф. Ўша асар. Б. 88.

2.2. Худоёрхон: мусофирлик йиллари

1873 йилда Қўқон хонлиги пойтахтида содир бўлган халқ қўзғолони, хоннинг ўғли Насриддинбекнинг тахт илинжида ўз отасидан юз ўгирганлиги Худоёрхонни 1875 йилда Қўқонни ташлаб чиқиб кетишга мажбур этганлигини юқоридаги қайд этиб ўтдик. Хўжанд орқали Тошкентга келиб, Туркистон генерел-губернатори фон Кауфмандан мадад ололмагач, Худоёрхон хонлик тахтини қайтариб олиш умидида Петербургга, Россия императори Александр II ҳузурига йўл олган.

Бу даврни биз Худоёрхоннинг ўз юртидан олисда ўтган мусофирлик йиллари деб ўргандик. Чунки 1875 йил 12 август куни Петербургга бориш мақсадида йўлга чиққан Худоёрхон қайтиб ўз юртига кела олмайди, умрининг охирига қадар мусофирликни бошидан ўтказади.

Худоёрхон ўзига яқин навкарлари, аҳли аёллари билан Тошкентдан чиқиб Чимкентга боради. У ерда бир кеча ётиб, айрим навкарларига инъом ва эҳсон қилиб жавоб берди.⁹⁶

“Бу ерда, - деб ёзади тарихчи Ибрат ўзининг “Фарғона тарихи” асарида, - хон хизматидаги Атобек нойиб ва Худоёрхон ўртасида кўнгилсиз суҳбат бўлади. Олти юз эллик сипоҳни олиб, Атобек нойиб Чимкентдан Қўқонга қайтиб кетади. Хон қолган кишилар билан йўлида давом этиб Туркистон боради”.⁹⁷

Худоёрхон у ерда беш кун туриб, аҳли аёллари билан видолашиб, Туркистондан жўнайди. У ердан Қулунсурон деган ерга боради.⁹⁸

Худоёрхон кўнглининг бир чеккасида Петербурга кетяпману ўз юртимга қайтиб кела олмаслигим ҳам мумкин, деган мудҳиш ҳаёл ўтган бўлса керакки, Туркистонга борганда бир ховли уй олиб, рафиқаси Оғача ойим, ўғиллари Ўрмонбек ва Фансуруллобекга бир неча мулозимларни

⁹⁶ Мирзоолим Мушриф. Ансоби ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. Т., 1995. Б. 91.

⁹⁷ Ибрат. Фарғона тарихи // Мерос. Т., 1991. Б. 317.

⁹⁸ Ўша жойда.

посбон қилиб қолдирганлиги ҳақида Мирзоолим Мушриф “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин” асарида қуйидагиларни ёзади:

Беш-олти кун туриб кетти Туркистонға,
Ўрмонбекни ташлаб кетти боғ-бўстонға,
Равон бўлди Ўрунбурун шахристонға.

Шундан сўнг Петербург йўлидаги энг катта шаҳарлардан бўлмиш Оренбургда тўхтаб, у ернинг генерел-губернатори Крижановский билан учрашиб, унга ўз ҳол-аҳволидан хабар бериш мақсадида шаҳарга кириб келади. Бироқ, ўша кунлари Крижановский шаҳарда бўлмаган. Унинг маҳкама ҳодимлари Худоёрхонга генерал-губернатор шаҳарга қайтишини кутиш кераклигини қатъий равишда таъкидлайдилар. Орадан бир неча кун ўтгач, шаҳарга қайтган Крижановский хонни сохта меҳрибончилик билан кутиб олади, меҳмон қилади, ўзи ҳам унга меҳмон бўлади. Худоёрхонга пойтахтдан алоҳида кўрсатма келгунига қадар Оренбургда яшаб туриши зарур эканини айтади.⁹⁹ Аслида унинг ҳақиқий нияти хонни Оренбургда қаттиқ назорат остида сургун шароитида сақлаш бўлган.

Россияга эркин меҳмон сифатида бориб, рус императоридан ёрдам оламан, деб ўйлаган Худоёрхон ўзининг эрки юлиб олинганини, ярим маҳбус сифатида яшашга мажбур эканини кейинчалик тушуниб етган бўлса ажаб эмас. Хоннинг эркисиз кунлари бошланиб, пойтахтдан ўзи ҳақида қачон кўрсатма келишини генерал-губернатор маҳкамасидан сўрай-сўрай ҳолдан тойган Худоёрхон энди Оренбургдан ҳали-бери кетиши мушкул эканига кўникиб қолади. Ортга қайтиши ҳам ёки Петербургга бориши ҳам номаълум бўлиб қолгач, хон шу ерда бир неча йил истиқомат қилиб қолган.

“Туркестанские ведомости”да ёзилишича, Худоёрхон Оренбургга келиши билан Водяная ва Атаманская кўчалари кесишган жойнинг бурчагидан ёғочдан қурилган уй сотиб олиб, ўзи бирга олиб кетган

⁹⁹ Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фуркат. Т., 1995. Б. 14.

хотинлари, қариндош уруғ ва хизматкорлари билан биргаликда шу уйда яшай бошлайди. Айтишларича, у бу ерда ҳеч ким билан борди-келди қилмаган ва камгап бўлиб қолган. Кўпчилик уни ўз дарвозаси олдида бошини ҳам қилиб ғамгин ўтирганини кўришган.¹⁰⁰

Оренбургда сургунда яшаётган Худоёрхон 1293 хижрий йилнинг 24-муҳаррамида, яъни 1876 йил 20 февралда Насриддинхонга Қўқонга мактуб йўллайди. Бундан маълум бўладики, Худоёрхон Қўқон воқеаларидан ҳам, ўғли Насриддинхоннинг тахтдан ағдарилганидан ҳам беҳабар бўлган. Форс тилида ёзилган бу мактубнинг тўла матни кейинчалик, 1890 йил 3-октябрда “Туркистон вилоятининг газети”нинг 39-сонида русча таржимаси билан биргаликда эълон қилинган.¹⁰¹

Худоёрхоннинг мазкур хати Насриддинхоннинг хатига жавоб бўлиб, унда Қўқоннинг собиқ хони янги хонни тожу-тахт билан муборакбод этади. Қилган номақбўл ишларидан афсусда эканлигини билдиради. Тахтдан умидини узганини билдирар экан, хон ўғлига давлатни бошқаришда одил ва меҳрибон бўлиш кераклигини ўқтиради. Худоёрхоннинг Оренбургдан ёзган хати Қўқонга етиб келгунга қадар бу ер аллақачон руслар томонидан босиб олинган эди. Ушбу хат “Туркистон вилоятининг газети”да чоп этилган пайтда Насриддинхон ҳаётдан кўз юмган эди.¹⁰²

Бу даврда Крижановский Худоёрхонни бир неча маротаба ўз ҳузурига чақириб гаплашади. Петербург ва Тошкентда хоннинг кейинга тақдирини белгилаб бериши мумкин бўлган идоралар ва амалдорлар билан ёзишмалар олиб боради. Худоёрхон Крижановскийдан ўзини Петербургга император ҳузурига юборишни илтимос қилган. Унинг бу илтимоси императорга етказилганда, генерал-адъютант граф Гейден Крижановскийга 1875 йил 27 сентябрда: “Олий ҳазрат ўз иродаларини маълум қилиб,

¹⁰⁰ Акром ўғли А. Худоёрхон қаерда ўлган // Туркистон. 1992. 14 апрел.

¹⁰¹ Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. Т., 1995. Б. 16.

¹⁰² Ўша асар. Б. 17.

Худоёр Санкт-Петербургга келмасин, дея буюрдилар”, деган мазмунда телеграмма беради.¹⁰³

Худоёрхон ўзининг ҳажга боришига рухсат беришларини илтимос қилган. Шу муносабат билан 1875 йил 6 ноябрда Россия ҳарбий вазири Милютин Крижановскийга: “ҳозир шарқда нотинчлик бўлиб турган шароитда Худоёрхонни Маккага чиқариб юбориш ноқулай бўлади, кечиктириш керак”, деб телеграмма беради.¹⁰⁴

Илтимослари инобатга олинмагандан кейин Худоёрхон, Москвада бир бой қариндоши борлигини, ўшаникига бориб яшаш орзусида эканини маълум қилади. Хоннинг бу мақсадига император томонидан монеълик йўқ эди. Чунончи, Бош штаб бошлиғи граф Гейденнинг Крижановскийга 1875 йил 21 ноябрда ёзган хатида император Худоёрхонга мамлакатнинг Петербург ва Туркистондан ташқари ҳудудларида яшаш учун ўзига жой танлашига рухсат бергани айтилган.¹⁰⁵ Бироқ икки йилдан ортиқроқ вақт мобайнида бу масала ҳам ҳал этилмади. Ташқи дунёдан бутунлай ажратиб қуйилган Худоёрхон Оренбургда диққинафас бўлиб яшайверади. Ана шундай энг оғир бир вазиятда Крижановский одамлари унга хон тўғрисида чақувларни тез-тез етказиб турар эдилар. Кейинчалик Бўмбайдан Кауфманга ёзган хатида Худоёрхон: “Бир пора одамларимизни тарафидан губирнатурға шикоят қилибдурларки: от олди ва яна одам жам қилур, дебдурлар. Бир неча одамлар ул тарафдин бизга ҳабар бердиларки, губирнатур баҳодир сиздан кўп ранжибдурлар, деб сўзланди... Ноҳақ сўзлар бизнинг ҳақимизда сўзланди.”¹⁰⁶

Шундай танг бир шароитда 1877 йил 3 октябрга ўтар кечаси Худоёрхоннинг Оренбургдаги уйига ўғрилар тушади. Юқорида эслатилган Бўмбайдан фон Кауфманга хатида Худоёрхон: “Шу аснода уйимизға ўғри келди ва яна бир хафалик тушди”, деб ёзади. Худоёрхоннинг уйига ўғри

¹⁰³ Юсупов Ш. Хоннинг сўнги илинжи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2004. 12 декабр.

¹⁰⁴ Ўша жойда.

¹⁰⁵ Ақром ўғли А. Худоёрхон қаерда ўлган? // Туркистон. 1992. 18 апрел.

¹⁰⁶ Ўша жойда.

тушганлиги ўша давр матбуотида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, “Туркестанский ведомости” ўзининг ўша йил 8 ноябрдаги сонидан “Оренбургский листок”дан шу ҳақдаги хабарни кўчириб босади. Унда, жумладан, шундай дейилган: “3 октябрда, кечаси соат бирда, собиқ Қўқон хони Худоёрниқига икки фойтунда ёвуз ниятли номаълум кишилар келиб, ҳовлидаги эшикка тиралганча, деразанинг битта ойнасини кўчирганлар ва келганларнинг бири деразадан ичкарига суқилиб кира бошлаган, лекин Худоёр ҳали ухламай ётган экан, суқилиб кираётган ўғрини кўргач, у ёнидаги темир суйил билан ўғрини шундай қаттиқ урганки, дерезада қон доғлари пайдо бўлган. Шундан сўнг барча ўғрилар тирақайлаб қочиб кетганлар. Рўй берган бу ҳодиса юзасидан тергов олиб борилмоқда.”¹⁰⁷

Ўз давлатининг таназули ва яқинларининг ҳалокати таъқиб ва гумонлар остида сақланиб турилган Худоёрхонга қатта зарба бўлади. Шунини айтиш мумкинки, алданганига ишонч ҳосил қилган, сургун қанча давом этишини ҳам, қандай тугашини ҳам билолмаган Худоёрхон таъқиб ва қутқулардан ўзини йўқотади. Уйига ўғри тушиши эса унинг сабр қосасини тўлдиради. Буларнинг ҳаммасидан сўнг Худоёрхон анчадан бери кўнглида сақлаб юрган Маккага жўнаш ниятини амалга оширишга шитоб билан киришади.

Худоёрхон ўзи билан бирга Оренбургга олиб борган икки хотинини юртига, жияни Ақромхон тўрани эса энг севимли фарзанди Ўрмонбекка қараб туриш учун Туркистон шаҳрига жўнатади, хизматкорларининг баъзиларига ҳам жавоб бериб юборади, Оренбург банкида сақланаётган маблағидан 32 минг рублни олиб, 3 мингдан кўпроғини “хўжа кўрсинга” қолдиради. 1877 йилнинг 11 ноябрида уйдаги икки хизматкорга овга кетаётганини айтиб, қариндошлари бўлмиш Султонхон ва Нурмухаммад

¹⁰⁷ Юсупов Ш. Хоннинг сўнги илинжи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2004. 12 декабр.

деган кишилар ҳамроҳлигида йўлга тушади. Аввалдан келишиб қўйилган Турди ёфис ва Нуржон тўрани йўлдан ўзларига ҳамроҳ қилишади.¹⁰⁸

Тарихчи Мирзоолим Мушрифнинг “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин” асарида баён қилинганидек:

Худойиға такай айлаб қочти, дўстлар.

Турди деган қазоқ ани бошлаб қочти,

Ул йўлларда пулларини дондек сочти,

Шукрин айлаб шаҳри Кобул етти, дўстлар.¹⁰⁹

Тадқиқотчи А.Акрам “Туркистон” газетасида эълон қилинган “Худоёрхон қаерда ўлган” деб номланган мақоласида Худоёрхон сафари вақтида шериклари томонидан зўрлаб бирга олиб кетилмоқчи бўлган, маълум вақтгача улар билан бирга юриб, имкони тўғилиши билан хоннинг тўриқ оти ва милтиғини ўғирлаб қочган Ўтужа Жоновнинг кейинчалик тергов чоғида берган маълумотларида Худоёрхоннинг ёнида тўрт киши, улардан Султон ва Нормухаммад ўзбек, Нуржон тўра қозоқ ва Турди туркман эканига эътиборини қаратган. Муҳими шуддаки, Ўтужанинг айтишича, Худоёрхон ва ҳамроҳлари унга аввал Англияга, сўнгра Туркияга бормоқчи эканликларини айтганлар, Худоёрхон ўз тахтига қайтгач, Ўтужага қўп бойлик ва мансаб беришга ваъда берган. Демак, Ҳаж зиёратига боришдан олдин Англияга бормоқ ниятида бўлган. Лекин юртидан тезроқ чиқиб кетиш йўли Кобул орқали тушганидан, иккинчи томондан, чамаси, ҳаж мавсуми яқинлашиб қолганидан¹¹⁰ Маккаи мукаррамага етиб олишни мўлжаллаган ва бошқа сафарларини орқага сурган кўринади.¹¹¹

Худоёрхон Оренбургдан қочиши биланоқ Россия хуудларида ва хонликларда уни дарҳол тутиб, ҳукумат маъмурларига топшириш учун кенг фаолият бошлаб юборилади, пойтахтдаги мутасаддилар Оренбург

¹⁰⁸ Юсупов Ш. Хоннинг сўнги илинжи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2004. 12 декабр.

¹⁰⁹ Мирзоолим Мушриф. Ансоби ус-салотин... Т., 1995. Б. 96.

¹¹⁰ 1877 йили ҳаж мавсуми 17 декабрдан бошланган.

¹¹¹ Юсупов Ш. кўрсат. асар. Б.22.

генерал-губернатори Крижановский, фон Кауфман, амир Насруллога кетма-кет кўрсатмалар беришади. Лекин бўларнинг бирортаси ҳам фойда бермаганлигини Худоёрхоннинг кейинги тақдиридан билиб оламиз. Чунончи, Худоёрхон ўз ҳамроҳлари билан Бухоро ва Туркменистондан ўтиб, Афғонистонга боради.

Орадан етти ойдан ортиқроқ фурсат ўтгач, “Туркистон вилоятининг газети” 1878 йил 21 июндаги сонида қуйидаги хабар пайдо бўлади: *“Айтадурларким, Ўрунбухдин кетган Хўқандни илгариги хони Худоёрхон ўзини танитмасдин қазоқия либосини кийиб, Туркмения саҳросидан ва Бухор вилоятларидин ўтуб, Афғонистонга тобе Тахтапулга борибдур. Чунки Тахтапулга боргондин сўнг Шералихоннинг Кобилдин юборган фармойиши бўйинча Худоёрхоннинг қўлидаги барча пулларини олиб, ўзини Эрон мамлакатига ўтказиб юборибдур”*.¹¹²

Оренбургда бор мол-ашёсини ташлаб қочган Худоёрхон сафари давомида қолган маблағларини ҳам бирин-кетин йўқота бошлайди. Бағдод орқали Макка шаҳрига бориб ҳаж амалларини бажарган хон бу ерда ўқубатли дамларни бошдан кечирган. Катта саройда кўплаб қўл остидаги амалдорлар даврасида яшаган хон ғарибона аҳволга тушиб қолади.

Исҳоқхон Жўнайдуллохожа ўғли Ибратнинг “Фарғона тарихи” асарида келтирилишича, Худоёрхон хонлиги даврида танобчи бўлган тўрақурғонлик Солиҳ саркор Ортук саркор ўғли Наманган танобини йиғганда хазинага зарар қилган, деб жазоланади. Шу киши хонни муҳожирликда кўриб қолади ва тош отиб Худоёрхонни тишини синдиради. Бу ҳам камлик қилгандек, хон Маккада касал бўлиб қолади.

Унинг хориждаги муҳожирлик йиллари 1877-1879 йилларга тўғри келади. Бу вақт давомида Худоёрхон Бағдод, Макка, Бўмбай (ҳозирги Мўмбай), Истанбул каби шаҳарлар ва Афғонистонда бўлади.

¹¹² Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. Т., 1995. Б. 22.

Шу ўринда бир нарсага тўхталиб ўтиш жоиз. Ибрат “Фарғона тарихи”да: “Бу тарика Худоёрхон Маккада туриб осойишта экан, Нурмухаммадни тарғибига унаб охири Ҳиндистон ва Афғон илан юриб, дарёйи Амуга яқин Каррух деган ерда Эшони шаҳид деган Ислом шайхини катта муршидлари халифа Доруламон деганни ҳонақоҳларига келиб, анда хужра олиб, истиқомат қилуб туруб...”¹¹³ деб ёзади.

Ш.Юсуповнинг келтиришича, Худоёрхон Маккада касалланади ва шу ерда танишиб қолган, Ҳиндистонга тижорат билан бориб жойлашиб қолган оға Абдулрахим деган кишининг маслаҳати билан касалликдан қутилиш учун Бўмбайга боради ва у ердан Бағдодга қайтади.

Ҳар иккала манба ҳам Худоёрхонни касалликдан азият чакканини ёзади. Аммо Ҳиндистонга нима сабабдан борганлиги турлича талқин этилади. Ибрат Худоёрхон Маккадан ўзига яқин киши бўлган Нурмухаммад шарбатдор билан Ҳиндистон ва Афғонистон орқали Амуга яқин Каррухга келганини ёзади.

Бундан ташқари Ҳ. Бобобековнинг “Турон тарихи” журналининг 2005 йил 3-сонида босилган “Худоёрхон” номли мақоласида “Сафарда, Афғонистонда Худоёрхоннинг елкасига чипқон чиқади ва афғон жарроҳлари ярани олиб ташлайдилар. Аммо яхши тузалишини кутмасдан, Худоёрхон сафарини давом эттиради”, деб баён этилган.

Ш.Юсупов муаррих Акмал Акрамнинг “Туркистон” газетасининг 1992 йил 14-апрел сонида босилиб чиққан “Худоёрхон қаерда ўлган?” номли мақоласидаги ҳозирча илмда номаълум бўлган мактубга асосланиб қуйидагиларни ёзади: *“Маккада қўлимизга бир жароҳат чиқди ва бу жароҳатдин дўхтири Макка бир неча гўитларни кесиб олди ва яна олти ой Маккада турдук. Жароҳат яхши бўлмади ва яна бир неча одамлар сўзларики, “Ҳиндустонда кўп ях дўхтурлар бор”, дедилар. Ул сабабдин Бўмбайга келдик. Дўхтири инглиз жароҳатни кўрди, дори ва дармон қилди.*

¹¹³ Ибрат. Фарғона тарихи // Мерос. Т., 1991. Б. 322.

*Муддати беи ой Бўмбайда турдук. Жароҳат яхиши бўлди... Шаъбони муаззамнинг йигирма олтисиндадур дарбанди Бўмбайдин чиқуб ва ба тарафи Макка келганимни сабабидин аҳволотимизни хабарингизга билдирмак учун ёзуб ога Абдулрахим ога Абдулазиз ўглини қўлидин бул қозғозни юбордук”.*¹¹⁴

Оқибат ҳар бир манба Худоёрхонни юртига қайтиш ниятида Афғонистонгача келганини, касалликдан шу ерда, Карруҳда, вафот этганини ёзади. Лекин бу воқеа санаси ҳам турлича кўрсатилади. Хусусан, Ш.Юсупов “Худоёрхон ва Фурқат” номли рисоласида 1895 йилда нашр бўлмиш “Энциклопедик луғат”да Худоёрхон 1845 йил 16 ёшида илк бор Қўқон хонлиги тахтига ўтирганлиги қайд этилганини ва шарқшунос олим Н.Острумовнинг Россия археология жамияти шарқшунослик бўлими “Ахбороти”да 1884 йилда босилган материалида хоннинг вафоти 1879 йил деб кўрсатилганлигини ёзади ва буни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Тарихчи Ҳ.Бобобеков эса юқорида номи келтирилган журналдаги мақоласида “...касали оғирлашиб Худоёрхон 1299 ҳижрий 1884 йили Карруҳда вафот этади”,¹¹⁵ деб ёзади.

Агар Ибратнинг “Фарғона тарихи” асарига асослансак, Худоёрхон биринчи маротаба 14 ёшида тахтга ўтиради. 1299 ҳижрий йилда вафот этади. “Бар ҳар ҳол хонни Хўқанддан чиқиб, Ўрунбургда туриб, андан ҳажга боруб, қайтуб келиб вафотлариғача ўртаси саккиз йил бўлуб, тўққизинчи йилида вафот бўлган экан”,¹¹⁶ деб ёзади муаллиф.

Агар милодий сана билан ҳисобласак, Худоёрхоннинг Қўқондан чиқиб кетиши (1875), Оренбург сургуни ва Макка шаҳрига сафаридан кейин то Карруҳга келгунига қадар 9 йил ватқ ўтади. Шунинг учун Худоёрхоннинг 1884 йил вафот этгани ҳақидаги далил ишончлироқ, дейиш мумкин.

¹¹⁴ Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. Т., 1995. Б. 26.

¹¹⁵ Бобобеков Ҳ. Турон тарихи. 2005. 3-сон.

¹¹⁶ Ибрат. Фарғона тарихи // Мерос. Т., 1991. Б. 323.

Ш.Юсупов “Жаннатмакон” журналида эълон қилинган мақоласида қуйидагиларни ёзади: “Бағдод шаҳрида истиқомат қилиб турганида, ҳамюртларидан бири Англиянинг Бомбайдаги ҳокими йўқлаганини айтиб, уни (Худоёрхонни – А.Р) Ҳиндистонга олиб кетади. Ҳоким Лондондаги амалдорлар билан телеграф орқали маслаҳатлашгач, собиқ тождорни Буюк Британия қироличаси Виктория ҳузурига жўнатади. Уни қиролича шахсан қабул қилади. 12 хорижий мамлакат элчиси қатнашган нуфузли йиғинга таклиф этилган хон чоризм мустамлака сиёсати туфайли ўзи ва юрти бошига тушган чексиз фалокатлар ҳақида сўзлайди. Қўқон хонлигининг мустақиллигини қайта тиклашда инглиз ҳукумати ёрдамига муҳтож эканини айтади. Қиролича Виктория хонликни Россия ҳукумати билан музокаралар орқали қайта тиклаш, бунинг иложи бўлмаса, шавкатли инглиз қуролли кучлари ёрдамида мазкур мақсадга эришилажagini ваъда қилади. Лекин инглиз ҳукумати томонидан ишга солинган тадбирлардан натижа чиқмайди”.¹¹⁷

Худоёрхон бу даврда ҳар қанча танг аҳволга тушиб қолишидан қатъи назар тахтдан воз кечмаган, деган хулосага келинди. Унинг муҳожирлик йилларида яна Қўқон тахтига умид пайдо бўлган. Эҳтимол, Афғонистон, Арабистон, Ҳиндистон каби мамлакатларни кўрган Худоёрхонда дунёда чор Россияси билан рақобатлаша оладиган қудратли давлатлар борлигини кўриб, улар ёрдамида салтанатини қайта тиклаш иштиёқи туғилган бўлса керак. Аммо унинг бу орзулари амалга ошмаган. Фарғона чор Россиясининг мустамлакасига айлантирилган.

¹¹⁷ Юсупов Ш. Худоёрхон. // Жаннатмакон. 2009. феврал.

2.3. Худоёрхон ҳукмдор ва шахс сифатида

Қўқон хонлиги тарихида Худоёрхоннинг зиммасига нафақат ташқи душмандан, балки ҳокимиятга даъвогар бўлган шахслардан ҳам ҳимояланиш вазифаси юклатилган эди. Худоёрхон Қўқон хонлигида тарихий вазиятлар мураккаб бўлган даврларда 1845 – 1858, 1862 – 1863, 1865 – 1875 йилларда ҳукмронлик қилган.¹¹⁸

Бу даврда кечган мураккаб жараёнлар тарихий ҳужжатлар ва илмий адабиётларда кенг ёритилган. Уларда Худоёрхон шахсига ва унинг олиб борган сиёсатига турлича баҳо берилган. Чунончи, мустақилликкача тарихчиларнинг асосий манбаси бўлиб келган рус мустамлакачиларининг тарихий ҳужжатлари ва илмий асарларида Худоёрхон шахсига салбий муносабат билдирилган. Айниқса, Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ўрнига Фарғона вилояти ташкил этилгач, Худоёрхон тўғрисида вақтли матбуотда кўплаб мақолалар нашр қилинган. Уларда Худоёрхон мол-дунёга ҳаддан ташқари ҳирс қўйган, сон-саноксиз солиқлар билан халқнинг тинқасини куритган, маишатпарастликка муккасидан кетган, ўта шафқатсиз, чаласавод, ношуд ҳукмдор деб баҳоланган. Бу билан улар ўзлари олиб бораётган мустамлакачилик сиёсатини оқлашга интиланлар, десак ўринли бўлади.

Худоёрхон шахсига берилган бу каби баҳолар шўролар ҳукмронлиги даврида ҳам уларнинг сиёсатига қўл келган ва улар ҳам рус мустамлакачилари томонидан яратилган тарихий ҳужжатлар ва асарларни биринчи манба деб ҳисоблаб, ўтмишимиз қадриятларига салбий баҳо берганлар. Маҳаллий ёзма манбаларни эса диний, эскилик сарқитлари деб қаралган. Бу эса ўз ўрнида тарихни ёритишда бирёқламаликка олиб келган. Ваҳоланки маҳаллий тарихий манбаларда Худоёрхон шахсига нисбатан холисона баҳо берилган.

¹¹⁸ Сулотонов Ф., Бозорбоев Ф. Ўзбекистон ҳукмдорлари. Т., 2007. Б. 74.

Маълумки, ўша даврлар ҳокимият учун курашларда хонзодалар иштироки кам кўринади. Уларда маълум бир гуруҳ интиланликларини кўришимиз мумкин. Жумладан, Худоёрхоннинг дастлаб тахтни эгаллаши, акаси Маллахоннинг унга қарши чиқиши ва ниҳоят ўғли Насриддинбекнинг отасига қарши кураши заминининг барчасида қипчоқ ва қирғиз уруғи вакилларининг тахтни эгаллашга бўлган ҳаракатлари ётади.

XIX асрнинг 40-йилларига келиб Бухоро амирининг Қўқон хонлигига таҳдиди кучайгач, хонликда ўзаро ички низолар авж олади ва мураккаб сиёсий вазият вужудга келади. Олдинги бобда таъкидлаганимиздек, бу вазиятдан унумли файдаланган кўчманчи қипчоқлар орасида катта нуфузга эга бўлган Муслмонқул Муродхонни ҳокимиятга интилишидан фойдаланиб, хонликни ўзи истаганча бошқариш ниятида Шералихоннинг ўғли Худоёрхонни Қўқон хони деб эълон қилган эди. У Худоёрхонга содиқ бўлган шахсларни юқори лавозимлардан четлатишга эришади ва атрофига аста–секинлик билан ўз одамларини йиға бошлайди. Худоёрхон бу вақтда ёш бўлишига қарамасдан вазиятни тўғри баҳолай олган. Айрим ҳолларда хон мингбошининг гапларига қулоқ солмай, сарой аъёнлари маслаҳатларига амал қилган.

Худоёрхоннинг биринчи ҳукмронлик даврида давлат бошқарув кенгаши ҳам мавжуд бўлиб, у тўрт нафар қипчоқдан иборат бўлган. XIX асрнинг 60-йилларига келиб кенгаш кенгайтирилиб, марказий давлат бошқарувидаги 12 кишидан иборат мансабдорлар бу кенгаш таркибига киритилган.¹¹⁹

Шунингдек, Худоёрхон Валихон тўра ва Соҳибзода ҳазратларини ўзига пир деб ҳисоблаб, давлат ишларини бошқаришда, чет мамлакатлар билан муносабатларда уларнинг маслаҳатлари билан иш юритган.

¹¹⁹ Комилов А., Эватов С. Қўқон хонлигида олий кенгаш фаолияти // “Фарғона водийси янги тадқиқотларда” мавзусидаги III республика илмий анжумани материаллари. Фарғона. 2014. Б. 203.

Худоёрхон маҳаллий намоёндаларнинг норозилигини инобатга олиб, Мусулмонқулни 1846 йилда вазифасидан озод қилади. Лекин у ҳокимиятга интилиб, яна бир неча бор ўз мавқеини тиклашга мавафак бўлган. 1853 йил баҳорида Мусулмонқулнинг В.В Вельяминов-Зернов билан учрашуви Худоёрхонни қаттиқ ташвишга солиб, унга қарши кескин чора–тадбирлар кўришга мажбур қилган.¹²⁰ Худоёрхон бошчилигида маҳаллий сиёсий кучлар бирлашиб, қипчоқларга қарши кураш бошлайдилар. Бу кураш ҳақиқатда хоинларга қарши қаратилган бўлсада, бунга рус маъмурлари ҳужжатларида бошқача баҳо берилган, яъни “Худоёрхон сиёсатидан норози бўлган қипчоқлар қўзғолони” деб кўрсатилган.

Ваҳоланки, бу вақтда аҳоли хатто сув учун ҳам қипчоқларга солиқ тўлайдиган даражага етган эди. 1852 йилги қипчоқлар қирғини аҳолини қийин аҳволга солган воқеликларга барҳам берди. Лекин қипчоқлар қирғини шу даражага етдики, қирғин пайтида гуноҳкор ва бегуноҳлар ҳам аёвсиз қатл этилган. Бу Худоёрхон ҳукмронлик даврининг энг машъум саҳифаларидан биридир.

Ёзма манбаларда Худоёрхон бу ишда акасининг кўрсатган ёрдамини инобатга олиб, тахтни унга топширмақчи бўлганлиги, лекин Маллахон рад жавобини бергани айтилади.¹²¹ Бундан маълум бўладики, ака-укалар ўртасида дастлаб тахт учун кураш бўлмаган, балки Маллахон хонликни бошқаришда укасига сидқидилдан ёрдам берган.

Тарихчи Муҳаммад Юнус Тоибнинг “Тарихи Алимқули амирлашкар” асарида келтирилган қуйидаги воқеада ҳам ака-укаларнинг ўзаро муносабати акс эттирилган. Яъни бир кун бомдод намозидан сўнг умаро ва сардорлар хонга салом бериш учун ўрда эшигига жам бўлганда Маллабек Мирзо Аҳмад қушбеги ва Дўстмуҳаммад дастурхончиларга ниҳоятда қаҳр-ғазаб билан боқиб: “Хонни сизлар йўлдан уриб, ит

¹²⁰ Бобобеков Ҳ. Қўкон тарихи. Т., 1996. Б. 32.

¹²¹ Эгамбердиева Н., Абдуллаев Ж. Худоёрхоннинг Қўкон хонлиги тарихида тутган ўрни // Турон тарихи. 2005. 3-сон. Б. 23.

ўриштирмақ ва хўрус ўриштирмақ йўлига бошлаб, юрт ва фуқаролар ҳолидан ғофил ва беҳабар айлаб, оламини ҳароб қилдинглар!” деб уларга қилич кўтаради. Аъёнлар Маллабекка илтижо қилиб ўларни халос қиладилар. Бу воқеадан сўнг Маллабек ўз навкарлари билан Андижонга кетади. Худоёрхон буни эшитиб, акасини қайтариш учун орқасидан одам юборади. Лекин Маллабек қайтмайди.¹²²

Дарҳақиқат, манбаларда Худоёрхоннинг бу вақтда ит талатиш, кўчқор уруштириш ва улоқ чопишга машғул бўлиб, фуқаро ҳолидан ғофил қолгани баён қилинган.¹²³

Буларнинг барчаси Худоёрхонни ҳокимиятдан маҳрум бўлиши билан яқунланишига олиб келиши шубҳасиз эди. Ваҳоланки 11 ёшида Андижон ҳокими бўлган, 14 ёшида Қўқон хонлиги тахтига ўтирган Худоёрхон 27 ёшида акасининг муҳолифати таъсирида тахтдан маҳрум бўлган.

Иккинчи маротаба ҳокимиятга келган Худоёрхон давлат бошқаруви ёки аҳоли турмуш фаровонлигида бирор ижобий ўзгаришга эришмай, маҳаллий зодагонлар ва кучманчи қипчоқ-қирғизларнинг қаршилигига барҳам бериш учун ҳарбий ҳаракатлар билан машғул бўлган. Жумладан, бу вақтда қипчоқ-қирғизлар Андижон атрофини талон-тарож қиладилар. Худоёрхон юборган саркардалар улар билан қаттиқ жанглар олиб борадилар. Нихоят, бу ишга Бухоро амири аралашиб Худоёрхоннинг ҳокимиятдан мосуво бўлиши билан яқунланади.¹²⁴

Ёзма манбаларда таъкидланишича, Худоёрхон учинчи маротаба тахтни эгаллаганида, адолат билан сиёсат юритишга интилган ва ҳеч кимга гина, хусумат қилмаган, чунки Худоёрхон иккинчи маротаба тахтдан кетганида, “агар мен яна тахтга ўтирсам, ҳаммага тенг подшо бўламан, бирини биридан фарқ этмайман” деб қасам ичган экан.¹²⁵ Шунингдек, Тарихи Азизий асарида Худоёрхонни сўнгги ҳукмронлик даврида

¹²² Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алимқули амирлашқар // Шарқ юлдузи. 1996. 1-сон. Б. 216-217.

¹²³ Ўша жойда.

¹²⁴ Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон. Т., 2009. Б. 149.

¹²⁵ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Т., 1999. Б. 14.

дуохонликка берилгани, “кўп улуғ сифат” бўлгани, қайсарроқ ва жаҳл устида бировларга ноўрин ғазаб қилса, кейинчалик бундан пушаймон бўлиб қолиши ҳам ёзиб қолдирилган.¹²⁶

Худоёрхон Қўқонни руслар босиб олаётган бир пайтда ҳам улар билан иттифокда ҳукмронлик қилишга интиланган. У мавжуд вазиятга тўғри баҳо бера олган, чунки унинг руслар билан ҳамкорлик қилиши амир Музаффар олдидаги маълум мажбуриятлардан халос бўлишига ва аҳолини кутаётган қийинчиликлардан ҳимоя қилишга имкон бериши мумкин деб ўйлаган. Афсуски Худоёрхоннинг ташқи сиёсатда тажрибасиз эканлиги кейинги даврларда аён бўлиб қолганлигини кўрамиз. У амир таъсиридан қочишга интилиб руслар билан дўстона сиёсат олиб борган. Лекин руслар бу дўстликни кейинчалик босқинчилик билан давом эттирганлар.

Худоёрхоннинг олиб бораётган сиёсатига Мусулмонқул мингбошининг ўғли Абдурахмон Офтобачининг аралашуви Қўқон хонлиги аҳолиси бошига оғир кулфатлар келтиради ва оқибатда воқеалар хонликнинг тугатилиши билан якун топади.

Маълумки, Худоёрхон Абдурахмон Офтобачига нисбатан отасига қилган муносабатни қилмаган. Ёзма манбаларда қайд қилинишича, Худоёрхон “қипчоқия каттасининг ўғлидар, бир ҳожатимга яраб қолар” деб унга кўп эътибор берган, шунингдек, хонликда қипчоқлар катта сиёсий кучга эга бўлганликлари боис давлат ишларида унинг таъсири кучли бўлган.¹²⁷ Офтобачи Худоёрхон учун суянган одам бўлса-да, у отасининг ўчини олиш ва ҳокимиятни эгаллаш пайида бўлган. Бу эса кейинги давр воқеаларида ўз тасдиғини топганлигини кўрамиз.

Афсуски, бу ўринда Худоёрхонни оқлаб бўлмайди. Чунки унинг тажрибасизлиги, давлат амалдорларини салохияти ва самимиятига қараб

¹²⁶ Мухаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Т., 1999. Б. 15-16.

¹²⁷ Эгамбердиева Н., Абдуллаев Ж. Худоёрхоннинг Қўқон хонлиги тарихида тутган ўрни // Турон тарихи. 2005. 3-сон. Б. 23.

тўғри танлай олмаганлиги нафақат ўзини, балки бутун халқни ҳам оҳир аҳволга олиб келган.

Худоёрхон хонлик тахтидан ағдарилиб, Тошкентдан Петербургга кетаётганда қайтиб келишини ўйлабми, ёки фарзандлари корига яратиш мўлжалидами, ўша даврга нисбатан жуда катта маблағ қолдириб кетгани маълум. Бунга асосланиб, Худоёрхон қанчалик даражада жоҳил ҳукмдор бўлмасин, ворислари учун етарли даражада қайғурган, ғамхўрлик кўрсатганлигини билиб оламиз.

Худоёрхон қанчалик шафқатсиз ва истеъдодсиз ҳукмдор бўлмасин, унинг ҳам давлат ва шахсий жиҳатдан баъзи бир ижобий хислатлари ҳам мавжуддир. Худоёрхон ўз хонадони вакилларига жуда яхши муносабатда бўлган. Онаси Жарқин ойимга эътиқоди шу қадар баланд эдики, янги ўрда қурилганидан кейин эски ўрда унинг ихтиёрига берилади. У умрининг охиригача ўша ерда яшаган. Жарқин ойим халқ орасида Ҳоким ойим номи билан ҳам машҳур бўлган. Чунки, Жарқин ойим давлат ишларига шу қадар аралашганки, Қосим мингбоши қатл этилишида шахсан унинг роли катта бўлган.¹²⁸

Худоёрхон ҳукмдор сифатида оиласи учун кўп яхшиликлар қилгани эътирозга сабаб бўлмайди. Лекин у ҳукмдор сифатида давлат олдидаги мажбуриятини тўла адо эта олмаган. Ўз вақтида ислоҳотлар ўтказилиши керак бўлган пайтда ислоҳотлар амалга оширилмади. Эскича бошқарув тартиби сақланиб қолинди. Мамлакат ҳудудида яшовчи халқлар ўртасида этник қирғинлар амалга оширилди. Масалан, қипчоқлар ва қирғизлар қирғини. Бу ҳақда юқорида етарлича маълумотлар берилди.

Худоёрхоннинг тахтни бошқариш услуби шундай эдики, янги ўрда қурилгач, давлат ишлари ўша ерда олиб борилган. Хоннинг ҳузурида фақат юқори даражадаги амалдорлар, асосан маҳрамлар турар, оддий аҳоли эса ўрда деворлари орқасида маҳрамлар воситачилигида хон

¹²⁸ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т., 1973. С. 87.

кабулини кутишга мажбур эдилар. Худоёрхон давлат ишлари учун қабул вақти эрталабки нонуштадан тушлик маҳалигача белгилаган эди.

Худоёрхон ҳукмронлиги даврида ҳарбий ишга ҳам аҳамият берилган. У ҳарбий ислоҳотларни амалга ошириб, қуролланиш даражасига катта аҳамият берди. Бу ҳолат табиий равишда қўшиннинг қурол-яроғини такомиллашувига олиб келди. Қўшинда ўша давр талабига мос келувчи Европа андозаларидаги ўқ отар қуроллар тўппонча, милтиқ ва тўплар сони кўпайтирилди. Таркиби сифат жиҳатидан яхшиланган қўшиннинг тактик тайёргарлигига ҳам эътибор берилиб, чет эллик ҳарбий мутахассислар жалб қилинган.¹²⁹

Гарчи, ислоҳотлар ўз даврига нисбатан кечиккан ва кутилган натижаларни бермаган бўлса-да, ҳокимиятнинг марказлашувига кўмаклашган, мамлакат ҳарбий қудратини сифат жиҳатидан янги даражага кўтарган омиллардан бири бўлган. Худоёрхон тўпчилар қисмини ташкил этиб, уларга Дарвиш Алини бош қилиб тайинлаган. Ҳатто ўзи ҳам ҳар куни тўп ва милтиқдан отиш машқларига қатнашишни канда қилмаган.¹³⁰

Худоёрхон қанчалик салбий маънодаги ҳукмдор бўлмасин, у биринчи ва иккинчи ҳукмронлиги даврида рус босқинчиларига қарши курашган. Русларга қарши турганларни астойдил қўллаб-қувватлаган эди. Лекин XIX асрнинг 60-йилларидаги вазиятнинг ўзгариши, русларга қарши туришнинг умуман имконияти йўқлигини англагач, уларга қаршилиқни тўхтатиб, дўстона муносабатда бўлишга интиланган, лекин бу интилишлари хомхаёл эканлигини юқорида таъкидлаб ўтдик.

Худоёрхоннинг шахсий ҳаётида ҳам баъзи бир салбий ҳолатлар бўлган. Масалан, унинг ҳарамида 3 та шаръий хотини ва 30-40 нафар атрофида чўрилари бўлган. Бошқа маълумотларга қараганда хон ҳарамида 100 тагача чўри сақланган.¹³¹

¹²⁹ Фарғона водийси янги тадқиқотларда. Биринчи китоб. Фарғона. 2009. Б. 204.

¹³⁰ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т., 1973, С. 88.

¹³¹ Ўша жойда, С. 87.

Худоёрхон асосан Қўқондан 3 км атрофидаги узоқликда жойлашган Афғонбоғ ва Урганжбоғда яшаган. Хон ўз вақтининг асосий қисмини ов, турли кўнгилахуш машғулотлар билан ўтказган.

Худоёрхон ўзининг кўп вақтини яна хузурига таклиф этилган масхарабозлар ва қизиқчиларнинг томошалари ва кўк бўру (кўпкари) ўйнаш билан ўтказар эди. Унинг давлат ишларига кам вақт ажратиши, ўтказилиши керак бўлган ислохотлар ҳақида деярли ўйламаслиги охироси қабат давлатнинг қулашига олиб келган.

III боб. Худоёрхон даврида Қўқон хонлигидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт

3.1. Хўжалик ҳаёти: зироатчилик, хунармандчилик ва савдо

Аввалги Қўқон хонлари замонида бўлгани каби Худоёрхон даврида ҳам хонликда асосий тирикчилик машғулоти ўзгармаган. Яъни аҳолининг катта қисми деҳқончилик билан шуғулланар эди. Шунинг учун ҳам хонлик хўжалик ҳаётида суғориш ишлари доимо долзарб аҳамият касб этган.

Худоёрхон онаси Жарқин ойим вафот этгандан кейин унинг васиятига биноан Қўқонда “Ҳоким Ойим” мадрасасини курдириши ва бу мадраса вақфига Шаҳрихон дарёсидан ариқ қаздирганлиги ҳам юқоридаги фикрларимизни асослайди. Улуғнахр деб номланган ушбу ариқнинг қазилишидан мақсад Асака мавзесининг юқорисида чархпалак ёрдамида қирларга сув олиб чиқиш бўлган. Мазкур ариқни қазитиш халқнинг текин хизмати эвазига амалга оширилган.¹³²

Худоёрхон топириғи билан Улуғнор (Улуғнахр) ариғининг қазилиши Асака атрофидаги бепоён ерларни ўзлаштириш имконини берган. Сунъий суғоришнинг ривожлантирилиши деҳқончиликнинг ва умуман водийда ишлаб чиқариш кучларнинг ўсишига олиб келган. Фарғона водийсида ерларнинг кўпи давлатнинг ихтиёрида бўлган, унинг муайян қисмигагина хусусий кишилар эгаллик қилган. Булардан ташқари вақф ерлари мавжуд эди. Худоёрхон ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлиги 15 та бекликка бўлинган бўлиб, бу бекликларни унинг ўғиллари ва қариндошлари деярли мустақил тарзда бошқарганлар. Улар хоннинг хазинасига маълум миқдорда маблағ тўлар эдилар, холос. Тошкент ва Хўжанд руслар қўлига ўтгандан сўнг,¹³³ Қўқон хонларининг мулки фақат Сирдарёнинг юқори оқимида жойлашган Фарғона водийсидан иборат бўлиб қолади. Унинг аҳолиси атиги 700 минг киши бўлиб, асосан ўзбеклар,

¹³² Мухаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Т., 1999. Б. 79.

¹³³ 1865 йил 17 июнда Тошкент генерал Черняев қўшини томонидан босиб олинган.

сартлар ва қирғизлар (қора қирғизлар ёки ёввойи тоғли қирғизлар) дан иборат эди.¹³⁴

Фарғона водийсининг ерлари ўзининг унумдорлиги билан донг таратганлиги маълум. Пахта, ғалла, шоли, турли мевали дарахтлар бу ерда энг юқори ҳосил берган. Буни “Туркестанский сборник”да келтирилган қўйидаги фактлардан ҳам билиб олиш мумкин. Тўпламда ёзилишича, “Хонликнинг 700 минг аҳолиси узлуксиз қўзғолон ва тартибсизликлар шароитида ҳам хон хазинасига 800 минг сўм пул ва 8 миллион пуд ғалла берарди. Бундан ташқари маҳаллий беклар ва солиқ йиғувчилар ҳам халқдан катта миқдорда турли улпонлар ундириб олганлар”.¹³⁵

Бу даврда Қўқон хонлигидага ер эгалиги деярли ўзгармасдан қолган. Ер ва сув ҳукмрон табақа мулки ҳисобланиб, ерга эгаликнинг 4 тури мавжуд бўлган: хирож ерлар – ер эгаларининг хусусий ерлари; давлат ёки амлок ерлари – хонга қарашли ерлар, ўрмонлар, тўқайлар, йўллар, кўприклар; хусусий ерлар – хоннинг махсус фармойиши билан йирик амалдорларга берилган ерлар; вақф ерлари – диний муассасаларга, яъни масжид, мадраса, мазорларга қарашли ерлардир. Бундан ташқари яна қишлоқ жамоасига қарашли бўлган ерлар, адирлар ва кўллар бўлиб, ундан аҳоли умумий тенг улушда фойдаланганлар.¹³⁶

Амлок хон ихтиёридаги ерлар бўлиб, “замини хос” деб ҳам аталган. Бу ердан келадиган барча даромад хоннинг хазинасига келиб тушган. Бундай ерлар хон томонидан айрим гуруҳ ва шахсларга берилган. Унга эгалик қилганлар ерни ўзлари сўғориб, олинган солиқдан хонга солиқ тўлаганлар.¹³⁷

Ерга эгаликда мулк, ижара, урғу, танхо шакллари ҳам бўлган. Мулк – бойларга қарашли ерлар бўлиб, улар деҳқонларга ижарага берилаган. Ижара – муайян шартлар эвазига бериладиган барча кўчмас ва кўчадиган

¹³⁴ Туркестанский сборник. Т. 148. С. 100

¹³⁵ Ўша жойда

¹³⁶ Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. Т., 2010. Б. 63 - 64.

¹³⁷ Воҳидов Ш. Ўша асар. Б. 64.

мулк – ер, ариқ, тегирмон, тим, раста, улов ва бошқаларни ўз ичига олади. Урғу эса – мусодара қилиш йўли билан хон мулкига айлантирилган ёки гуноҳкорни қўлга олишда жонбозлик кўрсатган шахсларга бериладиган ер ва бошқа мол-мулклардир. Танхо – ҳукмдор томонидан алоҳида хизматлари эвазига амлок ерлардан баъзиларининг инъом этилиш натижасида пайдо бўлган мулк шакли ҳисобланади. Мазкур ерлардан солиқ йиғиш танхо эгалари – танҳодорларнинг ўз ихтиёрида бўлган.¹³⁸

Рус тадқиқотчиси А.Л.Куннинг 1875 йилда, яъни Худоёрхон ҳукмронлигининг сўнгги йилида, Қўқон хонлигига сафари чоғида ёзиб қолдирган маълумотларига кўра, Қўқон хонлиги географик жиҳатдан уч томондан тоғлар билан ўралган, тўртинчи (ғарб) томонидан эса очик мамлакат бўлган. Тоғлардан оқиб тушадиган дарёлар ва бу дарёлардан сув оладиган каналларнинг кўплиги боис хонлик катта боғга ўхшайди деб тарифлайди тадқиқотчи. Унинг табиати ва ўсимлик дунёси ҳам ғоят ранг-барангдир. Аҳоли асосан тоғ ён бағрида жойлашган, чунки бу ерларда тоғдан тушган сойларнинг сувидан фойдаланиш учун қулай шароитлар мавжуд бўлган.¹³⁹

Сувнинг кўплиги, қуёш нури ва ҳароратнинг мўллиги ва аҳолининг меҳнатсеварлиги боис Қўқон ва унинг атрофидаги унумдор ерлар яхлит обод воҳани ташкил этади. Бу обод воҳанинг тевараги эса чўл, шўрхок ва тўлқинсимон қум уюмларидан иборат эди. Шаҳарга жанубдан яқинлашиб келган, Сариқтол мавзесидан бошланиб Олой тоғларигача чўзилган дашт худудлар бўлган. Бу ерда деярли ҳеч қандай ўсимлик унмаган. Шаҳардан шимоли-шарқий томонда эса шўрхоклар мавжуд бўлиб, ўлар зироатчилик учун мутлоқо яроқсиз бўлган. Аммо яйлов сифатида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланган.¹⁴⁰

¹³⁸ Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. Т., 2010. Б. 64.

¹³⁹ Туркестанский сборник. Т. 150. С. 148

¹⁴⁰ Очерки Коканда // Туркестанский сборник. Т. 458. С. 46

Мана шу каби ўзига хос шарт шароит хонлик хўжалик ҳаётида зироатчиликнинг ривожланиб боришига асос яратган деб ҳисоблаш ўринлидир. Бу соҳада пахта, ипак, тамаки етиштирилиши билан бирга сабзавотчилик ва боғдорчилик ҳам ривожлантирилган. Шунинг учун ҳам Қўқон хонлигида кишини ҳайратлантирадиган ва завқлантирадиган боғлар кўп бўлган. Пахта ва ипак хонлик ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Бу икки маҳсулот қисман Россияга олиб кетилган.

Шу билан бирга Худоёрхон даврининг ўзига хос томонларидан яна бири солиқларнинг кўплиги билан изоҳланади. Бу даврда олинадиган солиқлар халққа жуда оғир бўлиб, улар яна турли хашарларда, айниқса хон ва бойларнинг уй, сарой, далаларида қурилиш иншоотларида бепул ишлаб беришга мажбур қилинган. Маълумотларга қараганда, расмий солиқлар хирож, закот, тарози солиғи, дарёдан ўтиш учун солиқ ва бошқа махсус солиқлардан иборат бўлган. Солиқлар хоссачи ва бекликларга бўлинган. Хоссачи – бу даромад хон хазинасига тушган. Беклик – бу даромад бек хазинасига тушган. Хон хазинасига деярли барча солиқлар келиб тушган, лекин улар асосан Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқлардан йиғилган. Бошқа ерлардан эса хон хазинасига фақат қуйидагилар тушар эди: товар ва хайвонларда йиғиладиган закот; Сирдарё кечувларидан ва туздан олинадиган бож; хоссачи жойлардан олинадиган солиқ; хон маблағига қурилиб, ижарага берилаган дўкон, карвонсарой, омборлардан олинадиган солиқ; тўй маросимларидан йиғиладиган солиқлар.¹⁴¹

Худоёрхон ўз хазинасини бойитиш мақсадида савдо карвонлари, савдогарлар, сотувчи ва ҳаридорлардан олинаётган солиқлар камлик қилгандек, ўз одамлари орқали турли хил айиқ уйинлари, масҳарабозлар чиқишларини ҳам ташкил этган.¹⁴²

Афсуски, солиқ йиғишда Худоёрхон шулар билан чекланмай, янгидан-янги, хатто шариатга хилоф бўлган солиқ турларини ҳам жорий

¹⁴¹ Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Т., 2014. Б. 323.

¹⁴² Арслонзода Р. Россия истилоси ва Худоёрхон // ФДУ хабарлар (илова-тўплам). 2001. Б. 106.

килган. Масалан, “марҳуми мерос” деб аталувчи солиқ тури кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлади. Жорий этилган талабга кўра, вафот этган кишиларнинг ворислари қаторида хазинага ҳам бир кишилик мерос ажратилиши лозим бўлган. Агар ворис бўлмаса, вафот этган кишидан қолган мероснинг ҳаммаси давлат хазинасига ўтказилиши керак эди.¹⁴³ Бу албатта халқнинг кескин норозилигига сабаб бўлади. Хатто Худоёрхоннинг ҳокимиятдан буткул мосуво бўлишига сабаб бўлган Пўлатхон бошчилигидаги кўзғолон иштирокчилари қипчоқ, қирғиз, турк ва тожик раҳбарларининг асосий эътирози ҳам мана шу “марҳуми мерос” солиғининг жорий этилишидан эди.¹⁴⁴

Таъкидлаш жоизки, Худоёрхон замонида деҳқончиликнинг ўсишига монанд равишда ҳунармандчилик ҳам кенг қулоқ ёйган. Айниқса, тўқимачилик, кўнчилик, кулолчилик, тикувчилик, бўёқчилик, мисгарлик, темирчилик, дурадгорлик ва ҳунармандчиликнинг бошқа турлари ривожланган. Улар фақат ички эҳтиёж учун эмас, балки ташқи бозор учун ҳам турли-туман нафис маҳсулотларни ишлаб чиқарганлар.

В.П.Наливкинини маълумотига қараганда, бир кунда темирчи - 20 тийиндан 40 тийингача, бўёқчи - 40 тийиндан 60 тийингача, ип-газламалар тўқувчи – 15 тийиндан 30 тийингача, ипак газламалар тўқувчи - 20 тийиндан 40 тийингача, чармдўз – 40 тийиндан 70 тийингача, дурадгор ва сувоқчи – 50 тийиндан 1 сўмгача, жувозкаш – 15 тийиндан 30 тийингача соф даромад олган. Бу даромадларнинг қийматини билиш учун бир дона кўйни 2 сўмга сотиб олиш мумкинлигини таққослаб кўриш қийин эмас.¹⁴⁵ Ҳунарманд-косибчилик, пахтачилик, ипакчилик (пиллакашлик), чорвачилик ва шу кабилар Кўқон хонлигида нисбатан яхши ўринга кўйилган эди. Булардан ташқари хонликда қазиб олинаётган ер ости бойлиги ҳам маълум даражада таъсир этган. Аммо уларни ишлаб чиқариш

¹⁴³ Юсупов Ш. Худоёрхон // Жаннатмакон. 2009. феврал. Б. 34.

¹⁴⁴ Мирзоолим Мушриф. Ансоби ус-салотин таворих ул-хавоқин. Т., 1995. Б. 85.

¹⁴⁵ Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Т., 2014. Б. 321.

шунчалик содда ва кам эдики, улар эҳтиёжни қондира олмас эди. Масалан, хонликда ишлаб чиқарилган металл Россиядан олиб келинган металлга нисбатан қимматга тушарди.¹⁴⁶ Ҳунармандчилик техникаси қолоқ, оддий ва унда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг миқдори аҳоли эҳтиёжини етарли даражада қондира олмаган. Қўқон Марғилон ва Наманган шаҳарларида ип ва ипак матолар (атлас, шойи, беқасам, адрас, чит, бўз ва б.) тўқилган. Шунингдек, бошқа хунармандчилик тармоқларида хўжалик асбоблари, деҳқончилик учун керакли ускуналар, қурол-яроғлар, заргарлик буюмлари, қоғоз ва бошқа нарсалар ишлаб чиқарилган. Қўқон хонлигида ишлаб чиқарилаган маҳсулотлар чет элларга ҳам олиб чиқилар ва уларга талаб ҳам бор эди. Шунинг учун бу соҳалар маълум даражада ривожланиб борган.

Афсуски, Худоёрхон хукмронлигининг учинчи даврида ташқи савдода Россия монополияси қўқонлик хунармандларни қийин аҳволга солиб қўйган. Чунки Тошкент орқали Россиядан Қўқонга чит, темир, жез, қозонлар, самоворлар, сандиқлар, қанд-шакар ва баққоллик маҳсулотларининг олиб келинганлиги Қўқон хонлигидаги қўл меҳнати асосида ишловчи хунармандларнинг маҳсулотига бўлган талабнинг камайишига, бу эса маҳаллий хунармандларнинг хонавайрон бўлишига олиб келган, дейишимиз мумкин.

Қўқон хонлигига сафар қилган рус сайёҳ, элчи ва савдогарлари томонидан тўпланган маълумотлар асосида яратилган “Туркестанский сборник”нинг 458-жилдида “Қўқон очерклари” номли катта мақола берилган. Унда ёзилишича, хонликнинг пойтахти сифатида барпо этилган Қўқон шаҳри жуда қулай жойда қурилган. Шаҳар шарқий ва ғарбий Туркистонни бирлаштирган карвон йўлида жойлашган.¹⁴⁷

Қўқон хонлигида савдо-сотик катта ва муҳим ўрин эгаллаган. У ички ва ташқи савдога бўлинган. Хонликларда ички савдода асосан қадимги

¹⁴⁶ Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Т., 2014. Б. 321.

¹⁴⁷ Очерки Коканда // Туркестанский сборник. Т. 458. С. 45

даврдан бери ўзаро кўчманчи чорвадор, ўтроқ деҳқонлар ва шаҳар-қишлоқ хунармандлари маҳсулотларига асосланган эди. Аҳоли ўзининг эҳтиёжларини асосан ўз ҳудудидаги маҳсулотлар билан қондиришган. Камбағал кўчманчилар асосан ўзининг чорвачилик маҳсулотларидан фойдаланганлар, ўзлари тўнларини, оёқ кийимларини ҳам тайёрлар эдилар. Деҳқонлар ҳам ўзларини ўзлари маҳсулотлар билан таъминлашлари мумкин эди. Шаҳар ва қишлоқ хунармандлари юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб асосан четга ва ўзларининг бой аҳолисига ва талабгорларга сотар эдилар. Кўп хунармандларнинг боғ ва полизлари, айримларининг далалари ҳам бўлиб, ўзлари қўшимча сабзавот, мева ва ғалла ҳосилини олиш имкониятлари ҳам бор эди. Касбнинг ихтисослаштирилиши эса бошқа соҳага вақт ажратишга имконият қолдирмасди ва бозорда ўз маҳсулотларини сотиб, ўзларига керакли буюм ва озиқ-овқат сотиб олиш имконини берарди. Шунинг учун ҳам бозорларда кундалик эҳтиёж маҳсулотлари кўпроқ сотилганлигини эътироф этишимиз мумкин.

Қўқон бозори ҳафтада уч кун ишларди: якшанба, чоршанба ва паншанба кунлари. Бу кунлари Қўқон ва атрофдаги шаҳар ва қишлоқлардан кўп миқдорда турли хил буюм ва маҳсулотлар келтирилган.¹⁴⁸

Географик жиҳатдан қулай жойда жойлашганлиги сабабли Қўқон Ўрта Осиёнинг муҳим савдо марказларидан бирига айланган. Қўқон бозори жуда катта бўлиб, Бухоро бозоридан кейин Ўрта Осиёда иккинчи ўринда турган. XIX асрнинг 60-йилларида шаҳарда Худоёрхон 500 дўкондан иборат йирик бозор қурдирган. Ҳар бир дўкон йилига 5 тиллодан 10 тиллогача хон хазинасига даромад келтирган.¹⁴⁹

¹⁴⁸ Ҳошимов У., Маманазарова М. Ўзбекистонда савдо маносабатлари ва тадбиркорлик тарихи. Фарғона. 2011. Б. 77.

¹⁴⁹ Мадраҳимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари. Тарих фан. ном. дисс, автореферати. Т., 2009. Б. 22.

Қўқон, Андижон, Марғилон, Ўш, Хўжанд Худоёрхон даврида хонликнинг Фарғона водийсидаги йирик шаҳарлари ҳисобланган. Жумладан, Марғилон ташқи савдода катта даромад келтирадиган ипак ва ярим ипак матолари билан савдо қилинадиган бозори билан машхур бўлган. Худоёрхоннинг сўнгги ҳукмронлик даврида (1865-1875) Марғилон бозорларида 2246 та дўкон бўлган. Хонликда ўзининг бозорлари билан машхур бўлган марказлардан яна бири Андижон эди. Бу ерда Бухоро, Хўжанд, Қўқондан келган савдогарларни кўплаб учратиш мумкин эди. Шаҳар марказида жойлашган бозорда XIX асрнинг 70-йилларида 1000 дан ортиқ дўкон мавжуд бўлган.¹⁵⁰

Хонликда шаклланган савдо инфраструктурасининг муҳим қисмларидан бири карвонсаройлар ҳисобланган. Улар турли ҳудудлардан келган савдогарларнинг яшаши, савдо қилиши, юк ва уловларни сақлаши учун махсус қурилган иншоотлар эди. Карвонсаройларнинг катта қисми хонлик пойтахти Қўқонда жойлашган бўлиб, XIX аср ўрталарида уларнинг сони 9 та бўлган бўлса, Худоёрхоннинг учинчи ҳукмронлик даврида эса катта ва бир нечта кичик карвонсаройларни қўшиб ҳисоблаганда, 15 тага етган. Тошкент ҳам карвонсаройлари билан машхур эди. 1852 йил бахорида Тошкентда бўлган рус савдогари С.Я.Ключаров, шаҳарда 15 та карвонсарой борлигини ёзиб қолдирган бўлса, А.Н.Тетеревников XIX асрнинг 60-йилларида 16 та карвонсарой борлигини қайд эган. Йирик иқтисодий марказлардан бири бўлган Наманган марказидаги катта бозорда Беги, Дебгиз ва Мавлави номли 3 та карвонсарой фаолият кўрсатган. Марғилонда эса 8 та карвонсарой, Хўжандда 5 та карвонсарой бўлган.¹⁵¹

Худоёрхон ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлиги ташқи савдо йўналишлари кенгайиб, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги қатори Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Россия, қозоқ даштлари, Қошғар, Хитой,

¹⁵⁰ Мадраҳимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари. Тарих фан. ном. дисс, автореферати. Т., 2009. Б. 23.

¹⁵¹ Ўша жойда.

Туркия ва араб мамлакатлари билан олиб борилаган анъанавий бевосита ва билвосита савдо алоқалари ривожланиб борган.

Хонликнинг ташқи савдо алоқаларида муҳим ўринга эга мамлакатлардан бири Ҳиндистон эди. Бу мамлакатга Қўқондан асосан хом ипак, ипак ва ярим ипак матолар, қуритилган мевалар, **рўян**, эчки момиғи жўнатилган. Ҳиндистондан Қўқон хонлигига атторлик буюмлари, доривор гиёҳлар, “муслин” деб номланувчи юпқа мато, Банорас кимхоби, Кашмир рўмоллари, ҳинд парчалари, ип-газламалар, чопон, белбоғ, диний характердаги китоблар, индиго (нил), мурч, зираворлар, шакар, гуруч, шинни, қимматбаҳо тош, чой ва инглиз моллари – сурп, саллалик ва кийимлик дока, чит, қурол-яроқ ва бошқа буюмлар келтирилган. Бу мамлакатдан келадиган молларнинг катта қисмини чой ташкил этган. Хонликка Ҳиндистондан Кобул орқали 1872-йил январдан 1874-йил декабр гача бўлган 25 ой ичида 559720 фунт¹⁵² миқдорида чой келтирилган. Шу муддатда Ҳиндистондан келтирилган хар бир қоп чой ўртача 50 тиллога баҳоланиб, бир қопда 4 пуд чой бўлган.¹⁵³

XIX асрнинг 60-йиллари ўрталарида хонликдан йилига Бухоро амирлиги, Афғонистон ва Ҳиндистонга 200 минг рубллик мол чиқарилган. Улар орасида 8000 пуд ипак ҳам бўлган.

Қўқон хонлиги Афғонистон билан ҳам фаол савдо алоқаларини ўрнатган. Хонликнинг Афғонистонга экспорт қилувчи асосий маҳсулоти ипак ҳисобланган. Ҳиндистонда бўлган европалик сайёҳлар маълумотига кўра, XIX асрнинг 50-йилларида Ҳиротдан Шикорпурга олий навли “Қўқон ипаги” олиб келинган бўлиб, Кобулда ҳам энг сифатли ипак “Қўқон ипаги” номи билан таниқли бўлган. Афғонистондан Қўқон хонлигига Бухоро орқали афғон қиличи, ханжари, тўн ва саллалари, гиламлар, доривор гиёҳлар, қўй, тулки мўйналари, жун газлама, бузгундж

¹⁵² Фунт – оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, XIX асрда 1/40 пудга, 400,12 грамга тенг бўлган. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., 9 – том. 2005. Б. 340

¹⁵³ Мадраҳимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари. Тарих фан. ном. дисс, автореферати. Т., 2009. Б. 18.

бўёғи, Бухоро қоракўлидан фарқ қилувчи қоракўл териси ва ҳинд, инглиз, форс моллари келтирилган.¹⁵⁴

Хонлик араб мамлакатлари ва Туркия шаҳарлари билан муайян савдо алоқалари олиб борган. Бу жараёнда ҳар йили Макка ва Мадина зиёратига отланган хожилар ҳам муҳим роль ўйнаганлар. Тошкент божхонаси маълумотларига кўра, 1871 йил июнь ойида Қўқондан Тошкент орқали Макка ва Мадинага 400 дона ипак рўмол, 1872 йил май-август ойларида эса Маккага 23 минг 545 руб. 50 коп. лик мол жўнатилган. Машҳур Марғилон ипак газламалари, рўмоллар, курпа ва хонликнинг бошқа маҳсулотлари Туркия бозорларида ҳам ўз харидорига эга бўлган.¹⁵⁵

Худоёрхон даврида Қўқон – Бухоро муносабатлари турлича бўлишига қарамай, савдо алоқалари доимий олиб борилган. Бунинг асосий сабаби шунда деб уйлаймизки, Бухоронинг Шарқий Туркистон билан савдо муносабатлари ва Хитой молларига бўлган талаби Қўқон савдогарлари орқали қондирилган бўлса, Қўқон бозорига Ҳиндистон, Афғонистондан олиб келинадиган маҳсулотларда бухоролик савдогарларнинг ўрни катта бўлган.

Одатда Бухородан Қўқонга бўёқ, ип газлама, шу жумладан Машҳаддан олиб келинадиган инглиз матолари келтирилиб, бу товарлар маҳаллий савдогарларга 12-13 ойга қарзга берилган. Бухоро бозорига эса кўқонликлар рус темири, чўян ва пўлатдан ясалган буюмлар, гуруч, тамаки, рўмол, ипак газламалари, чой, чинни идишлар олиб боришар эди. Бухородан Қўқонга карвон 20-22 кунда етиб келар эди. Юк ташувчи туя учун 2-3 тилло тўланган.¹⁵⁶

Худоёрхоннинг сўнгги хукмронлик йилларида, яъни XIX асрнинг 70-йиллари бошларидаги маълумотга кўра, Қўқон закотсаройига энг кўп даромад Бухородан келган савдо карвонларидан тушган. XIX асрнинг 60-

¹⁵⁴ Мадраҳимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари. Тарих фан. ном. дисс, автореферати. Т., 2009. Б. 19.

¹⁵⁵ Ўша жойда.

¹⁵⁶ Ҳошимов У., Маманазарова М. Ўша асар. Б. 79.

йиллари иккинчи ярмида йилига Бухородан Қўқон хонлигига 7500 туяда мол келтирилган.

Бу вақтда Қўқон хонлиги юқори даражада бўлмасада, Хива хонлиги билан ҳам муайян савдо алоқаларини олиб борган. Бунда Бухоро бозорлари ва бу давлат худудидан ўтган карвон йўллари муҳим ўрин эгаллаган. Хива хонлигида Қўқон ипаги ва ипак газламаларига талаб катта бўлган. Хусусан, Хива бозорларида Қўқон шойиси юқори баҳоланган. Машхур Қўқон қоғози Ўрта Осиёнинг турли худудлари каби, Хива хонлигигача олиб борилган. Қўқон хонлигига Хивадан оз миқдорда чопон, бўз, пўстин, от, туя, хўкиз терилари, ярим ипак мато, гилам, арғумоқ отлар ва Машҳад орқали келтирилган инглиз чити олиб келинган.¹⁵⁷

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Россия Қўқон хонлигининг асосий савдо шериги бўлиб қолди. Қўқондан бошланадиган икки савдо йўлининг бири Тошкент-Туркистон йўли бўлиб, у Туркистонда учга бўлинар эди. Биттаси Орскга, иккинчиси Троицкка, учинчиси Тобольскга борар эди. Бошқа савдо йўли эса Самарқанд, Бухоро, Хива орқали Актюбинскга елтар эди. Бу йўллар Қўқоннинг Россия билан пухта савдо алоқасини таъминлаган. Россия савдогарлари Қўқонга мовут, духоба, пўлат, темир, чуян, қозон, шиша буюмлар, аёллар безаклари, мис асбоблар, идишлар келтирар эдилар. Ўз навбатида Қўқон хонлиги савдо ва иқтисодий жиҳатдан Россия учун муҳим аҳамият касб этган. XIX аср бошларида Россия тўқимачилик фабрикаларининг ташкил этилиши, улар учун зарур бўлган хом ашё маҳсулотларини яратиш масаласи кўндаланг бўлди. Бундан ташқари хонликда тайёрланган қалин газлама ва каноп савдоси Россия бозорида жўда чаққон бўлиб, шахсий истеъмолга ва рус армиясининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга кўплаб ишлатилар эди.¹⁵⁸

¹⁵⁷ Мадраҳимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари. Тарих фан. ном. дисс, автореферати. Т., 2009. Б. 20.

¹⁵⁸ Ҳошимов У., Маманазарова М. Ўша асар. Б. 81.

Худоёрхоннинг дастлабки хукмронлик йилларида Нижегород ярмаркаси икки давлат ўртасидаги савдо муносабатларида муҳим роль ўйнаган. 40-50 йилларда хонлик савдогарлари бу ярмаркадан ташқари ҳар йили 5 декабрдан 25 январгача давом этадиган Обдорский ярмаркасида, Москва ва бошқа марказий шаҳарларда ҳам савдо-сотик ишларини олиб борганлар.¹⁵⁹

Россиянинг Қошғар билан савдоси Қўқон орқали амалга оширилар эди. Юклар асосан отлар ёрдамида олиб борилган. Уларнинг ҳар бирига 8 пуд юк юклатилган. Ҳар бир от учун 2-4 тиллогача йўл харажати тўланган. Қошғарга рус саноати моллари олиб борилиб, у ердан Қўқонга намат, қумуш қуймаси, чинни буюмлар, Хитой матолари, шунингдек, кўкнор ва наша олиб келинган. Эътиборга лойиқ фактлардан бири шуки, Қошғар билан савдода нафақат маҳаллий савдогарлар, балки рус тужжорлари ҳам иштирок этганлар. “Туркестанский сборник”да хабар берилишича, Қўқон хони Худоёрхоннинг рухсати билан рус савдогари Никитин Ўш вилояти орқали Қошғарга ўз савдо карвони билан борган. Қошғарда уни Еттишаҳар хукмдори Ёқуббек Бадавлат шахсан қабул қилган.¹⁶⁰

Бу маълумот рус савдогарларининг Қошғар билан савдо муносабатларида Қўқон савдогарларининг муҳим воситачи бўлганликларини билдиради. Ҳатто бу ишга Қўқон хонлари ҳам, жумладан Худоёрхоннинг ҳам аралашиб турганлигини кўрамыз.

¹⁵⁹ Ўша асар. Б. 83.

¹⁶⁰ Путешествие в Джитишар Никитина // Туркестанский сборник. Т. 118. С. 340

3.2. Худоёрхон ва Қўқон хонлигидаги маданий ҳаёт

Қўқон хонлигининг XIX асрда кечган маданий ҳаётида ҳам ижобий ўзгаришлар ва силжишлар юз бериб борганлиги аёндыр. Бу борада айниқса тарихнавислик сезиларли равишда ўсиб борганлигини кўрамиз. Олдинлари ёзилган бир неча тарихий асарлар форс ва араб тилларидан ўзбек тилига таржима қилинди ва Қўқон хонлигига оид янги китоблар ёзилди. Умуман олганда, Худоёрхон даврига келиб, Қўқон хонлигида адабиёт ва тарихшунослик билан бир қаторда математика, тиббиёт, география, астрономияга оид ва диний асарлар ҳам яратилди. Хонликда бинокорлик ишлари ҳам ўз ўрнига эга эди.

Меъморчилик. Ғоят мураккаб ва қийин ижтимоий-сиёсий давр бўлишига қарамай Худоёрхон замонида ҳам ҳашаматли ўрдалар, саройлар, мадраса ва масжидлар бино қилинган. Булардан энг ҳашаматли ва кўрками Қўқон шаҳридаги Худоёрхон Ўрдасидир. Ўрда 1863 йилда қурила бошланиб, **1873 йил тугалланади.**

Ўрданинг умумий тархи тўғри бурчак шаклида. Бино ердан анча кўтарилган ғишт пойдевор устига жойлашган бўлиб, бурчаклари буржлар билан мустаҳкамланган. Олдинги фасади кошинлар билан безатилган. Маҳобатли пештоқдан ичкарига кирилади. Пештоққа эса қия сатх (пандус) дан чиқилади. Пештоқнинг икки ёнида ҳам бурж бор. Хоналарнинг деворлари ганч ўймакорлиги, устун, эшик ва дарвозалар эса ёғоч ўймакорлигининг юксак наъмуналари билан безатилган. Ўрда 4 гектарга яқин тўғри бурчакли майдонни эгаллайди ва кўп ҳовлили композицияни ташкил этади. Дарвозахонаси пештоқига араб имлосида йирик ҳарфлар билан “Арки олий Саид Муҳаммад Худоёрхон” сўзлари ёзилган.¹⁶¹

Ўрданинг олд томонида боғлар ва ҳарбий аслаҳахоналар қуршаб турган, баланд девор билан ўралган алоҳида майдон бўлган. 100 га яқин хоналардан ташкил топган ўрданинг биринчи ярми – ташқи қисми атрофи

¹⁶¹ Азимов И. Фарғона водийси архитектура ёдгорликлари. Т., 1986. Б. 21.

айвондан иборат ҳовли бўлиб, унда қабул учун зал, хазина, масжид жойлашган. Марказий қисмида эса қабулхона учун кичик зал (саломхона), хон яшайдиган бинолар ҳамда ҳўжалик бинолари қурилган. Ўрданинг иккинчи қисмини ҳовли саҳнлари билан боғланиб кетган ҳарам эгаллаган.¹⁶²

Ўрда қурилишида риштонлик кулол уста Абдуллонинг хизматлари таҳсинга лойиқдир. У Ўрда пештоқи ва олд фасадларини беаб турган сопоп кошинларни тайёрлашни ўз шогирдлари билан бажарган.¹⁶³ Мана шу кошинлар минг-минглаб сайёҳларни лол қолдирган, завқлантирган. 1880 йилда Қўқонда бўлган рус ёзувчиси Е.Марков Ўрдани “Ажаб нақшлар, ранго-ранг кошинлар, жимжимадор арабий ёзувлар уйғунлашган, бутун Осиёга машҳур кошона” деб тарифлагани ҳам бежиз эмас.¹⁶⁴

Нақшларни қўқонлик машҳур усталардан Марасул, Муҳаммад Солиҳ, Ҳакимжон Холмат ўғли ва бошқалар ишлаганлар. Бундан ташқари уста Зокир, уста Фозилхўжа, мулла Суяркул, уста Жамол ва бошқалар ҳам ўрда қурилишида бевосида иштирок этганлар. Пештоқидаги жали қалам билан ёзилган икки турли хат бу улуғвор бинога зийнат бериб туради. Унинг чап томонидаги настаълиқ билан ёзилган хат Мирзо Мир Маҳмуд Бухорий қаламига мансубдир. Ўнг томонидаги хат эса Турди Алиниқидир. У Қўқоннинг шимолида Тули қишлоғида тўғилган. Норбўтабек мадрасасида таҳсил кўрган.¹⁶⁵ Ўрданинг ички томонидаги айвон деворига ёзилган катта хат остада “Фақир Турди Али” деб ёзилган ёзув уни ўрдани безаш ишларида фаол қатнашганлигидан далолат беради.

Шу билан бирга Худоёрхоннинг пойтахт Қўқон шаҳрининг ободлигига алоҳида эътиборли бўлганлигини, ўзидан олдинги хонларнинг бунёдкорлик ишларини асраб-авайлаш билан бирга, ўзи ҳам бу ишларни давом эттирганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Тарихчи Мирзоолим

¹⁶² Азимов И. Фарғона водийси архитектура ёдгорликлари. Т., 1986. Б. 22.

¹⁶³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси 1 - том Т., 2000. Б. 263.

¹⁶⁴ Эгамбердиев А. Зеб ичра зийнат // Фан ва турмуш. 1991. № 11. Б. 24

¹⁶⁵ Ўша жойда.

Мушрифнинг юқорида номи зикр этилган асарини ўқир эканмиз, унда келтирилган қуйидаги сўзлар фикримизни исботлайди. Яъни Худоёрхон жума намозини адо этиш учун Умархон замонида қурилган жомеъ масжидига боради. Масжид биносига шикаст етганини кўрган хон уша заҳоти уста ва наққошларни чақиртириб масжидни таъмирлашни буюради. Икки йиллик вақфларнинг сарфи билан масжид зиёратгоҳ даражасига кўтарилади.¹⁶⁶

Бундан ташқари, юқорида таъкидлаганимиздек, Худоёрхон 1869 йил Қўқонда онаси шарафига мадраса қурдирган. “Ҳоким Ойим” номи билан танилган мазкур даргоҳда 105 та хужра бўлиб, ўларда 182 нафар талаба таҳсил оларди. Шунингдек, 1872 йилда унинг фармони билан “Султон Муродбек мадрасаси” қуриб битказилади. Унинг 100 хужраси бўлиб, уларда 200 нафар талаба ўқиган.

Худоёрхон ҳукмронлик йилларида аҳолининг умргузаронлиги, турмуш фаровонлигига хизмат қилувчи кўпгина бошқа қурилишлар ҳам амалган оширилган. Чимён, Водил, Аввал, Олтиариқ, Қоратегин, Шоҳобод, Чуст, Асака ва бошқа жойларда муаззам мадрасалар, қалъа, карвонсарой, бозор расталари, ҳаммом, дўкон, устахона, тегирмон, обжувоз сингари иншоотлар бунёд этилишига ҳам ҳомийлик қилган.

Халқ таълими. Қўқон хонлигининг барча беклик (вилоят)ларида мадраса, мактаб ва қорихоналар мавжуд эди. Мадрасалар мусулмон олий ўқув юртлари ҳисобланган. Мактаблар масжидлар ва хусусий уйларда ташкил этилган. Хонлар ўрдасида хонзода ва зодагонларнинг болаларини ўқитиш учун махсус мактаб бор эди. Масалан, «Ансоб ас-салотин ва таворихи ал-ҳавоқин» номли асарда ёзилишича, Мусулмонқул мингбошининг буйруғи билан ёш Худоёрхон ва қипчоқлар болаларини ўқитиш учун ўрдада мактаб қурилиб, унга мактабдор этиб Мулло Содик тайинланган. Одатда, мактабларда асосан ўқиш ва ёзиш, арифметика ва

¹⁶⁶ Мирзоолим Мушриф. Ансоб ус-салотин таворих ул-хавоқин. Т., 1995. Б. 57.

адабиёт ўқитилар эди. Қорихоналарда эса асосан кўзи ожизлар ўқиб, Қуръон, ҳадис, дoston ва шеър у ғазаллар ёдлар эдилар. Мактаблар кизлар учун алоҳида, ўғил болалар учун алоҳида бўлган.

Худоёрхон даврида Қўқон хонлиги беклик (вилоят)ларидаги мактабхоналар, қорихоналар ва улардаги ўқувчилар сони таҳлилини куйидаги жадвалда кўрамиз:¹⁶⁷

№	Шаҳар номи	Мактабхона	Ўқувчилар сони	Қорихоналар	Ўқувчилар сони
1	Марғилон беклигида	433	7340	21	395
2	Андижон беклигида	428	6756	44	320
3	Наманган беклигида	371	7121	50	305
4	Қўқон беклигида	301	4210	106	604
5	Ўш беклигида	176	2851	14	76
	Жами:	1709	28288	235	1699

Шунингдек, Марғилон, Қўқон ва Андижон бекликларида 6 та яҳудийлар мактаби бўлиб, уларда 220 ўқувчи бўлган.¹⁶⁸

Бундан кўринадики, Худоёрхон даврида хонликнинг деярли барча худудларида мактабхона ва қорихоналар мавжуд бўлган. Биргина Марғилон беклиги Риштон қишлоғидаги бугунги кунга қадар сақланиб қолган Қорихонада **ўндан ортик** хужраси бўлган. Ҳар бир хужрада икки нафардан ўқувчи яшаб, ўқиши учун жой бўлиб, қишда иситиш учун ўчоқ

¹⁶⁷ Қўқон ўлкашунослик музейи, архив, инв. № 995 НВ. Б. 116.

¹⁶⁸ Ўша жойда.

ўрни ҳам бўлган. Уларда таълим олган ўқувчилар ўз илмини мустаҳкамлаш учун мадрасаларда ўқишни давом эттирганлар.¹⁶⁹

Худоёрхон даврида Қўқонда барпо этилган мадрасалар, қурилган йили, мадрасани қурдирган шахс, меъмори ва бугунги кунда Қўқондаги ўрни ҳақида қуйидаги жадвал орқали билиб олишимиз мумкин.¹⁷⁰

№	Номи	Қурилган йили		Асосчиси (қурдирган шахс) ва меъмори	Манзили
		Ҳижрий	Милодий		
1	Мадрасаи Олий	1263	1846	Сайид Муҳаммад Худоёрхон	Чорсу
2	Ҳаким халифа	1265	1849	Мулла Ҳаким халифа	Боймаҳалла
3	Муҳаммад Шарифбой	1271	1855	Муҳаммад Шарифбой	-
4	Ҳарифона	1274	1857	Мулла Абулқосим Маҳсум	Ўрда яқинида
5	Хомтаъма	1275	1858	Худоёрхон	Чорсу яқинида
6	Ҳокимойим	1286	1869	Жарқин ойим – Худоёрхоннинг онаси	Чорсу
7	Султонмуродбек	1289	1872	Султонмуродбек Шералихон ўғли	Чорсу
8	Муҳаммад Олимхон	1289	1872	Миролим Нормуҳаммад ўғли	Чорсу
9	Халифа Олтмиш	1289	1872	Халифа Олтмиш Муҳаммад ўғли	-

¹⁶⁹ Расулов А. Риштон меморий ёдгорликлари тарихи // Фарғона тамаддуни. 2014. феврал.

¹⁷⁰ Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. Т., 2010. Б. 99.

1841 йилги маълумотларга қараганда, Қўқон шаҳридаги мадрасада 1000 та муллавачча ўқиган. Бу мадрасани иккита бош мударрис бошқарган: Эшон Мавлоний ва Маҳзуми Бухорий. Булар хурматли инсонлар бўлиб, катта илмга эга бўлганлар.¹⁷¹

Ўсмирлар 13-14 ёшдан мадрасада ўқий бошлаганлар. Ўқиш муддати 15-20 йил бўлиб, мадраса таълими аниқ бир йўналиш ва режа асосида олиб борилмаган. Мадрасада талабаларга 137 дан ортиқ ўқув фани ёки китоблар ўқитилган. Фанлардан Қуръон қироати илми, “Калом илми”, “Ҳадис илми”, “Фикҳ илми”, “Пайғамбарлар тарихи”, фалсафа, араб тили грамматикаси, мантиқ, нотиклик илми, ислом қоидалари, мерос ва бойлик тақсимоти, савдо-сотик муносабатлари учун “Фароиз илми”, назм ва насрда битилган асарлар ўқитилган.¹⁷²

Мадрасаларда дунёвий билимлар деярли ўқитилмаган бўлсада, унда аниқ фанлардан риёзиёт, табиий фанлардан нужум илми, география, ижтимоий фанлардан тарих, фалсафа, мантиқ илмлари, гуманитар фанлардан араб тили, баён ўқитилган.¹⁷³

Худоёрхон ҳокимиятдан кетиш арафасида Қўқон хонлигидаги мадрасалар, улардаги талабалар сони таҳлили:¹⁷⁴

	Бекликлар					Жами:
	Марғилон	Қўқон	Наманган	Андижон	Ўш	
Мадрасалар сони	57	45	40	30	10	182
Талабалар сони	838	6929	1324	996	304	10391

Кўриниб турибдики, хонликнинг йирик бешта беклигида 182 мадраса, яъни олий таълим муассасаси бўлиб, уларда 10391 нафар

¹⁷¹ Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Т., 2014. Б. 326.

¹⁷² Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. Т., 2010. Б. 110.

¹⁷³ Ўша жойда.

¹⁷⁴ Қўқон ўлкашунослик музейи, архив, инв. № 995 НВ. Б. 116.

талабалар диний билимлар олганлар. Қўқон беклигида мадрасалар сони Марғилон беклигига нисбатан кўпроқ бўлган. Шунинг учун ҳам Марғилон бу вақтда маданий марказлардан бири ҳисобланган. Қўқон хонлигининг бошқа шаҳарларида ҳам мадрасалар бор эди. Ўқишни битирганларнинг айримлари билимини такомиллаштириш ва ошириш учун Бухоро ва Самарқанд мадрасаларига бориб ўқишар эди. Мадрасаларда билим олиш мумкинлиги, бу ерда ҳам диний, ҳам илмий фанлар бўйича дунёга танилган мударрислар, олимлар бор бўлганлиги учун ҳам бу ерга турли мамлакатлардан кўплаб талабалар келиб ўқишган.¹⁷⁵

Худоёрхон даврида Қўқон хонлигидаги беклик (вилоят)лар ва йирик шаҳарлардаги масжидлар сони тегишли равишда қуйидагича бўлган:¹⁷⁶

№	Шаҳарлар	Масжид сони	Бекликлар	Масжид сони
1	Марғилон	243	Марғилон	1494
2	Қўқон	247	Қўқон	1590
3	Наманган	337	Наманган	904
4	Чуст	84	-	-
5	Андижон	213	Андижон	709
6	Ўш	111	Ўш уездида	221
Жами:		1235		4918
Умумий		6153		

Жадвалдан шу нарса маълум бўладики, 1875 йил ҳолатига хонликнинг йирик шаҳарларида 1235 та масжид бўлган. Энг кўп масжидлар Наманган шаҳри хиссасига тўғри келган. Шу билан бирга хонликдаги бешта бекликда 4918 та масжид бор эди.

¹⁷⁵ Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Т., 2014. Б. 327.

¹⁷⁶ Қўқон ўлкашунослик музейи, архив, инв. № 995 НВ. Б. 111.

А. Л. Куннинг 1875-1876 йилларидаги маълумотларга қараганда айрим шаҳарлардаги масжид, мактаб ва мадрасалар сони Фарғона водийсига тегишли ҳудудда қуйидагича бўлган:¹⁷⁷

№	Шаҳарлар номи	Масжидлар сони	Мактаблар Сони	Мадрасалар сони
1	Қўқон	300	120	40
2	Марғилон	300	80	10
3	Андижон	200	60	6
4	Наманган	250	100	5
5	Узган	70	20	4
6	Балиқчи	50	10	3
ЖАЪМИ:		1170	390	68

Умуман олганда, Қўқон хонлигининг Фарғона водийси ҳудудида яшайдиган аҳолисининг саводхонлиги 1875 йилга нисбатан 53% га етар эди.¹⁷⁸ Бу эса XIX аср учун, бошқа мамлакатларга нисбатан, анча юқори кўрсаткичдир. Шунинг учун ҳам кўплаб машхур илмли кишилар Қўқондан чиққан дейишимиз мумкин.

Тарихнавислик. Ўрта Осиёда, жумладан Қўқон хонлигида ҳам тарихнавислик, хаттотлик, шоирлик зиёлиларимиз учун оддий ҳол ҳисобланган, улар фақат бир соҳа билан шуғуланмаганлар. Ўз ўтмишини билишни имон-эътиқод деб билган кўплаб ўқимишли кишилар тарих ёки мозий илмини доимо ўрганиб, унга мурожаат қилиб борганлар. Тарихни билмаслик айб, жоҳиллик белгиси эди. Мозийга аён бўлган воқеа ва ҳодисаларни эл-улусга етказишда тарихчиларнинг ҳиссаси катта бўлган. Бу пайтга келиб тарихчиларнинг илмий-ижодий ишлари анча жонланган

¹⁷⁷ Кун А.Л. Некоторые сведения о Ферганской долине. С. 161-170.

¹⁷⁸ Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Т., 2014. Б. 329.

эди. Яратилган янги асарларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор эди — уларнинг айримлари шеърий ёки қисман шеърий йўлда ёзилган. Бу эса қўқонлик тарихчиларнинг адабиётни яхши билибгина қолмай, ўзлари ҳам шеъриятда қалам тебратганликларини кўрсатади. Айримлари эса ўз даврининг машҳур шоирларидан бўлган. Айрим муаллифлар асли қўқонлик бўлишмаса ҳам, аммо кўп вақтлар Қўқон шаҳрида яшаб, шу ерда ўз асарларини ёзганлар. Бунда, даставвал, тарихшунослик соҳасида яратилган бир қатор муҳим асарларни тилга олиб ўтиш жоиздир.

Худоёрхоннинг биринчи хукмронлик даври ниҳоясида тошкентлик тарихчи Муҳаммад Юнус Муҳаммад Амин ўғли Қўқон хонлиги тарихига бағишланган “Хадойқул анвор” асарини ёзган. Мазкур асарда Муҳаммадалихон воқеаси тўла баён қилинган.

Бундан ташқари, 1853 йил Мулло Шавқий (Шамсий) – “Жангномайи Худоёрхон”, 1874 йил “Тарихи Шавқи”, 1853-1854 йиллар Абдулғаффорбой Мунший – “Зафарномаи Худоёрхон”, 1857 йил Имом Али қори Қундузи – “Таворихи манзума”, 1864-1865 йиллар Абу Убайдуллоҳ Муҳаммад “Хулосат ал-аҳвол”, айти шу йиллар Тожир “Ғаройиби сипох”, 1865 йил Бекназар “Амирлашкар жангномаси”, 1868-1869 йиллар Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий “Тарихи жаҳоннамои”, 1872 йилда эса “Тухфат ут-таворихи хони”, 1871 йил Абдулвосеъ Манзурнинг “Тазкирайи султоний”, 1871-1872 йиллар Тўрахўжа ибн Зиёвуддинхўжа Андижонийнинг “Мироти футух” асарлари дунё юзини кўрган.¹⁷⁹

Адабиёт ва саъат. XIX аср бошларида шаклланган Қўқон адабий муҳити Худоёрхон даврида ҳам хонликнинг маданий ҳаётида катта ўрин тутди. Гап шундаки, Қўқон хукмдорларининг қатор намояндалари темурийлар анъанасини давом эттириб, ўзлари ҳам илм-

¹⁷⁹ Мирзо Олим Маҳдум хожи. Тарихи Туркистон. Т., 2009. Б. 217-218.

маърифат билан шуғулланиб, бу соҳанинг равнақ топишига катта саъй-харакат боғлаганлар. Қўқон адабий муҳитининг яна бир муҳим характерли жиҳати шундаки, бу даврда ўзбек ва форс-тожик тилида баб-баравар қалам тебратган бир қатор таниқли ва машҳур ўзбек шоиралари истеъдоди кенг ривож топган.

Худоёрхон даврида яшаб ижод этган шоир ва шоиралардан қуйидагиларни айтиш мумкин: Ёрий Хўқандий, Завқий, Нозил Аваз Муҳаммад, Писандий, Муқумий, Фуркат, Дилшод, Зиннат, Моҳзода Бегим, Муштарий ва бошқалардир.¹⁸⁰

Худоёрхон даврида ҳам санъаткорлар ижтимоий-маданий ҳаётда муҳим ўринни эгаллаганлар. Халқимиз орасидан ажойиб қобилият эгалари – созанда, хонанда, бастакор, ипакдўз, зардўзлар етишиб чиққан. Ана шундай кўп қиррали касб-ҳунар эгаси бўлган Ашурали Маҳрам (1825-1863) хушовозлиги билан Фарғона водийси ва Тошкентда машҳур бўлган. Унинг доврўғини эшитган Худоёрхон Ашуралини ўз саройига чақиртиради. Лекин саройдаги мураккаб ҳаётдан безган хонанда Тошкентга қочиб кетади. Саройдан кўра халқ орасида хизмат қилишни афзал кўради. У мақом йўлида “Хусайн”, “Чоргоҳ”, “Баёт”, “Гулёри шахноз”, “Дугоҳ” каби куйларни басталаган. Фарғонада “Катта ашула”нинг тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган.¹⁸¹

Худоёрхон даврида яшаб ижод қилган ўзбек театрининг атоқли намояндаси, халқ қизиқчиси Саъди Махсум (1809-1889) ўз фаолиятини Зокир Эшоннинг қизиқчилар труппасида бошлайди. У “Атторлик”, “Жафокаш эр”, “Кетмон тилаш”, “Домла” (“Бола ўқитиш”), “Чавандоз” (улоқчилик), “Бедана ўйини” каби хилма-хил образлар яратган. Унинг Абдуазиз қизиқ билан ҳамкорликда яратган “Обжувоз” комедияси бу даврда жўда машҳур бўлган. Қизиқчилик санъатининг сир-асрорларини пухта эгаллаган Саъди Махсум деҳқон, хунарманд, чўпон ролларини

¹⁸⁰ Бобобеков Х. Худоёрхон // Турон тарихи Т., 2005. 3-сон

¹⁸¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси 1 том Т., 2000. Б. 835.

юқори маҳорат билан ижро қилганидан, одамлар унинг маҳоратига катта баҳо беришган. Таниқли қизиқчи Юсуфжон қизиқ Шакаржонов Саъди Маҳсумнинг қизиқчилик мактабидан етишиб чиққан иқтидор эгаларидан биридир.

Ўзбек актёрлик санъатининг йирик намоёндаси Зокир Эшон Рустам Меҳтар ўғли (1824-1898) Қўқон актёрлари, қизиқчиларига устозлик қилган. Мимика, маъноли имо-ишора ва ҳаракатлар, сўз ҳамда оҳанглардан унумли ва ўринли фойдаланиб, ғоят таъсирчан образлар яратишда Зокир Эшон маҳорати таҳсинга сазовор бўлган. У юздан ортиқ етук сатирик ва юмористик оғзаки комедиялар ижод этди, сахналаштирди. Унинг “Хон хажви”, “Заркокил”, “Мозор”, “Сиркатарок”, “Азизлар”, “Ҳожи кампир”, “Фарзанд дуоси”, “Қаландарлар”, “Дорбозлик”, “Келин туширди”, “Мардикор ва нонвой”, “Атторлик” каби кичик комедияларини халқ севиб тинглар эди.¹⁸² Уларда халқ нафрат билан қараган золимларнинг кирдикорлари фош этилади ва меҳнаткаш одамлар манфаати ҳимоя қилинади.

Шу билан бирга Худоёрхон даврининг маданий ҳаётида дорбозлик, кўғирчоқ театри, масхарабозлик ва айниқса бастакорлик ҳам бирмунча ривожланди ва ҳаттоки, шарқ мамлакатларида машҳур бўлди.

¹⁸² Ўзбекистон миллий энциклопедияст 4 - том Т., 2000. Б. 25.

Хулоса

Тарихий шахслар ҳаёти ва фаолиятини ёритишда авваламбор тарихий манбаларни таҳлил этиш, уларда келтирилган маълумотлар у ёки бу даврни қай даражада ёритиб бера олишига аҳамият бериш зарур бўлади. Тадқиқотимизнинг объекти бўлган Худоёрхоннинг сиёсий фаолиятини ҳам биринчи навбатда айнан шу жиҳат бўйича таҳлил этдик. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, маҳаллий тарихчиларнинг асарлари Худоёрхоннинг сиёсий фаолиятини ёритиб бериш билан бир қаторда, унинг ҳокимиятдан кейинги тақдирини ўрганишда ҳам муҳим манба ҳисобланади. Масалан, “Тарихи Туркистон”, “Тарихи Азизий”, “Тарихи жаҳоннамои” каби асарлардан Худоёрхоннинг ҳукмронлиги, русларга қарши олиб борган урушлари, бошқарув сиёсати ҳақидаги маълумотларни олсак, “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин” асарида бўларга кўшимча тарзда, Худоёрхоннинг тахтдан ағдарилгандан кейинги йиллардаги воқеаларини ҳам билиб олишимиз мумкин. Шунингдек, мазкур воқеалар ҳақида рус тарихчи, элчи ва сайёҳларининг асарларида ҳам ёзиб қолдирилган. Уларда Худоёрхоннинг Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Қошғар ва Россия империяси билан олиб борган сиёсий-иқтисодий алоқалари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар мавжуд.

Диссертациянинг биринчи бобида Худоёрхоннинг уч маротаба ҳокимият тепасига келиши, бу даврдаги сиёсий жараёнлар ёритиб берилган. Худоёрхон дастлабки ҳукмронлиги даврида Мусулмонқул васийлиги остида, 1852-йил қипчоқлар қирғинидан кейин эса мустақил сиёсат олиб борган. Мусулмонқулнинг ўлими ва қипчоқларнинг қирғин қилиниши Худоёрхон ҳокимиятини биров кучайтиргандек бўлди, бироқ, бир томондан, ички курашлар, иккинчи томондан, чор Россиясининг ҳарбий тажовузлари туфайли халқнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи оғирлашди ва бу энг аввало Худоёрхон сиёсатидан умумий норозиликни кучайишига сабаб бўлди. Худоёрхоннинг иккинчи маротаба ҳокимият тепасига келиши қирғиз ва қипчоқларга хуш келмаган ва улар ўзлари учун

мақбул бўлган хонни тахтга ўтказиш учун кураш бошлаганлар. Қирғизлар Алиқули ва Шодмонхожи бошчилигида амир кўшинларини мамлакатдан ҳайдаб чиқариш, унинг таъсирида бўлган Худоёрхонни тахтдан ағдариш учун астойдил курашганлар ва мақсадларига эришадилар.

Руслар билан урушнинг кучайиши, Тошкент руслар томонидан босиб олиниши пайтидаги қулай вазиятдан фойдаланган Худоёрхон 1865-йилда учинчи маротаба хонлик тахтини эгаллайди. Худоёрхон учинчи марта хонлик тахтини бошқарган пайтда асосан руслар мададига таянган. Хонлик тахтида ўтирган пайтида у асосан ўйин-кулги, маишатбозлик билан машғул бўлган. Ҳатто фон Кауфман унга хонлик тахтини бошқариш учун баъзи бир ислохотларни ўтказиш кераклиги, акс ҳолда халқ ғалаёнига қарши биз ҳам ёрдам беролмаймиз, деб огоҳлантиришларига қарамасдан ҳокимиятини абадийлигига ва руслар ёрдамига ишонган эди. Бу эса кўп ўтмасдан хонликда халқ ғалаёнларини бошланишига, Худоёрхон томонидан энг ишончли шахслар сифатида кўзғолончиларга қарши жўнатилган Абдурахмон Офтобачи ва Мулла Исо Авлиёларнинг исёнчилар томонига ўтиб кетишига ва охир-оқибат Худоёрхон ҳукмронлигининг тугатилишига олиб келади.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида Худоёрхоннинг тахтдан ағдарилгандан кейинги тақдири ўз ифодасини топган. Худоёрхон бу даврда ҳар қанча танг аҳволга тушиб қолишидан қатъи назар тахтдан воз кечмаган, деган хулосага келинди. Унинг муҳожирлик йилларида яна Қўқон тахтига умид пайдо бўлган. Эҳтимол, Афғонистон, Арабистон, Ҳиндистон каби мамлакатларни кўрган Худоёрхонда дунёда чор Россияси билан рақобатлаша оладиган қудратли давлатлар борлигини кўриб, улар ёрдамида салтанатини қайта тиклаш иштиёқи туғилган бўлса керак. Аммо унинг бу орзулари амалга ошмаган. Фарғона чор Россиясининг мустамлакасига айлантирилган.

Учинчи бобда Худоёрхоннинг ҳукмдор ва шахс сифатидаги фаолияти ёритиб берилган. Худоёрхон Қўқон хонлиги ҳудудидаги барча

мадрасалар фаолияти билан, уларда ўқув-тарбия ишлари, таъминот масалалари билан шуғулланишни ўз зиммасига олган. Шу билан биргаликда, унинг даврида Қўқон хонлигида бир қанча мадрасалар қурилиши амалга оширилган. Масалан, Марғилонда Султон Муродбек мадрасаси, Қўқонда Ҳоким Ойим мадрасаси ва ҳоказолар. Бу қурилган мадрасалар халқни маърифатли қилишда катта рол ўйнаганлиги шубҳасиз.

Худоёрхон даврида деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо муносабатларининг ўсиши Қўқон хонлигида яшаган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Хонликда савдонинг ривожланиши мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ўсиши, маҳаллий ҳунармандлар маҳсулотлари турларининг кўпайиши ва рақобатбардош қилиб чиқарилишига олиб келган. Шунингдек, иқтисодий марказларнинг кўпайиши, бозор инфратузулмаси – янги бозор, карвонсарой, карвон йўллари қурилишига, бож ва пул тизимини ислоҳ қилинишига сабаб бўлган.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Худоёрхон учинчи маротаба ҳокимият тепасига келганда чор Россияси билан олиб борган дўстона сиёсати натижасида хонликнинг ташқи савдосида ушбу империя ҳиссаси юқори даражага кўтарилди. Гарчи Қўқон савдогарлари Россия билан савдо алоқаларидан катта манфаатдор бўлган бўлсалар-да, кейинги давр хонликни нафақат иқтисодий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам чор Россиясига қарам бўлиб қолганлигини кўрсатди.

Худоёрхон ҳукмронлик йиллари ҳар қанча мураккаб давр бўлмасин бу замоннинг ҳам ўзига хос маданий муҳити бўлган. Янги асарлар яратилган, шеърлар ижод қилинган. Мазкур асарларни сарой муҳити таъсирида ёзилган ижод намуналари ва саройдан ташқари, мустақил яратилган асарлар сирасига киритиш мумкин. Улар орқали Худоёрхон саройидаги сиёсий вазиятни, шу билан бирга оддий халқнинг турмуш тарзини, орзу мақсадларини билиб оламиз.

Бу даврда халқнинг илмли кишиларга бўлган ҳурмати юқори бўлган. Мадрасаларда таълим олиб хат-саводи чиққан кишилар юқори лавозимларда ишлаш имкониятига эга бўлганлар. Шунинг учун ҳам иқтисодий имконият тўғилиши билан ҳар қандай табақа вакиллари ўз фарзандларини илм-ҳунар эгаллашга ундаганлар. Бу эса ўз навбатида кейинги даврларда халқимиз орасидан ижодкор зиёлиларнинг кўплаб йетишиб чиқишига замин яратган.

Мавзуни тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

Биринчидан, Худоёрхон мураккаб тарихий шароитда ҳокимият тепасига келган шахс, у ҳали ҳукмдорлик салоҳияти йетарли бўлмаган 14 ёшида тахтга ўтказилган.

Иккинчидан, Худоёрхоннинг ёш эканлигидан фойдаланиб, унинг биринчи ҳукмронлик даврида маҳаллий зодагонларнинг ҳокимият учун ўзаро ички сиёсий курашлари давом этган. Бу хонлик аҳолиси турмушига ўзининг салбий тасирини кўрсатган.

Учинчидан, Худоёрхоннинг иккинчи маротаба тахтни эгаллаши ва оз фурсатда ундан маҳрум бўлганлиги, сийсий ҳукмдор сифатидаги лаёқати йетишмаслигини кўрсатади.

Тўртинчидан, қарийиб ўттиз йиллик ҳукмронлиги даврида Худоёрхон оз бўлса-да ижобий ютуқларга ҳам эришган. Жумладан, Қўқонда хон саройининг қурилиши, Андижонда Улуғнаҳр каналининг қазилиши Худоёрхон номи билан бевосита боғлиқ.

Бешинчидан, тарихнавислик, адабиёт ва санъат янги босқичга кўтарилди. Шеърятда зуллисоний (бир вақтда икки – ўзбек ва форс-тожик тилларидан фойдаланиш) кенг раванқ топди.

Олтинчидан, бу даврда хонлик савдо-иқтисодий алоқалари шарқда Хитой, ғарбда Туркияга қадар бўлган ҳудудларни қамраб олди. Россия империяси билан бўлган алоқаларга катта эътибор қаратилди.

Худоёрхоннинг ҳаёти ва сиёсий фаолиятини ўрганиш Қўқон хонлигининг XIX аср ўрталари ва иккинчи ярмида рўй берган воқеаларни,

шу билан бирга хонликнинг чор Россияси томонидан босиб олиншига доир маълумотларни ўрганишда муҳимдир. Бу даврни ҳар томонлама объектив ўрганиш ва таҳлил этиш тарихий воқеалик ҳақида ҳаққоний хулоса беришга имкон яратади. Шунинг учун ҳам Худоёрхон даврини ўрганиш ёш олимлар олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар

РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И.А Тарихий хотирасиз - келажак йўқ. Т.: Шарқ, 1998, 38 бет.
2. Каримов И.А Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008, 80 бет.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Олий

Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш марказини ташкил этиш тўғрисида” ги фармойиши // Халқ сўзи. 1996. 6 декабр.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисидаги қарори” // Халқ сўзи. 1996. 17 декабр.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори // Халқ сўзи. 1998. 28 июл.

III. Маҳаллий тарихнавислар асарлари

6. Аваз Муҳаммад Аттор Хукандий. Тарихи жаҳоннамои: форс тилидан Ш.Воҳид таржимаси // Шарқ юлдузи. 1991. № 8, 22 бет.
7. Ибрат. Фарғона тарихи. Т.: Камалак. 1991, 37 бет
8. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Нашрга тайёрловчилар: Воҳидов Ш, Сангирова Д. – Т.: Маънавият. 1999, 125 бет.
9. Мирзоолим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи (Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин). Т.: Ғ.Ғулом нашр., 1995, 114 бет.

10. Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алимқули амирлашкар // Шарқ юлдузи. 1996. № 1-2.
11. Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Т.: Янги аср авлоди. 2009, 244 бет.
12. Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. Т.: Янги аср авлоди. 2010, 450 бет.
13. Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Сўз боши ва илова муаллифлари: Бобобеков Ҳ, Сулаймонов И. Т.: Fan va texnologiya. 2014, 347 бет.

IV. Адабиётлар

14. Азимов И. Фарғона водийси архитектура ёдгорликлари. Т.: Ўзбекистон. 1986, 102 бет.
15. Бабаджанов Б. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио – Т.: Yangi nashr. 2010, 470 бет.
16. Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. Т.: Фан. 1996, 272 бет.
17. Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. Т.: Академнашр. 2010, 320 бет.
18. Игамбердиев А, Амирсаидов А. История Кокандского ханства. Т.: Davr Press. 2007, 215 бет.
19. Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т.: Фан. 1973, 385 бет.
20. Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казань. 1886, 215 бет.
21. Сулаймонов Ф, Бозорбоев Ф. Ўзбекистон ҳукмдорлари. Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2007, 112 бет.
22. Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. Москва. Наука. 1968, 155 бет.
23. Хасанов А.Х. Народные движения в Киргизии в период Кокандского ханства. Москва: Наука. 1977, 74 бет.
24. Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. Т.: Шарқ. 1995, 94 бет.

25. Хошимов У.Ю, Маманазарова М. Ўзбекистонда савдо муносабатлари ва тадбиркорлик тарихи. Фарғона, 2011, 124 бет.
26. История Узбекистана (XVI – первая половина XIX века). Т.: Фан. 2012, 452 бет.
27. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т.: Шарқ. 2000, 412 бет.
28. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1,4 – томлар. Т.: 2005, 487 бет.

V. Даврий матбуот материаллари

29. Ақром ўғли А. Худоёрхон қаерда ўлган? // Туркистон. 1992. 18-апрель.
30. Арслонзода Р. Россия истилоси ва Худоёрхон // ФДУ хабарлар. 2001. (илова - тўплам).
31. Арслонзода Р, Расулов А. Худоёрхоннинг дарбадарлик йиллари (Тошкентдан Каррухгача) // Илм – заковатимиз сенга, она-Ватан мавзусидаги Республика илмий – амалий анжуман материаллари (2-қисм). Фарғона, 2015.
32. Бобобеков Ҳ. Худоёрхон // Турон тарихи. Т.: 2005. 3-сон.
33. Бобобеков Ҳ. Сенсация ёки олмшумул “янгилик” // Турон тарихи. Т.: 2005. 3-сон.
34. Эгамбердиев А. Зеб ичра зийнат // Фан ва турмуш. 1991. 11-сон.
35. Эгамбердиева Н, Абдуллаев Ж. Худоёрхоннинг Қўқон хонлиги тарихида тутган ўрни // Турон тарихи. Т.: 2005. 3-4-сон.
36. Комилов А, Эватов С. Қўқон хонлигида олий кенгаш фаолияти // “Фарғона водийси янги тадқиқотларда” мавзусидаги III республика илмий анжумани материаллари. Фарғона. 2014.
37. Юсупов Ш. Худоёрхон // Жаннатмакон. 2009. Феврал.
38. Юсупов Ш. Хоннинг сўнгги илинжи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2004 йил. 21 декабр.
39. Юсупов Ш. Фурқат, шаҳзода Фансурулло ва генерел Жўрабек // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989 йил. 17 май.

40. Расулов А. Худоёрхоннинг дарбадарлик йиллари // Актуальные проблемы многоязичия в Республике Узбекистан (Республиканская научно – практическая конференция). Фергана, 2015.

VI. Диссертация ва авторефератлар

41. Воҳидов Ш.Х. Развитие историографии в Кокандском ханстве в XIX – начале XX вв. Автореф. диссертации д-ра ист. наук. Т.: 1998, 146 бет.
42. Гуломов Х.Г. История дипломатических отношений государств Средней Азии с Россией. Автореф. диссертации. д-ра ист. наук. Т.: 2006, 113 бет.
43. Мадраҳимов З.Ш. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари. Тарих фан. ном. дисс., автореферати. Т.: 2009, 102 бет.

VII. Интернет материаллари

44. www.ziyouz.com
45. www.hist.bsu.by
46. www.wikipedia.ru
47. www.shosh.uz

